Узбекистон Республикаси Олий ва Урта махсус таълим Вазирлиги

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ВА МУСИКА ФАКУЛЬТЕТИ
МУСИКА ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ

# МУСИКА УКИТИШ МЕТОДИКАСИ ВА МАКТАБ РЕПЕРТУАРИ

**(маърузалар матни )**

**Тузувчи:** **Катта укитувчи Н. Туранازаров**

**Термиз-2006 йил**

| | |
|---|---|
| **«Тасдиклайман»**<br>**Педагогика ва мусика факультети декани доц. Б. Инсопов**<br>**__________________________________**<br>**«______» _________ 2007 йил** | **«Тасдиклайман»**<br>**Мусика таълим кафедраси мудири доцент Ш.Р. Рахматуллаев**<br>**__________________________________**<br>**«______»_________ 2007 йил** |

Маъруза матни 2007 йил агуст ойидаги кенгашда куриб чикилиб, курсларга укиш учун тавсия этилди

# СУЗ БОШИ

Мусика укитиш методикаси фанининг максади мусика курси тинловчиларини мусикавий амалий фаолиятини янада фаоллаштиришдан иборатир.

Бу максад куйидаги вазифаларни хал этишни кузда тутади:

-мактабда мусика таълими ва тарбияси мазмуни, ташкил килиниши, турли шакллар ва методлари хакида асосий маълумотлар бериш.

-Мактабда мусика таълими ва тарбияси сохасидаги илгор тажрибаларни умумлаштириш.

-Мактабда ва синфдан ташкари педагогик амалиёт буйича методик адабиётларни урганишга тайёрлаш.

- Мусикий асарларнинг бадий- педагогик тахлили методикаси асосларини бериш.

- Илмий тадкикотчилик ишлари бошлангич малакаларини хамда болаларни мусика санъати воситасида укитиш ва тарбиялаш масалаларига тугри ёндашувни шаклантириш.

Мусика укитиш методикасини урганишда педагогика,психология,мусика укув режасида кузда тутилган бошка предметлардан олинган билимларга таянилади. Тарихъий – назарий предметлар мазмунини узлаштириш укитувчиларга мусикий

санъат хусусиятларини болаларга самарали етказиш йулларини топишга,уларга хаётнинг мусикий образларда акс этишини, ифода воситаларини тушунтира олишда ёрдам баради.

Мусика укитиш, асосий йуналишлар услуб ва жанларнинг ривожланиши, йирик композиторларнинг узига хос ижод йули хакидаги билимлар мактаб укувчиларнинг мусикий дидини тарбиалаш, уларнинг дунёкароашини шаклантиришка ёрдам беради.

Хар бир ижрочилик синфи – якка куйлаш, дирижёрлик мусика асбоби, мактаб репертуари факатгина ижрочи – мусикачини тайёрлабгина колмай, балки мактаб укувчилари билан ишлашда улар овозини саклаш ва ривожлантириш,хор билан ишлаш, мусикий асарни ижрода курсатиш ва ривожлантириш, хор билан ишлаш, мусикий асарни ижрода курсатиш ва тахлил килиш малакаларни шаклантириш, мохир педагогни тарбиялашга кумаклашади.

Психология, педагогика фанлари хозирги пайтда жамият олдида турган вазифалар, умумтаълим мактабларни ва укитувчилар олдига ауйилаётган талаблар, укув – тарбиявий жараён конуниятлари ва шакллари, укувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлари, мактабда мусикий тарбиянинг максад ва вазифалари, унинг тузилишини аниклашга ёрдам беради.Мусика укитиш

методикаси мусика укитувчисининг касбий мусикий педагогик тайёрлигини якунлайди.

Фанинг асосий мазмунини тингловчилар маърузалар курсида узлаштиради, му муаммоли, ноанъановий ва тингловчиларнинг онги, ижодий фаоллигини, диккат ва кизикишни рагбатлантирувчи янги шаклларни куллаш тавсия этилади.

Амалий машгулоттлар маърузаларнинг мантикий давоми булиб, уларда тингловчилар ; маърузалар курсида узлаштирилган билимларини мустахкамлайди; тавсия этилган адабиотларни урганади ва кискача баён этади; булимлар ва мавзулар буйича семинар машгулотларида дарс фрагментларини, мустакиллигини рагбатлантиради, мустакил билим олиш малакаларини ривожлантиради.

**Мавзу*: Шахс камолотини ривожлантиришда Мусика тарбиясининг роли.***

РЕЖА:

1. Мусиканинг маданий хаётимизда тутган урни.
2. Мусика укитиш методикасининг максад ва вазифалари.
3. Мусика укитувчисининг маънавий ахлокий киёфаси ва унга куйилган талаблар.
4. «Мусика» фанидан янги дастурларнинг мазмуни ва узига хос хусусиятлари.

Адабиётлар:

1. Омонуллаев Д. Мактабда мусика тарбияси методикасидаги Лекциялар курси Т. 1990.
2. Омонуллаев Д. Нурматов Х. Мамиров ва бошкалар. Умумий урта таълимнинг давлат таълим стандарти ва укув дастури.
3. Файзиев О. Мактабда мусикавий тарбия Т. 1991.

## К И Р И Ш

Мусика маданий хаётимизда кенг урин тутган, инсон шахсиятини ривожлантиришда мухим ахамият касб этадиган санъат туридир. Мусика тарбияси, нафосат тарбиясининг асосий ва мураккаб кирраларидан бири булиб, атрофдаги гузал нарсаларни тугри идрок этишга ва кадрлашга ургатади. Мусика инсонни юксак дид билан куроллантиради ва маънавий дунёкарашини шакллантиради. Мусика инсон хиссиётига кучли таъсир курсатиш имкониятига эга булиб, укувчиларни нафосат оламига олиб кириш ва гоявий-ахлокий тарбиялашнинг мухим воситасидир. Миллий маданиятимиз бобокалони Абу-Носир ал-Фаробий «Бу фан таннинг соглиги учун фойдалидир», деган эди. Бобомиз Шайх Саъдий айтган эди: «Мусика одам рухининг йулдошидир». Мусика инсонга тез таъсир этувчи эмоционал хиссиётни актив ривожлантирувчи воситадир. Инсон мусика билан она алласи оркали танишиб, умрбод мусикадан завк топади ва мадад олади. Мусика инсон

рухиятини ажралмас кисми булиб хисобланади. Мусикадан турли озука олиш учун инсон юксак маданиятли, соф калб эгаси, гузалликни хис эта оладиган, уз касбига, Она ватанига мехр куйган булиши керак. Шу боис укувчиларда инсон маънавиятининг таркибий кисми булган мусика маданиятини тарбиялаш, мусика тарбиясининг бош максади булиб туради. Бу олий максадни амалга ошириш учун мусика укитувчисининг олдига куйилган вазифалари куйидагилардир:

1. Укувчиларда мусика санъатига булган кизикиш ва мухаббатни ошириш.
2. Мусикий фаолиятлар жараёни бадиий ижодкорлик ва хис-туйгуларни ривожлантириш.
3. Асарларнинг бадиий-гоявий мазмуни воситасида укувчиларни ахлокий-эстетик тарбиялаш.
4. Мусика дарсларида касб-хунар ва мехнатга нисбатан укувчилрда иштиёк уйготиш каби ишларни амалга ошириш керак.

Мазкур максад ва вазифаларни амалга ошириш укитувчинингпрофессионал ва ахлокий киёфасига боглик. Хар кандай санъаткор хам мактабда мусика дарсларни олиб боролмайди. Бунинг учун, мусика укитувчиси уз касбига ва болаларга мехр куйган юксак маданиятли, кенг дунёкарашга эга булган шахс булмоги лозим. У педгогика, психология, болалар физиологияси, этика ва эстетика назарияси, мусика назариясиннинг амалий сохларидан, мусика укитиш методикаси фанларидан чукур билимга эга булмоги керак. Мусика укитувчиси мусика санъатининг назарий ва амлий сохаларидан етарли даражада билим, куникма ва тажрибага эга булиши лозим. Яъни у хам чолгучи, хонанда, хор дирижёри, журнавозчи, мусика назариётчиси ва амалиётчиси сифатида иш курмоги лозим. Мусика укитувчисининг ижодкорлиги шундаки, у бир соатлик дарсга сценарий муаллифи, унинг ижрочиси ва режиссиёри сифатида иш тутади. Шу боис мусика дарси санъат дарси дейилади. Мактаб хаётида мусика укитувчисининг фаолият микёси кенгдир. Синфдан ташкари мусика укитувчисининг фаолият микёси кенгдир. Синфдан ташкари мусика тарбияси турларини ташкил этиш ва бошкариш, мактабда мусика тарбиясининг оммавий шаклларини (санъаткорлар билан учрашувлар, лекция-концертлар, шоирлар билан учрашувлар, «Навруз» байрамлари, «Алифбе» байрамлари, «Мусика хафталиклари», «Узбекистон ватаним маним», «Илхом чашмалари» курик танловлари, байрамларни) уюштириш мусика укитувчиси зиммасида вазифадир. Шу билан бирга, мактабдан ташкари мусика тарбияси марказлари (болалар мусика мактаблари, укувчилар саройлари, болалар театри) билан алокада булиб, иктидорли укувчиларни уларга жалб этиш ва уларнинг фаолиятини мактаб хаётида куллаш хам мусика укитувчисининг зиммасидадир. Узбекистоннинг «Таълим тугрисида»ги конунига кура «9 йиллик умумий урта таълим» жорий этилди. Барча укув предметлари катори мусика предмети буйича хам айтиш концепцияси ишлаб чикилди. Яъни дастур мазмунида миллий мусика меросларидан тулаконли фойдаланиш, оммавий халк куйлари ва кушиклари, маком, шошмаком, достонлар ва бугунги

замонавий мусика уз аксини топган. Мазкур дастурнинг укув жараёни, мусика укитиш методикаси, дарсларнинг йил, чорак мавзулари, тахминий режаси, намунвий дарслар ишланмаси, махаллий мусика ва дарс фаолиятлари дарс мавзусининг ажралмас бир кисми булиб, умумий мавзуга буйсунади ва мантикан узвий бирлашиб, мазмунан бир бутунликни ташкил килади. Бу хозирда ишлаётган укитувчилардан иш мазмуни ва услубида янгиланиш жараёнини талаб этади. Бундай талаблар мазкур кулланмалар. Тавсияномалар мажмуасида ва нашр этилаётган укув – методик кулланмаларда кенг маънода ёритилмокда. Янги дастурларни узига хос на хусусиятли томони шундан иборатки, мусика маданияти фанини асоси булган мусика саводхонлигини тарикб топтириш лозим булган, катор мусикий конуниятлар жумладан, мусика нутки, мусика ифода воситалари, мусика шакллари, мусиканинг тузилиши ва ривожланиши, мусиканинг замонавийлги чукур, мукаммал ургатилиши керак. Демак, янги дастур мазмунида дарс утиш учун, мусика укитувчиси узининг мусикий-назарий билимларини такомиллаштириши лозим. Чунки, мамлакатимизда ёш авлодни Ватанга мухаббат рухида тарбиялашнинг мухим таркибий кисми  нафосат тарбияси масалаларини, инсонни маънавий, маърифатли, килиб тарбиялаш масалаларини хал килишда жамият ва давлат томонидан куйилган катта маъсулиятни мусика укитувчисининг олдига вазифа килиб куйилмокда. Мусика таълими самарадорлигини таъминлашда, укувчиларнинг мусика дарсига булган кизикишини устиришда укитувчи етакчи булиб хисодланади.

**Текшириш саволлари:**

1. Маданий хаётимизда мусика кандай ахамиятга эга?
2. Баркамол инсонни шакллантиришда мусика укитишнинг максад ва вазифалари кандай?
3. Мусика укитувчисининг олдига кандай талаблар куйилган?
4. Мусика укитувчисининг мактаб хаётида тутган урни.
5. Янги дастурни узига хос хусусиятлари ва мазмуни нимадан иборат?

**Таянч тушунчалар:**

<u>Мусика – турли-туман товушлар билан образ яратиб берувчи, гоявий эмоционал мазмунига эга булган санъатнинг бир тури хисобланади.</u>

Мусика эстетикаси – мусика санъатнинг мохияти, бадиий шакллари ва услубларини ургандиган фан.

**Мавзу: Мусика дарсларининг хусусияти ва структураси.**

РЕЖА:

1. Мусика дарсларининг максади ва ахамияти.
2. Мусика дарсининг хусусияти ва бошка фанлардан фарки.
3. Мусика дарсининг бошка фанлар билан алокаси.
4. Мусика дарсининг структураси.

Адабиётлар:

1. Омонуллаев Д. Умумий таълим мактаблари учун мусика дастурлари  Т. 1992

2. Нурматов Х. 6-синф учун укув кулланма. Т. 1997
3. Нурматов Х. 1- синф учун «Мусика алифбоси» дарслиги Т.1998

Дарс мусика тарбияси тизимида етакчи омил хисобланади. Чунки, болалар ялпи тарзда камраб олинади. Мусика болаларни аклий хамда ахлокий ривожланишида катта ижобий таъсир курсатади. Шунинг учун мусика дарслари энг аввало, тарбия дарси дейилади. Фаннинг номи факатгина мусика укитиш методикаси эмас, балки мусика тарбияси методикаси дейилади. Янги дастур мазмунида дарс утиш учун мусика укитувчиси узининг мусикий ва назарий билимларни такомиллаштириш лозим. Бугунги кунда мусика инсонни шаклланишида мухим роль уйнайди, унинг хиссиёти ва физиологиясига актив таъсир курсатади. Умумтаълим мактабларининг асосий вазифаларидан бири, укувчиларни фикрлаш ва уйлашга ургатишдир. Бу вазифани амалга оширишда мусика дарси мухим ахамиятга эга. Бунда укитувчи болаларни маълум бир мусика асари билан таништириб уни ифодали, «жонли» килиб ижро этиб, укувчилар диккат эътиборини асарга жалб этади, уларнинг нуткини устириш, фикрлаш кобилиятини, дунёкарашини кенгайтиради, эмоционал хис-туйгуларига хам актив таъсир этади. Мусика дарсларининг мазмунида факатгина узлаштириш эмас, балки укувчилар онгини вокаликка муносабатини ривожлантириш, эстетик маданиятини таркиб топтириш ва бошка ички хис-туйгуларини шакллантириш назарда тутилади. Укувчиларнинг дарсга ижодий тарзда ёндошиши мухим ахамият касб этади ва бир канча вазифаларни уз олдига максад килиб куяди.

Мусика тарбиясида янги метод ва воситалар излаш;

Хаёт ва санъат уртасидаги узвий богликликни мусика маданиятининг мазмуни ва маъносини ифодалаш тушунтириш максадида аник ходисалар ва мисоллардан фойдаланиш.Ушбу вокеаларни амалга оширишда укитувчи жиддий тайёргарлик куриши, уз устида тинмай ишлаши, яъни билим савиясини, маданиятини, илмий адабиётлар, янги дастурлар, бадиий адабиётлар, театр, музейларга бориб (тинмай) онгини ошириш йулларини такомиллаштириб бориши лозим. Мусика дарслари олиб бориладиган

синф хонасини дид билан намунали жихозланган булиши мухим роль уйнайди. Техника воситалари, методик кургазмали куроллар, пианино чолгу асбоби ва узбек халк чолгу асбоблари билан жихозланган булиши, янги дастурдан фойдаланиб, дарс режа конспектларини тузиб янги технологияни куллаб олиб борилиши керак. Шундай килиб, мусика дарсларининг барча фаолиятларини максади ва мазмуни дарсни мавзуларини ёритиб, хаёт билан боглаб, дарснинг хамма кисмларини бир-бири билан узвий олиб боришни талаб этилади.

Мусика дарси бошка дарслардан узининг бадиийлиги, кизикарлилиги ва болаларга купрок ижодий завк, эмоционал туйгулар ва образли кечинмалар уйготиши билан ажралиб туради. Шунинг учун мусика дарси энг аввало, тарбия дарсидир.

Мусика дарслари куйидаги специфик хусусиятлари билан бошка дарслардан фарк килади:

*У мусика назарияси ва ижрочилигига доир турли фаолиятлардан: вокал–хор машгулотлари, мусика саводи, мусика тинглаш, болалар чолгу асбобида чалиш, ритмик харакатлар бажариш элементларидан иборатдир.*

Мусика бошка санаът турларидан узининг ифода воситалари, яъни «тили» билан фарк килади. Агар бадиий адбиёт суз билан тасвирий санъат ранглар билан, ракс санъати харакат билан ифодаланса, мусика эса мантикий товушларда вужудга келган оханг воситасида ифодаланади. Юкоридаги санъат турларини куриш ва эшитиш оркали идрок этсак, мусикани факатгина диккат билан тинглабгина ифода этамиз. Шунинг учун кузи ожиз кишилардан хам етук мусикачилар етишиб чиккан.

1) Мусика аник вакт улчови билан богланган санъатдир. Шунинг учун, ижро этилаётган мусика темпига созланиб, унинг хар бир элементини диккат билан тингламасак, асарни мукаммал идрок этолмаймиз. Мумтоз асарни кайта-кайта тинглаганда унинг янги-янги бадиий кирраларини хис этамиз.

2) Мусика болаларга актив эмоционал таъсир курсатади, кувонтиди хамда ижодий кечинмалар уйготади. Яхши, мазмунли, кизикарли мусика дарсидан болалар хордик чикариб, бадиий озука оладилар, кувнок, хурсанд булиб чикадилар. Хуллас, мусика дарси узининг актив психологик таъсири билан бошка фанлардан фарк килади.

Шунингдек, мусика дарси бошка фанлар билан хам чамбарчас богликдир. Тасвирий санъат, адабиёт, она тили, математика, тарих, педагогика, психология, вокал, ритмика ва бошкалар. Булар мусика дарсини хаёт билан боглашга, мазмунли, кизикарли килиб дарсни олиб боришга ёрдам беради. Мусика дарси узининг аралаш дарси типи билан хам, бошка фанлардан фарк килади. Мусика дарсининг структураси 3 асосий фаолият туридан: мусика тинглаш, мусика саводи ва хор булиб кушик куйлашдан иборат.

Урта синфларда дарс (структураси) 3 та асосий фаолиятлардан тузилади:

1. Хор булиб куйлаш.
2. Мусика саводи.
3. Мусика тинглашдан иборат.

Бошлангия синфларда эса дарс структураси 5 та саосий фаолиятлардан тузилади:

1. Хор булиб куйлаш.
2. Мусика саводи.
3. Мусика тинглаш.
4. Мусикага мос харакатларни бажариш.
5. Болалар чолгу асбобларида жур булишдан иборат булади.

Чунки, бошлангич синф укувчиларини диккат эътиборини таркок,овоз аппаратлари кучсиз, мусикий укув кобилиятлари, тула шаклланмаган

серхаракат, уйинга мойил буладилар. Бунда дарснинг тузилиши баркарор структурага караб эмас, балки укитувчи дарс мавзуси, педагогик максад сари эришишга караб, дарсни хохлаган дарс фаолиятидан бошлаши мумкин. Бундан максад, укувчиларни мусикага кизиктира олиш, мусикий кобилиятларини устириш жихатдан мантикий бир бутунликка эришшдир. Демак, янги дастур мазмунида дарс утиш учун, мусика укитувчиси ижодкор булиши, мусикадан зарур билимларга хамда ашулачилик малакаларига эга булмоги зарур.

**Текшириш саволлари:**

Мусика дарсининг максад ва вазифалари нималардан иборат?

1. Мусика дарси кандай хусусиятларга эга ва кандай фанлар билан боглик?
2. Замон талаби асосида мусика дарси кандай булмоги керак?
3. Мусика дарсининг структураси кандай фаолиятлардан иборат?

**Таянч тушунчалар:**

Мусика назарияси – мусика тахлили, ижрочилигини ургатувчи фан.

Мусика тарихи – Мусика санъатининг пайдо булишидан хозирги замонга кадар тараккиёти. Вокаль – хор машгулоти – якка холда ансанбль ва хор билан жамоа булиб ашула айтиш.

## Мавзу: Мусика дарсларининг умумдидактик принциплари.

РЕЖА:

1. Педагогика фани асосида мусика таълимнинг укитиш усуллари.
2. Мусика укитишнинг дидактик асослари.
3. Системалилик, илмийлик, давомийлик принципи.
4. Онглилик ва активлик принципи.
5. Мусика дарсларида кургазмалик принципи.
6. Укув материалларининг болалар билим ва малакалирга мослиги ва буларни мустахкамлаш принципи.

Адабиётлар:

1. Мажидов Ж. Ражабов Р. «Мактабда мусика таълими самарадорлигини оширишнинг дидактик асослари» Т. 1990
2. Йулдошев С. «Узбекистонда мусика тарбияси ва таълимининг ривожланиши» . 1985.
3. Д. Омонуллаев «Умумий таълим мактабларида мусика дастурлари» Т. 1992 йил.

Мусика маданияти дарслари педагогиканинг дидактик назарияси ва принциплари асосида тузилади. Мазкур принциплар укитувчи хамда укувчи томонидан бажариладиган барча таълим асослари – дарс мазмуни, методлар ва дарснинг тузилишидаги асосий талаблар унинг йуналишларини булгилаб

беради. Мусика маданияти дарсларининг дидактик принциплари беш турдан иборат:

1. Мусика таълими ва тарбиясида системалилик, илмийлик ва давомийлик принципи.
2. Дарсда укувчиларнинг онглилик ва активлик принципи.
3. Мусика маданияти дарсларида кургазмалилик принципи.
4. Укув материалларининг болалар билим ва малакаларига мослиги принципи.
5. Мусика дарсларида билим ва малакаларнинг мустахкамлиги принципи.

Мазкур принциплар асосан, укув материалларини куллаш, мусика

Дарсини мазмунини ва режасини тузиш жараёнида кулланади. Юкоридаги, кайд этилган умумдидактик принциплар бир-бири билан узвий боглик булиб, мусика дарсини давлат таълим стандартига мувофик, миллик хусусиятларини хисобга олган холда, узлуксизлигини ва узвийлгини асос килиб мусика фаолиятларини изчиллигини таъминлайди.

1. Мусика таълими ва тарбиясида системалилик, илмийлик ва давомийлик принципи.

Хар бир дарсда узининг тузилиши ва мазмуни билан илмий асосдаташкил топиши лозим. Мусика хаикдаги билимлар доираси, мусика таълими ва тарбиясининг асосий омилидир. Унда инсоният яратган мусикага оид коидалар, хулосалар, умумлашган мусикавий тажрибалар уз аксини топган. Уларни узлаштириш – мусика амалиёти йулида билим ва куникмалар хосил килиш демакдир. Дарс жараёнида укув материалларини болаларнинг билим тажрибасига мослиги, болалар овозининг ривожланиш конуниятларини тугри ургатиш, асарларни болаларнинг фикрий кобилитига мос равишда тахлил этиш дарснинг илмийлик принципларини ташкил этади. Илмийликни, системаликсиз амалга ошириш кийин. Дарснинг барча укув фаолиятлари хамда кейинги дарсларнинг узаро мантикий бошланиши системалилик асосини ташкил этади. Куйлаш ва тинглаш учун асарларни билим ва малака даражасига кутариб, соддадан мураккабга, номаълумдан маълумга караб узлаштириб бориш принциплари муайян тартибга мос булиб, системалилик демакдир. Дарснинг хар бир фаолияти уз навбатида, хар бир дарснинг мантикий давоми булиб, педагогик максадларни тобора амалга ошириши давомийлик принципи демакдир.

1. Дарсда укувчиларни онглилик ва активлиги принципи.

Мазкур принцип дидактиканинг етакчи принципларидадир. Чунки, билимни узлаштириш укувчининг аклий фаолиятига асос булган билиш жараёнига богликдир. Мусика идроки кишининг хаётий тажрибасини бойитади, реал вокеаликни бадиий хис этиб, билиш, фикрлаш кобилиятини устиради. Мазкур малака ва куникманинг шаклланиши бола онгининг узок ривожланиш жараёнини талаб этади. Бунинг учун, боланинг укув материаларини онгли равишда билиб узлаштириши билиш жараёнини активлигини вужудга келтириши лозим. Маълум мусика асарини куйлаб ёки танглаб узлаштириш ва ундан бадий-эстетик, завкланиб, идрок этишда, боланинг энг аввало,диккат-

эътиборини жалб эта билиш унда кизикиш уйгота билиш, онглилик ва активликни вужудга келтиради. Мусикани онгли идрок этиш уз навбатида бадий оханг ва мантикий жихатдан хотирада тургун сакланишни талаб этади. Мусика дарсида онглилик ва активлик айникса, вокаль-хор малакаларини шакллантирилиши учун зарурдир. Хор булиб кушик куйлаш, мусика тинглаш, мусика саводи, фаолиятларида хамонглилик ва активлик мусикани назарий ва амалий жихатларини тугри билиш ва узлаштиришни осонлаштиради.

3.Мусика дарсида кургазмалик принципи.

Мусика тарбиясида мусиканинг узи-узига укргазмали воситадир. Чунки, у кули билан эмас,балки кулок билан идрок этилади. Мусика тинглашда хам, асар тахлилида хам, оханг кургазма сифатида чалиб курсатилади. Укитувчининг узи, нутки, ижроси хам асосий кургазма булиб хизмат килади. Бундан ташкари, техник воситалар, кургазмали карточкалар,график ёзувлар, расмлар,нота ёзувлари хам, мусика дарсида кургазма сифатида мухим роль уйнайди.

4.Укув материалларининг болалар билан ва малакалари мослиги принципи.

Мазкур принцип, дастурдан танлаб олинган укув материаллари ва мазкур методик материаллар асосида дарс мазмунини тузиш жараёнида кулкулланилади. Бундан хар бир синфнинг умумий билимва малака даражаси хис обга олиниши шарт. Дастур асосида хар бир синфнинг билим ва малакалари хисобга олинган холда, мусика дарсининг йиллик календарь-мавзули режаси тузилади. Календарь-мавзули иш режасини тузган, укувчиларни ёш хусусияти, мусикий укуви,тянги кушиклар, мусика тинглаш учун асарлар, мусика саводидаги укув материаллари, дарс фаолиятларига караб тузилади.

Мусика дарсларида билим ва малакаларнинг мустахкамлиги. Махкур принципни амалга оширишнинг энг асосий шарти, юкорида баён этилган туртта принципга жиддий амал килишдан иборотдир.

Бринчидан. Билим ва малакаларнинг чукурлиги, мустахкамлиги ва хаётийлигини таъминлаш лозим, яъни мазкур асарни ва унинг ижро услубларини, маданий хаётимиз учун зарур эканлиги хакида болаларда ишочни хосил килиниши лозим.

Иккинчидан. Асарларни танлашда куйдагиларга амал килиш керак:

а) асарнинг болаларни бадий ва ахлокий тарбияси учун мослиги.

б) Мусика таълимининг хусусияти.

в) Синфдаги барча болаларни мазкур асарга кизиктира олиш ва тула узлаштиришга эришиш.

Учинчидан дарсда олинадиган билимлар доираси ва малакаларини амалиётда такрорлаш ва мустахкамлаш. Масалан: Кушикларни жумлаларга булиб урганиш ва кейинги дарсларда мустахкамлаб такрорлаш.

Туртинчидан мусика дарсида хар бир янги билим элементи дарс фаолиятида тулик узлаштирилади ва кейинги дарсларда кенг кулланилиб, доимий билимга айлантирилади.

Хулоса, килиб айтганда,педогогиканинг умумдидактик принциплари, мусика маданияти дасрларида мухим ахамиятга эга булиб,мусикани хаёт билан боглашда катта ахамият касб этади.

Текшириш саволлари:

1. Педогогикани дидактик принципларининг мохияти нимадан иборот?
2. Умумдидактик принципларнинг кандай турлари мавжуд ва уларнинг мусика дарсида кулланиши?
3. Мусика дарсларида системалилик, илмийлик,давомийлик принципларидан кандай фойдаланилади?
4. Кургазмалилик, онглилик ва активлик принципларидан мусика дарсида кандай фойдаланиш мумкин?
5. Укув материалларининг болалар билим ва малакаларига мослиги принципи деганда нимани тушинасиз?
6. Мусика дарсларида билим ва малакаларни мустахкамлаш принципи кандай кулланилади?

Таянч тушунчалар:

1. Охангдошлик – бир неча товушларнинг бир йулга солиб куйланиши.
2. Чолгучи - мусикачи, созанда чолгу асбобларда ижро этувчи.
3. Принцип- тамойил.

**Мавзу: Мусика маданият таълимининг максад ва вазифалари.**

РЕЖА:

1. Мусика укитиш методикасининг максади ва мазмуни.
2. Мусика укитиш методларининг вазифалари.
3. Мусика укитишнинг хусусий (оптимал) методлари ва уларнинг турлари.
4. Мусика укитиш методлари ва уларнинг турлари

Адабиётлар:

1. Омонуллаев Д. ва бошкалар «1-синф учун мусика дарслиги» Т. 1987 йил

2. Файзиев О. Ва бошкалар «Узбекистон мактабларида мусикий нафосат тарбиясини ташкил этиш» буйича методик кулланма. Т. 1992 й

3. Кулдошев Л. «Мактаб хор тугараги» Т 1975 й

4. Набиев М. Азимова Б. «Расм чизишни ургатиш методикаси». Т. 1976

Мусика укитиш методикаси, педогогика фани сифатида, тажрибада синалган ишларни назарий кисмларини умумлаштириб,амалиётда самарали натижалар берган укитиш методларини такдим этади. Методика асосан, педогогика, психология, эстетика ва санъатшуносликнинг тадкикот натижаларига асосланади.

Умусика укитишнинг конун-коидаларини таърифлаб беради,

Келажак ёш авлодни тарбиялашда кулланадиган замонавий методларини белгилайди. Методика, таълим-тарбия жараёнида укитувчининг укувчилар билан ишлаш усулларнинг,мазмунини англатади. Мусика укитиш методикаси укитувчидан, истеъдод, кобилиятлари ва иштиёклар мавжуд булиниши талаб этади, чунки, санъат педогогикаси машаккатли ва жуда масъулиятли сохадир.
Хозирги кунда мусика укитиш методикаси бирданига келиб шаклланган фан эмас,балки, бунга кадар мазкур фанни шаклланиши ижодий ва мураккаб тараккиёт йулини босиб утган.
Республикамизда мусика укитиш методикасини шакллантиришда махаллий олимлар,методистлар,тажрибали укитувчиларнинг катор изланишлари,укув кулланмаларнинг ахамияти катта булди. Бадиий педогогиканинг методика сохасидаги сунгги ютуклари тингловчилар ларни педогогика фаолиятига таёрлаш, уларни методик билим ва махоратлар билан куроллантириш, мусика укитиш методикасини эгаллашга ёрдам беришни, асосий максад килиб куйган. Бу максадга эришиш учун амалий машгулотлар мабайнида узок ижодий мехнат килиш талаб этилади. Маълумки, мактабда укувчиларнинг ёш физиологик хусусиятлари куникма ва малакаларига караб, мусика укитиш методикаси кулланади. Бу ерда таълим усули,укув материалларининг (укув режа, дастур) таълим принциплари, укув тарбиявий ишишларнинг умумий максад ва вазифалари энг мухим ахамиятга эгадир. Демак,мусика укитиш методикаси, укувчиларни мусика санъатига ургатишнинг мазмуни, вазифалари ва методларини ургатувчи ва укув жараёнини ташкил этувчи шакл ва йулларини тадбик этувчи фандир. «Методика» сузи грекча суз булиб, «тадкикот йули», «билиш усули» деган маънони англатади ва таълим-тарбиянинг алохида кисмлари булиб хисобланади, уларнинг йигиндиси мусика укитиш методлари дейилади.

Мусиканинг укитиш методлари деганда, мактаб укувчиларининг билим, махорат ва малакаларни эгаллашда, уларнинг ижодий кобилиятларини ривожлантиришда ва дунёкарашини таркиб топтиришда укитувчиларнинг куллаган иш усуллари тушунилади.
Мусика укитиш методикаси вазифаларини амалга оширишда, мусика укитишнинг катор методлари билан биргаликда, педогогиканинг амалий йуналишини хусусий (оптимал) методлар эгаллаб, мусика дарсида куллаш мухим ахамият касб этади. Мусика укитиш методикаси вазифаларини амалга оширишда мусика дарсида укитишнинг (оптимал) хусусий методларидан унумли фойдаланишга боглик. Етук олимларимизнинг тадкикотларида мактаб укитувчисининг шахсияти ва унга булган профессиоанл тингловчилар ва укувчилар муносабатини, хусусий методлардан фойдаланиш жараёнида хал килиш лозимлиги илмий асосда таърифлаб берганлар. Хусусий метод-бирор бир фаннинг амалий ва ижодий ишларини мазмунини ва мавзусини кенг ёритиб бериш ва мустахкамлашда, укитувчи ва укувчи фаолиятида узаро алокадорлигини ва укувчиларни билиш жараёнида изланишга ундовчи методдир. Хусусий (оптимал) методлар укитиш фаолиятива максадга караб туртга булинади.

1. Дарсни мусикавий умумлаштируви методи
2. Утилажак дарсларга олдиндан «югуриб», богланиб утиш ва илгари утилганларга кайтиш методи
3. Дарс мазмунини эмоционал драматургияси методи
4. Дарснинг педогогик жихатдан кузатилиши ва билимларнинг бахоланиш методи

Дарсни мусикавий умумлаштириш методи, етакчи методлардан бири булиб, укувчиларни мусика идроки, мантикий бадиий фикрлаш кобилиятини ривошлантиришга каратилгандир:

а)Укитувчи дарсда хал килиниши лозим булган конкрет вазифаларни вужудга келтиради;

б)Укитувчи ва укувчи бирга хамкорликда масалани ечади;

в)Укувчилар томонидан якуний хулосалар чикарилади.

Олдинга «югуриб утиш», яъни илгари утилган материалдан фойдаланиб, укувчиларни янги материал узлаштиришга тайёрлигини синаб куриш ва бунда олдин эгаллаган билимларга суяниш учун фойдаланилади.

Эмоционал дарматургия методи, билан дарснинг мантикий яхлитлигига эришилади. Бунда чорак мавзуси асосида дарс режаси учун асарлар танланади. Танланган мавзулар хам максадга мувофик булиб бошланиши ва якунланишига богликдир.

Укитувчи дарсни ижрочилик махорати билан, суз усталиги билан кизи кизикарли килиб утиши керак. Иш вакти у узи хам сценарий автор, режиссёр, артист булиши керак. Мусика укитувчиси мактабда мусика дарсидан ташкари концертлар, бадиий кечалар, учрашувлар утказишини талаб этади.

Дарсни педагогик кузатилиши ва билимларни бахолаш максадга караб бир неча гурхларга булинади:

а) Укувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи тури.

б) Билим фаолиятини рагбатлантириш ва танбехлаш талабларини куйиш.

в) Укиш, билиш, фаолиятини самарадорлигини бошкариш ва назорат килиш. Бахолашда, шундай эхтиёткор булиш керакки, укувчиларни кайфиятини тушуниб кетмасин.Дарсга, кушик куйлашга кизикиши сунмасин. Рагбатлантиришда эса аксинча.Укитувчи ва укувчи муносабатлари меёридан чикиб кетмаслиги керак.Балки,рагбатлантириш,синфда бошка укувчиларга намуна булиб хизмат килсин ва бошкалар одобли,аклли булишига интилсинлар.

Шундай килиб,мусика укитишнинг хусусий методлари билан бир каторда, мусика укитиш методларининг бошка турлари хам мавжуд.

1. Мусика укитишнинг огзаки методлари.
2. Кургазмали укитиш методлари.
3. Амалий укитиш методлари.
4. Уйин методлари.
5. Таккослаш методлари.
6. Мусикий укуви буш булган болалар билан ишлаш методи.

Мусика укитишнинг огзаки методлари. Мусика дарсида укитувчининг сузи махоратига алохида талаб куйилади. Укитувчи узининг асар хакидаги бадиий кириш сузи билан укитувчиларни ажойиб ва сехрли мусика оламига олиб киради хамда кизикарли хикоя ёки сухбат йули, билан болалар диккатини жалб килиб, мусикани бадиий идрок этишларига эришади. Бунда хикоя, сухбат ва тушунтириш методларидан фойдаланади.Асосан бу метотдан бошлангич синфда купрок фойдаланилади.

Хикоя – бу укитувчининг мусика асари хакидаги жонли,эмоционал, ёркин баёни. Хикоя киска, образли, жонли, кизикарли булиб, унинг максади укувчиларни асарни бадиий идрок этишга ургатиш.

Сухбат – укитувчи ва укувчилар орасидаги, диолог шаклидаги фаолиятидан иборот булиб, укувчиларни мустакил фикрлашига ундайди. Уларни нуткини устиради,фикрий фаолиятини кучайтиради,

билиш кобилиятини фаоллаштиради хамда дунё карашини кенгайтиради.

Тушунтириш – илмий исботлаш методи сифатида мусика дарсида кулланилади. Бу асосан, мусика саводи фаолиятида кулланилган.

Кургазмали укитиш методлари. Маълумки, мусика харакатланувчи куй ва гармония тавушларидан иборат булган санъатдир. Уни факат ишитиш органи оркали тинглаб идрок этиш мумкин. Кургазмали укитишда эса нота ёзувчиларни, пилакатлар,расмлар,укитувчиларинг сузи,дирижёрлик ифодалари,ракс харакатлари,болалар чолгу асбоблари, муискани жонли ва аник ижроси, техник воситаларидан фойдаланилади. Демак, мусиканинг жонли янграши дарсда асосий кургазмалар булиб хизмат килади.

Амалий укитиш методлари. Амалий методлар воситасида укувчилар вокаль-хор малакалари, мусиканинг тузилиши хамда ифода воситаларини тахлил этиш, унинг жанр ва шакилларини аниклаш ва нота ёзувини урганиш малака ва куникмаларини шакллантирилиши учун фойдаланилади. Амалий методлар вокаль-хор малакаларини ривожлантиришда, мусикага мос кадам танлашни урганишда купрок кулланилади. Жумладан, вокаль-хор ишларида ашулачилик нафаси,овоз хосил килиш, талаффуз, соз ва ансанбль малакаларини ривожлантиришда мухим восита булиб хисобланади.

Уйин методи-асосан, бошлангич синфларда яхши, купрок натижа беради. Янги дастур асосида яратилаётган кулланма ва дарсликларда уйин ва унинг элементлари кенг жорий этилади.

Бошлангич синф укувчилари серхаракат ва уйинга мойил буладилар.

Дарсда кулланадиган мусикали уйинлар укувчиларнинг мусикий укувини устиради мусикий кобилиятини ривожлантиради, хотирасини мустахкамлайди ва мусика дарсига кизикиш уйготади.

Таккослаш методи. Мусика дарси жараёнида контрас яъни таккослаш методи кенг кулланилади. У вокаль- хор ишларида укитувчи,укувчилар ва гармёзувидаги ижроларини таккослашда мусика асарларининг тахлили ва жанрларни белгилашда кенгкулланилади.

Масалан: Кушик, ракс, марш, жанрларни темплари, турли чолгу асбобларидаги ижролар фаркини аниклашда фойдаланилади.

Мусика укуви буш булган болаплар билан ишлаш методи. Мусика укуви буш булган укувчилар билан дарс жараёнида дефференционал гурхларга булиб ва дарсдан кейин вакт ажратиб якка (индивидуал) тарзда иш олиб борилади. Дифференционал гурух деганда укувчиларни, мусиикий кобииляти, укувчи ва овозига караб уч гурухга булинади:

1. Гурухга овози жарангли, яхши мусикий кобилиятга эга булган укувчилар киради.
2. Гурухга овози, мусикий кобилияти уртача булган, яъни укитувчининг овозига эргашиб, таяниб куйлайдиган укувчилар киради.
3. Гурухга овози унча яхши булмаган, мусикий кобилияти буш булган укувчилар киради.

Мусика дарси жараёнида бу укувчилар куйидаги тартибда утказилади:
*Биринчи каторга укитувчини овозига таяниб куйладиганлар яъни*
(2 гр) Иккинчи каторга, мусикий укувчи буш, яхши мусикий кобилиятга эга булмаган укувчилар (3 гр), учинчи каторга эса мусикий укув кобилияти, яхши овози жарангдор булган болалар утказилади. Бунда иккинчи катордаги (3 гр) укувчилар мусика охангларини атрофдагилар эшитиб, уларнинг овозларига эргашиб, чиройли, тугри куйлашга харакат киладилар.

Шу услуб билан укувчиларни мусикий укувини устириш мумкин. Баъзи мусикий укуви буш булган болалар билан, дарсдан кейин алохида, якка тартибда шугулланиб, топшириклар берилади ва овозлари созланиб, кушиклар алохида ургатилади. Шу тарика, хамма укувчиларни мусикаг кизикиши, кушик куйлаши, мусика тинглаш иштиёки, кобилияти, мусикий укуви бир хилда ошиб боради ва хамма билан биргаликда кушик куйлашкуникма ва малакалари хосил булади.

**Текшириш саволлари:**

1. Мусика укитишнинг кандай методлари мавжуд?
2. Хусусий метод нимани англатади ва кандай турлари бор?
3. Мусика укитиш методларининг турлари ва уларнинг вазифалари?
4. «Методика» - сузи нимани англатади ва унинг вазифалари нимадан иборат?

Таянч сузларлари.

1. «Методика» - билиш урганиш усули.
2. «Хусусий методика» - битта фаннинг услуби.
3. «Амалий метод» - ижодий мехнат.

**Мавзу: Вокал – хор малакалари ва уларнинг ахамияти.**

РЕЖА:

1. Вокаль-хор малакалари хакида маълумот.
2. Вокаль-хор малакаларининг турлари.

3. Мусика дарсида вокаль-хор малакаларининг роли.
4. Ашулачилик аппаратининг тузилиши ва овоз хосил килиш.

Адабиётлар:


1. Кодиров Р.Г. «Бошлангич мактабда куп овозда куйлаш» Т. 1997
2. Дмитриева Г. Черноиванова «Методика музикального воспитания в школе.» М. 1987
3. Омонуллаев Д. Нурматов Х. Ва бошкалар «2-синф учун мусика дарслиги» Т. 1987.


Хор булиб куйлаш мураккаб психологик-физиологик жараён хисобланади. Мусика дарларида вокаль-хор ишлари, укувчиларни ахлокий-эстетик тарбияси учун укитишнинг энг фаол шаклидир. Хор булиб кушик куйлаш укувчиларнинг дикат эътиборини кучайтиради, хотираси, нутки ривожланади, овоз диапазона кенгаяди, мусикий укуви усади, мутация даври енгил утади, дунёкараши йилдан-йилга шаклланиб боради. Вокаль-хор малакалари мусика дарсида мухим ахамият касб этади. Айникса, хор машгулотларида укувчиларнинг диккат эътибори, онглилиги ва ативлиги ошади, мусикий хотираси яхши ривожланади ва урганган кушикларини ижро этганда, завкланиш хисси пайдо булади. Кушик куйлаганда, ижодий– ижрочилик хамкорлик кучаяди ва дустона жамоага бирлашади. Кушликни суз маъномси ва мусика охангини чукур идрок этадилар ва асарни мазмуни оркали хаётни урганадилар. Юкорида баён этилган натижаларга эришиш учун куйидаги вокаль-хор малакаларини шакллантириб бориш ва хор бубулиб куйлаганда бунга каттик риоя килиш шарт. Чунки, айнан вокаль-хор малакалари воситаси билангина ёкимли ва охангдош, соф, хор жарангдорлигига эришиш мумкин.

Вокаль – хор малакалари олти (6) турга булинади:

1. Дарсда кушик куйлаш холати.
2. Ашулачилик нафаси.
3. Овоз хосил килиш.
4. Созланиш.
5. Ансанбль.
6. Талаффуз.

1.Кушик куйлаш холати деганда - Дарсда укувчиларнинг утириш ва туриш холати назарда тутилади. Утириб ёки туриб куйлаганда бош, кул ва оёкларни кандай тутиш лозимлиги хакида, укувчиларга тушунтириш ва доимо назорат килиб, эслатиб туришдан иборатдир. Мазкур млаканинг коидалари гавдани кийшайтирмасдан тугри тутиш, утириб куйлаганда парта суянчига суянмасдан, елкаларни тугр кериб, иякни ортикча кутармасдан буйинни ва бошни тугри ушлаш, кулларни эркин пастг тушуриш ва кафтларни тиззалар устига енгил куйиб энгашмасдан утириш ва оёкларни елка кенглигида эркин куйлаш каби холатлардан иборатдир.

2.Ашулачилик нафаси - Маълумки, куйлашдаги нафас билан физиологик нафас уртасида маълум даражада фарк бор. Физиологик нафасга бола тугилган кундан табиий холда амал килабошлайи а аник бир ритмдан, маълум бир вакт оралигида содир булади. Ашула айтишда эса хаво олиш тез, киска вакт оралигида содир булади. Нафас олиш ва уни чикариш эса кушик жумласининг чузимига, суръатига ва характерининг ифолдаланишига караб чузилади. Нафас ритми эса куйланаётган кушик характерига караб узгариб туради ва табиий нафасга нисбатан бироз чукуррок олинади. Ашулачилик нафаснинг куйидаги турлари мавжуд:

1.кукрак кафаси;
2.диафрагма нафаси;
3.корин нафаси;

Кичик болаларнинг кукрак нафаси хали тор, киска эканлиги сабабли, улар нафасни кукрак билан оладилар, шу боис ашула айтганларида елкаларини кутариб, шошилиб ва кушик жумласини сузини булб нафас олишлари табиийдир. Шунинг учун болаларнинг елкаларини кутармасдан, осойишта, вазмин нафас олиши ва уни кушик жумласининг охирига кадар бир маромда етказиш, айникса сузни булиб нафас олмасликни ургатиб бориши лозим. Нафас олиш малакаси устида ишлаш жараёнида болалар диккатларнинг овозларнинг куйчан, равон, ёкимли жаранглашига жалб этилади. Бунинг учун гулни хидлагандек осойишта ва шовкинсиз нафас олишга ургатилади. Ана шу малакани амалга оширишда дарсликларда, кулланмаларда тавсия этилган вокаль-хор машкларини куйлаш, болалар хорларида ижро этилган кушикларни магнит тасмалари оркали тинглаш каби амалий машгулотларди шакллантириб борилади.

Болалар машк ва кушиларни куйлаганда укитувининг кул ишораларига караб нафас олишга ва уни тежаб, расамати билан жумла охиригача етказишга одатланиб боришади. Айникса, дирижёрлик холатлари «диккат», «ауф», «ижрони бошлаш», «ижрони тугатиш»ларга риоя этиб куйлашга ургатиш режага солиш учун мухимдир. Болалар нафаси хажмининг имкониятларини хисобга олган машк ва кушикларда нафас олиш жойлари олдиндан белгилаб куйилади ва уларни ургатиш жараёнида амалга оширилади.

Овоз хосил килиш. - Овозни вужудга келиши мураккаб психологик, физиологик жараёндир. У овоз аппарати (кекирдак, хикилдок) ва унинг ичидаги конуссимон иккита овоз пардасининг нафас (упка, трахеялар, кукрак кисми) ва эшитув аппаратларининг биргаликдаги амалиётда хосил булади. Томокда хосил булган товуш кучсиз ва хишиллаб садоланиб, унинг нутк аппарати айникса бурун бушлиги оркали тебраниш кучаяди узига хос тембр ва жарангдорлик хусусиятига эга булади. Турт орган-нафас, овоз, нутк ва эшитув аппаратларининг узаро фаолиятидаги мусикий охангга куйланадиган овоз-ашулачилик овози деб аталади. Мазкур турт аппаратнинг хамжихатлиги ашулачилик аппарати дейилади.

1-синфда укувчиларнинг овозни зуриктирмасдан куйлатиш учун ашула айтишни примар (сол$_1$-ля$_1$) булади, ишчи диапазони ми$_1$ –си$_1$. умумий диапазон

ре$_1$,-до$_2$ булиб, бунга меъорида амал килиш лозим. Долалар бош резанаторига асосланган фальцетга якин овозда куйлайдилар. Болаларни куйлатганда факат юмшок аттака билан бошлаш хеч качон кушикни каттик аттака билан бошламаслик керак. Буни укитувчи назорат килиб бориши шарт.

Созланиш.

Соз хар бир боланинг берилган мусика товушини аник идрок этиб, уз овозини унга мостаб куйлаши, созланиш деган маънони англатади. Бошкача килиб айтганда созланиш маълум баландликдаги товушни аник иннотация килиш демакдир. Бу мухим малака булиб хисобланади, чунки бошлангич синфдаги вокаль-хор ишларининг асосий максадларидан бири соф унисон (соф 1 овозлик куйлашга) эришишдан иборат. Шунинг биринчи дарсдан бошлаб болаларда созланиш малакаларини ривожлантириш устида системали иш борилади.Айникса, мусика укиутвчи суст ривожланаётган болаларга эътибор кучайтирилади. Уларни укитувчи овозига, чолгу асбобларига соз учун берилаётган товушга ва иктидорли болалар овозига кушилишга ва товуш баланлиги билан боробарлашишига, яъни тенглашишга даъват этилади ва интонацион соф созга эришилади ва бир хил баланликда куйланадиган машклар оркали амалга оширилади.

Ансамбль.

Ансамбль- фрацузча суз булиб биргаликда деган маънони англатади.У мусика, балет, архитектура санъатларининг конуниятларидан биридир. Мусика бир неча ижрочимларнинг биргаликдаги ижроси ансамбл дейилади. Масалан: Узбек халк чолга асбоблар ансамбли ракс ансамбли, вокал чолгу асбоблар ансамбли, ашула ва ракс ансамбли, вокал ансамбли ва бошкалар. Хорда барча хонандаларнинг соз бирлиги, ижро темпи ритм усусл ва динамик уйгунлиги вокал-хор ансамбли дейилади. Ансамбль хусусий ва умумий турларга булинади. Хордаги барча ижролчиларнинг бир овозга созланиб хамма куйда ансамбль булиб икки ёки уч овозда куйлаш умумий ансамбли дейилади. Хар овозни алохида- алохида созива ансамбли хусусий ансабли дейилади. Соз ва ансамблини уйгунлиги узок иш жараённини талаб этади ва шундан кейин биринчи синфда асосий максад куйилган соф унисонга эришиш мумкин булади.

Талаффуз

Куйлашдаги талаффуз нутк талаффузидан фарк килади бунда артикулятция органлари (лаб тил жаг ) нинг актив харакатдаги хамжихатлиги бунинг воситасида ифодали талаффузга эришиш мумкин. Болалар нуткида заифлик, ноаниклик, овоз аппаратини сикиб гапириш, натижасида хорда бакириб куйлаш нуксонларига учрайди. Бундай болаларга эътиборни кучайтириш ва улар билан вакт якка тарзда иш олиб бориш, шошмасдан эркин гапириш ва куйлашга ундаш лозим. Энг мухими болаларни машк ва кушиклар матнини вокаль усуслларига мувофик талаффуз этишга ургатиб бориш лозим.

Текшириш саволлари:

1. Мусика дарсларида вокал-хор малакалари кандай ахамитяга эга?

2. Вокал – хор малакаларини кандай турлари мавжуд?
3. Ашулачилик аппаратини тузилиши ва болалар овозни кандай эхтиёт килиши керак?

Таянч тушунчалар:
1.Вокал – якка овозда куйлаш.
2.Малака – одат, куникма.

**Мавзу: Умумий таълим мактабларида мусика дарсларини режалаштириш.**

РЕЖА:
1. Мактабда мусика дарсининг роли.
2. Мусика укитишнинг асосий йуналишлари, илмий-методик таъминоти ва ташкилий жихатларини хисобга олган холда мусика дарсларини режалаштириш.
3. Мусика дарсларини укитишнинг таълим стандарти.
4. Мусика тинглаб асарларни тахлил килиш.
5. Мусика дарсларида вокаль-хор машклари устида ишлаш.
6. Мактабларда мусика дарсининг миллийлиги ва замонавийлигига ахамият бериш.

Адабиётлар:

1. Омонуллаев Д. «Узбек мактабларида мусика таълими мазмунига булган замонавий талаблар» номли миллий иши Т. 1990 й.
2. Х.Нурматов. Мамиров К. «Умумий урта таълимнинг давлат таълим стандарти ва укув дастури» Т. 1999 й.


Узбекистон Республикаси «Таълим тугрисидаги конуни», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида, тълим тизимидаги руй бераётган узгаришларга кура, 9 йиллик умумий урта таълим жорий этилди. Мусика предметига давлат таълим стандартини жорий этилиши, миллий, мусиκий маросииздан фойдаланишни хамда худудий вохаларни санъати ва маданияти, у ердаги махаллий халк анъаналари уз ифодасини топган. Шунингдек, таълим стандарти узининг тузилиши ва мазмунига кура, давлат, худуд, мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради, укувчи шахси, унинг интилишлари, кобилияти ва кизикишларини хисобга олган холда янги (1-7) синфлар учун янги дастур тузилди. Дастур асосида, дарсликлар методик кулланмалар, тавсияномалар яратмокда. Етти йиллик мусика укитиш даврида, укувчиларни гузалликни хис эта оладиган, мусикага мехр ва хавас билан карайдиган, миллий мусика меросимизга ворислик кила оладиган баркамол инсон килиб тарбиялаш асосий максад килиб куйилади. Янги дастур асосида мусика дарсини сифатли, педагогик ва методик жихатдан юкори талаб даражасида олиб бориш учун, укитувчи, ижодкор, уз касбини ва укувчиларни

севувчи, яхши чолгучи, методика ва педагогикани пухта узлаштирган инсон булиши керак. Мусика таълимининг миллий асосини таркиб топтиришда, фортепиано асбоби билан биргаликда, узбек халк чолгу асбобларидан хам фойдалана олиши зарур.

Шунингдек, узбек халк мусика меросимизни тарихи ва хозирги кун талабларини кузатиб, урганиб бориши шарт. Чунки, мактабда мусика таълимининг асосий максади укувчиларда «Мусика маданиятини» таркиб топтиришдир. Мусика укитувчиси дарсларга мавзуларни танлаб, режа режалаштиришда кургазмали куроллардан, техника воситаларидан хам фойдаланиши керак. Мусика дарсида мусика фаолиятларини оддийдан – мураккабга утиш принципи асосида узаро мантикий бир бутунликка эриши ва укитишни ривожлантирувчи, таълимий ва тарбиявий вазифаларини амалга ошириш зарур.

Умумий таълим мактабларида жумладан, бошлангич (1-4) синф мусика фани буйича, куйидаги вазифаларини амалга оширишни уз олдига максад килиб куяди. Чунки, бошлангич синфларда мусика таълими пойдевори куйилади ва шаклланади:

1. Укувчиларни мусиқий кобилиятини (мусикавий укуви, ритми туйгуси, диккати, хотираси, нутки) устириш.
2. Укучиларни миллий мусикамизга, она Ватанга, табиатга мухаббат, гузалликни хис этиш туйгусини тарбиялаш.
3. Укувчиларни мехнатга, укишга, хаётга, уз-узини ва атрофдагиларни хурмат килиш, узгалар мехнатини кадрлашга ургатиш.

Юкоридагилардан куриниб турибдики, хар бир дарсга ижодий ёндошиб, янги дастур талабларгиа мувофик дарс утиш мумкин. Мусика фанидан бир йилда 2 марта ярим йиллик тахминий – мавзули иш режаси ва хар бир дарсга режа-конспект тузилади. Ярим йиллик иш режаси бошлангич ва урта синфлар учун алохида-алохида тузилади. Бунда укувчиларни ёши (синфи), овоз диапазона, мусикага кизикиши ва кобилияти, йил фасллари, байрамлар, йил, чорак, дарс мавзулари хисобга олиниб, янги дастурлардан фойдаланиб дарс структураси асосида тузилади. Баъзи кушикларни тинглаш учун асарларни, укиттувчилар укувчилар истаги ва янги замонавий кушиклар билан дарс режаси мос келадиган асарларга узгартириш мумкин. Мусика дарслари асосан бир хафтада бир соат утилади.. Укув йили давомида эса куйидаги тартибда:

I чорак = 9 соат.
II чорак = 7 соат.
III чорак = 10 соат
IV чорак = 8 соат.

Жами бир йил укув йилида 12-14 та кушик ургатилади, шунга караб, мусика сасоди ва мусика тинглаш учун асарлар ургатилади. Бошлангич синф укувчилари асосан, бир овозли кушикларни соф унисонда куйлаш малакаларини пухта узлаштиради ва айрим холарда куп овозликка утишга тайёргарлик курилади.

Иккинчи синфда иккинчи ярмидан бошлаб, икки овозлик элементи бор кушиклар киритилган. III-IV синфларда укувчиларини овоз аппаратларини овоз аппаратлари шаклланган булиб, 2- овозли кушикларни куйлаш, куникма ва малакаларга эга буладилар. Шунга кура оддийдан мураккабга принципи асосида мусикавий асарлар танланади. Бошлангич синфда дарс структураси бешта (5) фаолият туридан иборат булади:

1.Хор булиб куйлаш.

2.Мусика саводи.

3.Мусика тинглаш. 4.мусика характерига мос харакатлар бажариш.

5.Болалар чолгу асбобларида жур булиш.

Урта (V-VII) синфларда эса дарс фаолияти бир мунча камаяди. Чунки, укувчилар куникма ва малакаларга эга буладилар. Дарс мазмуни чукурлашиб, укувчилар билм ва малакаларини кенгайтиришга хизмат килади. Мусика дарси 3 та фаолият асосида олиб борилади:

1.Хор булиб куйлаш.

2.Мусика саводи.

3.Мусика тинглаш.

Бунда болаларнинг овоз аппаратлари шаклланган мусикавий кобилиятлари ривожланган, мусикани тузилиши, шакли мусика ифода воситалари ва мусика тинглаш кобилиятига эга буладилар. Урта синфдаги укувчилар учун V-VII синф дастури асосида дарсларни режалаштириб, 2 овозли овоз машклари, II овозли кушиклар, мусика саводи ва мусика тинглашдан, шунга караб мураккаброк асарлар танланади. Хар бир фаолият бир-бир билан боглик булиб, дарс мазмуннини яъни бир бутунликни таъминлайди. Чорак мавзулари йил мавзусига буйсунади. Дарс самарадорлигини оширишда укувчиларни билим малакаларини бахолаш мухим педагогик ахамиятга эгадир.кушик куйлаш билан бирга, уларни купрок фикр билдиришга, бахс тортишга ва амалий фаолиятига купрок жалб этиш ва одилона бахолаш лозим булади. Шундай килиб мусика дарслари янги дастурлар асосида режалаштирилиб укувчиларни миллий мсикамизга мехр-мухаббат ва кизикиш уйготиш учун кулланилади.

Текшириш учун саволлар.

1.Мактабларда мусика фанини урганишдан максад нимада?

2. Мусика дарсини режалаштиришда нималарга ахамият берилиши керак?

3.Умумий урта таълимнинг давлат таълим стандарти ва укув дастурини мусика дарсидаги мохияти нимадан иборат?

4.Мусика дарслари олиб бориладиган фаолият турларидан, кандай мусика укитиш методларидан фойдаланиш лозим?

5.Мусика дарсларини илмийлиги ва замонавийлиги деганда нима назарда тутилади.?

Таянч сузлар:

«ДИАПАЗОН»- ашулачилар овози, чолгу асбоб, товуш каторини товуш хажми.
«ТОН» - аник баланликка эга булган товуш.

**Мавзу: Умумий таълим мактабларинингбошлангич 1-2 синфларида мусика укитишнинг мазмуни ва методикаси.**

РЕЖА:

1. Бошлангич синфларда мусика укитиш методикасининг максади.
2. Биринчи синфда мусика укитишнинг мазмуни ва методикаси
3. Биринчи синф укувчиларининг психологик-физиологик хусусиятлари.
4. Мусика дарсларида мусика тинглаш ва тахлил килиш.
5. Иккинчи синфда мусика укитишнинг мазмуни ва методикаси.
6. Иккинчи синф укувчиларининг кургазмали куроллар тайёрлаш ва унинг методик ахамияти.
7. Мусика дарсларида кургазмали куроллар тайёрлаш ва унинг методик ахамияти.

Адабиётлар:


1. Оммоуллаева Д. Нурматов Х. Ва бошкалар "1- синфларда мусика дарслари " Т. 1987.
2. Нурматов Х ва Н Норхужаев. Биринчи синф " Мусика алифбоси" дарслиги. Т. 1998


Биринчи синфда мусика дарслари таълимотининг пойдевори куйилади. Шунинг учун аввало 1-синфда бошлаб уларни дарсга актив кизиктириш, мусикани идрок эта билиш, мусикий кобилиятларини ривожлантириш, мусика саводини укитувчи болаларни севиши, дарсга яхши тайёргарлик куриши, барча метод ва принциплардан тугри фойдалана олиш, суз чиройли, майин, болалар овозига мослаб куйлар мазмунини очиб бериш лозим. 1-синф укувчилари психологик-фзиологик характерига кура маълум даражада хотираси тулик ривожланмаган, диккат эътибори овоз аппаратлари тула шаклланмаганлиги сабабли, овоз пардалари нозик, кучсиз булади. Бу ёшдаги болалар санъат билан болалар ьогчасига, теливидения радио, кугирчок театри ва мултфилмлар оркали таниш буладилар. Репертуарга киритилган мусикавий асарлар ана шу хусусиятларини назарга олган холда, мазмуни ва мавзуси жихатидан хилма-хил булмоги керак.Ушбу асарлар уларни хис-туйгуларини ифодалаш билан бирга кундалик турмушни ва табиятни акс эттириши лозим. Укитувчи укувчиларни хаётий тажрибаларига асосланган холда хар бир мусика замирида маълум хис-туйгу ва фикрлар акс эттирилиши хакида тушунтириши керак. Биринчи дарсларданок мусика асарларини уз-узидан пайдо булмаслиги , уни, кимдир катта ижодий мехнат килиб яратиш хакида сухбат утказади.

Бунинг учун "Мусикани ким яратади? " "ким ижро этади ?" "ким тинглайди ?"- деган саволни уртага ташлайди. Урганиладиган асарларнинг

характерларини образли килиб ифодаланса, болалар уни тушуниб мазмумазмуни аник килиб очиб берадилар. Маълумки 1-синф укувчилар мусика хакида хар-хил даражада умумий билимга эга буладилар. Аммо уларнинг мусикавий хаётдан олаётган таасуротларини ва мусикавий тажрибаларни бир-бирига якин туради. Укитувчи синф жамоасини бирлаштиршда айнан шундай фойдаланмоги лозим.

Дарс мазмунини хаёт билан боглашда болаларнинг таасуротлари ва тажрибаларини бойитиб борилиши асосида мусиканинг энг одди конуниятлари хакида билим доиралари кенгайтирилиб борилади. 1-синфда укувчилари мусика хакида куйидаги билимларга эга булишлари керак.

1. Болаларнинг диккат эътибори мусиканинг ифода воситалари –куй, регистри темп, жанр, ладларга жалб этилади.
2. Ашула айтиш коидаларига доир билимлар чапак ва чолгу асбобларида чалиш коидалари, мусика мос харакатлар кушиклар жанри характекри ва тузилиши доир билимлар хакида маълумотга эга булишлари керак.
3. Мусика ижодкори-композитор, ижрочи, тингловчи хакида кискача танишишлари керак. Кейинги синфларда мазкур билимлар нисбий тушунчадан аник тушучага айланади.

Шундай килиб 1- синф болалар мусиканинг характери ва образлари хакида умумлашма били ва нисбий тушунчалар эга буладилар, бу шартли равишда нотага булган давр аталади. Мусика элементлари асосан кул билан куй харакати товушлар баланд-пастлиги, узун-кискалиги:

Кушик хакида укитувчининг кискача кириш сузи ( муаллифлари, айрим тарихий хусусиятлар, хаётий ахамиятлар ва бошкаларни хикоя, сухбат йули билан кискача баён этиш ): кушикни ижро этиб ёки грам ёзувида эшиттириш; сухбат йули билан кушикнинг мусика характери, унинг ифода воситалари ва мазмуни аниклаш хамда айрим ижро услубларини белгилаш' кушикни мусикали жумлаларга булиб ургатиш, ижрочилик сифатлари устида ишлаш; кушикни ижро этиш ва кушикни ижро этиш ва кушик хакидаги болалар таасуротлари юзасидан кискача сухбат утказиш, яъни умумлаштириш.

Биринчи синфда йил мавзуси: "Биз мусикани севамиз" чорак мавзулари эса:

I - чорак: " Биз ёктирган куй ва кушилар".
II – чорак: " Мусикали уйинлар, ракс ва кушиклар. "
III чорак: " Хушнаво чолгулармиз"
IV - чорак: " Хушнаво чолгулармиз"

Мусика дарслари бешта фаолият асосида утилади:

1.Хор булиб куйлаш.
2.Мусика саводи.
3.Мусика тинглаш.
4.Мусика характерига мос харакатларни бажариш.
5.Болалар чолгу асбобларида жур булиш.

Мусика дарси дастур асосида режалаштириб, кургазмали куроллар билан мусика укитишнинг огзаки амалий, таккослаш, методларидан фойдаланган холда, дарсда укувчиларнинг эътиборини узига жалб килиб, ракс элементлари, мусикали уйинлар уйнаб, мусикага мос кадам ташлаш, чапак чалишни майин ифодали килиб куйлаш билан методик талаблар асосида олиб борилади.

Иккинчи синфда мусика укитишнинг мазмуни ва методикаси.
Иккинчи синф укувчилари узларининг психологик-фзиологик характерига кура 1-синф укувчиларига ухшаш булади. Уларнинг диккат эътиборини тургунлиги хам яхши шаклланмаган булади.

Чунки улар, уйин билан боглик булган нарсаларга купрок кизикадилар. Овоз апаратларининг нозик, муртлиги, тула шаклланмаганлиги сабабли овозлари фальцет типида янграйди. Овоз диапазони $До_1$ дан-$До_2$гача булади. Вокаль-хор ишита эътибор кучаяди. Мусика ритми, нутки, куй, темп, динамика, улчов хакидаги маълумотлар, куникма ва малакалар конкрет назарий билимга айланади. Мусика дарсини мустахкам узлаштиришда 1-синфда олинган билимларга таяниш зарур. Шунинг учун мусика
укитишда узвийлик-системалик принципига амал килиш зарур.

Мусика тинглаш мусика фаолиятларининг етакчиси хисобланади. Зеро дарсда кулланадиган барча мусика материаллари асосан эшитиб узлаштириш оркали амалга оширилади.

2-синф тематикасида дарснинг бадиий композицияси вужудга келади. Дарснинг кулминацион нуктаси болаларда активкизикиш уйготади. Бадиий эмоционал кечинмаларни пайдо килади.Шу оркали дарснинг эмоционал драматургиясига эришиш мумкин. Укитувчи дарсни ишончли далиллар ёрдамида, кургазмали куроллар, техника воситалари ёрдамида утиши керак. Дарс режасини тузганда ижодий ёндошмоги, яхши тайёргарлик куриб пухта ишлаб чикариш зарур.

Болалар мусикани чукур идрок этиши учун куйидаги фаолият турларидан,-фойдаланилади.

1) Хор булиб ашула айтиш.
2) Чапак ва урма чолгу асбобларида мусикага ритмик жур булиш;
3) Мусика характери ва образларини харакатларда ифодалаш.

Укувчиларни муттасил кул харакатларига ургатиб бориш зарур: "Диккат", "ауф", "ижрони бошлаш", "ижрони тугатиш" каби зарурдирижёрлик чораларига амал килиб куйлаш керак Куйлаш вактида узини тута билишни эслатиб утиш керак.

2-синфда болалар малакаларининг ошиб бориши физиологик усиш муносабати билан овоз кучи, диапазони тембри узгариб бориши маълум тизим асосида олиб бориши талаб этади. Мусика саводида куйидаги билим ва малакалар шаклланиб бориб, амалда бажарилиши зарур:

1) Куйларни ритмик схемаларини бугинли сузлар билан,куйлаш (ля, ду, до,ми,ми.
2.) Кучли ва кучсиз хиссаларни аниклаш ва уларни хис этиб куйлаш;
3) Чапак ва чолгу асбобларида чалиб куйга ритмик жур булиши
4) Марш ва ракс характерини харакатларда ифодалаш;
5) Лад хакидаги билимларни мустакамлаш;

2-синфда лад хисси тарбияси анча равшанлашади. Асар характерини белгилаш билан бирга марш кушик ва куйларнинг мажор ва минор учтовушликларини аник билиб олиш билан белгиланади.

2-синф укувчиларини овозига хам диккат билан эътибор бериши зарур. Бакириб, кучаниб ашула айтишга йул куймаслик керак Овозларида камчилик сезилса дархол докторга боришни айтиш лозим.

Шундай килиб, 2-синф укувчилари мусикани тузилиши ва нота саводига доир мазкур бошлангич билим ва куникмаларга эга буладилар, хор булиб куйлашда узини тутиш, кушик мазмунига мос эмоционал кечинмаларни хис этиш, тинглаган асарлари юзасидан сухбатларда катнашиш, хикоя тузиш, мусика охангига мос харакатлар бажариш, мусика ритмига чолгу асбобларида жур булиш каби куникма ва малакаларга эга буладилар. Шундай килиб, иккинчи синфда йил мавзуси: "Мусика нимани ифодалайди ва тасвирлайди".

1 чорак мавзуси: "Якканавозлик, журнавозлик ва журсозлик"

2 чорак мавзуси: "Якканавозлик ва яккахонлик чолгу ва хонандалар дастурлари".

3 чорак мавзуси: "Куй нима? Куйда нима ифодаланади";

4 чорак мавзуси: "Мусикани ифода воситалари".

Укитувчи дарс режасини ушбу мавзулар асосида тузиб, уларни бир бири билан узвий боглаб олиб бориши керак

## Текшириш саволлари:

1. Бошлангич синфларда дарсларнинг максади ва вазифалари кандай?
2. Биринчи синфларда мусика укитиш нинг кандай максад ва методлари мавжуд?
3. Биринчи синф укувчилари психологик-физиологик томондан кандай хусусиятларга эга ва укитувчининг у асарга методик ёрдами?
4. Иккинчи синфда мусика укитишнинг максад ва мазмуни.
5. Бошлангич синфларда кургазмали куроллар, мусика остида харакат, болалар чолгу асбобларида жур булиш каби фаолиятларнинг методик ахамияти?

## Таянч тушунчалар;

«Марш» - юриш, олдинга харакат килиш, укувчиларни рухлантириш уларни хиссиётларига таъсир этиш максадида ёзилган мусикий асар.

«Лад» - турли баландликда товушларнинг узаро алокаси, товушларнинг бир томонга интилиш, узаро алокаси «Мажор лади» - тургун товушлари катта учтовушликлардан хосил булган лад. Унинг оханги хар доим кувнок, ракс, марш характерида янграйди.

**Мавзу: Умумий таълим мактабларида учинчи синфлар учун мусика укитишнинг мазмуни ва методикаси.**

РЕЖА:
1. Учинчи синф укувчиларини психологик- физиологик хусусиятлари.
2. Учинчи синфда мусика укитишнинг мазмуни ва мадсади.
3. Мусика дарсларида кургазмали куроллар тайёрлаш ва унинг методик ахамияти.
4. Учинчи синф дарс мавзулари ва уларни укувчилар ёши ва кизикишига мослиги.

.Адабиётлар.
1. Апраксина О. "Методика музыкамиого воспитания в школе М". 1983 йил.
2.Омонуллаев Д. "Умумий таълим мактаблари учун мусика дастурлари "Т. 1992 и.

Учинчи синф укувчилари узларининг психологик-физиологик характерига. кура 1-2 синфлардан анча фарк, килади. Уларнинг диккат - эътиборини тургун хотираси кучли, овоз аппаратлари шаклланган, нутки равон, вокаль- хор малакаларига эга, мусика хакида билимга эга буладилар. Шунга карамасдан, дарснинг хар бир элементини тажрибаларга асосланиб тушунтириш лозим. Учинчи синф дарс режасини тузганда айникса, ижодий ёндошиш, унинг структурасини мантикан боглаб туриш, асарлар тартибини синф имкониятига мувофик белгилаш, болаларда актив кизикиш уйготиб, бадиий эмоционал кечинмаларни вужудга келтириш, уларни овозига мослаб тузиш керак Укувчилар укув жараёнида мусиканинг хаётийлигини, соддадан мураккабга караб узлуксиз ривожланишини мусиканинг назарияси ва жанрларини тузилиши ва мохияти, бошка санъат турлари билан алок асини урганиб борадилар. Мусика саводидан нотага караб куйлаш кобилиятлари онгли равишда ривожланади. Укитувчини кул харакати караб ва уларни кулларини харакатга келтириб турли машклар ва кушикларни куйлай оладиган булишади.Бу урганилаётган мусикий асарларни жанрини аниклашда, соф интонацияда тугри куйлашга ва кушик мазмунини ифодали килиб бадиий жихатдан тугри ижро этишда мухим роль уйнайди.

Учинчи синф укувчилари нафасини тугри олиб жумлани охиригача етказишга аста- секин урганиб боришлари керак.

Икки овозли асарларни энг оддийсини куйлай оладиган булишлари керак Икки овозли куйлашга эришиш учун аввало соф интонацияга эришиш керак, бу овоз созлаш жараёнида эришилади. Олдин терция кенгли кенглигида, икки овозли машкларни куйлаш, сунгра бир -икки такт канон шаклида машклар куйлаш оркали укувчиларни мусикий укуви ривожланиб, эшитиш кобилияти усиб боради. Аста - секин икки овозли асарларни куйлаш укувчиларни кизикишини ошириб боради.. Укувчиларни мусика хакидаги билим доирасини кенгайтиришда ва мусика кобилиятларини ривожлантиришда мусика тинглаш мухим роль уйнайди. Укитувчи ижросидан ташкари грампластинка ёзувидан, магнит тасмаларидаги ёзувлардан фойдаланиб, болалар хори, профессионал санъаткорлар, чолгу асбобларида ижро этган мусикий асарлар, халк кушик ва куйларини тинглаб идрок этиш билан укувчиларни сехерли мусика оламига олиб кириш бадиий дидини, кизикишини ривожлантириш мумкин.

3 синфда йил мавзуси: " Мусикада шакл ва мазмун "

I - чорак: Мусика ифода воситалари

II -чорак: Хор ва оркестр

III - чорак: Мусиканинг тузилиши

IV - чорак: Оддий мусика шакллари.

Банд ва накорат. Шунингдек, мусика дарслари йил, чорак мавзулари асосида режалаштирилиб беш фаолият асосида утилади.

Текшириш учун саволлар

1.Учинчи синфда мусикд укитишнинг мазмуни ва максади.

2.Учинчи синф мусика дарсларида кандай методлардан фойдаланилади ?

3.Учинчи синф укувчиларининг психологик-физиологик хусусиятлари

4.Учинчи синфда йил чорак мавзулари ва уларнинг мусика дарсидаги ахамияти?

Таянч тушунчалари:

"Хор"-жамоа булиб кушик куйлаш.

"Жанр" ~ мусиканиннг тури..

**Мавзу: Туртинчи синтфда мусика укитишнинг мазмуни ва методикаси**

РЕЖА:

1. Туртинчи синф укувчиларни психологик ва физиологик хусусиятлари.
2. Туртинчи синф мусика дарсларининг максади ва мазмуни.
3.Туртинчи синф дарс мавзуларини укувчилар ёшига ва кизикишига мослиги.

Адабиётлар:

1. Омонуллаев Д. "Умумий таълим мактаблари мусика дастурлари" Т-1992 й.

2. Гудкова Е. Кулдошев Л. "Мусика дарслиги учун методик кулланма" (4 - синф) Т. 1978 й.

**Маъруза матни**

Туртинчи синф укувчилари психологик-физиологик характерига кура хаётий тажрибага бой, фанларга кизикишади. Диккат- эътибори тургунлашган булади.Жиддий булган масалалар устида фикрлаш, хажм жихатдан каттарок булган мусикани хам эшитишга кодирдирлар, изланиш ва мустакил мушохада этиш кобилиятига эга буладилар. Бу хусусиятларни барчасини укитувчи нихоятда уйлаб, окилона иш тутиши лозим. Хар бир дарсдан унумли фойдаланиши керак Бундан максад, болаларни тезрок дастурдаги мусика асарларига, дарс услубига, мусика санъатига, ашула айтишга, кизиктиришдан иборатдир. 4- синф укувчиларининг вокаль- хор малакалари бир хилда ривожланган булмайди. Чунки, баъзи бошлангнч синфларда мутахассислар етишмайди. Мутахассис иш олиб борган жойларда эса укувчилар соф унисонда куйлаш, ансанбль ва кушикларни меъёрга етказиб, икки овозда куйлаш даражаси эга буладилар.4- синфда хам укувчиларни дифференционал гурухларга булиб уткизиш лозим булади. Чунки, уларнинг бу даврда овозлари жарангдор, ёкимтой кулминацион ривожланган даври хисобланади. Шунинг учук дарсда купрок, куйлатиш максадга мувофикдир. Календарь- мавзули режа тузганда юкорида айтилган хусусиятларни хисобга олган холда, чорак йил мавзулари хисобга олиб, режа тузилади.

Укитиш давомида куйидагиларга эътибор бериш керак:

1-дан:Фанлар аро алока методи бошка фанлардан олинган билим ва малакалардан фойдаланиш;

Масалан: она тили ва адабиёт, тасвирий санъат, Узбекистон тарихи, табиатшунослик, математика ва бошкалар.

2 -дан: Укувчиларни мусикий кобилиятини устириш: соф унисонга эришиш,жумла бошида нафас олиб жумла охиригача режалаб етказиш лад хакида маълумот, улчовларни билиш,
ноталарга караб куйлай олиш…

3 - дан: Мусика саводига кизикиштира олиш: мусика саводининг энг мухим ахамияти- кушикни ноталар номлари билан куйлаш, тинглаш учун берилган асарларни тахлил кила олишдир.

4-дан: Вокаль - хор малакалари: 11 ёшдаги болаларда овоз пардалари тула шаклланган булади. Нафас анча чукурлашган булиб, кукрак кисми кенгайганлиги сабаблигир товуш анча кучайган булади. Овозларни маромига тушириб куйлаш учун кушик, парчаларидан машклар танлаб куйлаш-лозим. Машкларни маълум тизимга солиб куйлаш керак Машк ва ашулалар доимо секин темпдан бошлаб ургатилади. Кушик ургатишда дирижёрлик услубида фортепиано чолгу асбобидан унумли фойдаланиш лозим. Кушик ургатиш давомида соф унисонга, икки овозлиликка. бадиий ижрога эришиш лозим. Мусика тинглашда вокаль ва чолгу мусикаси, халк, оммавий мусикани ва касбий мусикани тинглаб идрок эта олиш назарда тутилади. Туртинчи синф укувчиларининг овоз аппаратлари

шаклланган йулга куйилган булганлиги сабабли, уларни купрок тугарак ишларига жалб килиш ( хор, ракс, рубобчилар, доирачилар, вокал ансанбили) максадга мувофикдир.

IV синфда йил мавзуси: Халк мусика ижоди.

I -чорак: Узбек халк мусикасининг оммавий жанри.

II-чорак: Халк ашулалари ва ашула йулидаги куйлар.

Узбек мусикасида бастакорлик услуби.

III-чорак: Композиторлик услуби хакида маълумот.

IV-чорак: Композиторлар ижодида халк мусикаси намуналари.

Текшириш саволлари:

1.Туртинчи синф укувчиларининг психологик-физиологик хусусиятлари?

2.Туртинчи синфда мусика укитишнинг максади ва мазмуни ?

3.Туртинчи синфда мусика дарсининг чорак йил мавзуси ва уларни мусика дарсдаги ахамияти?

4. Туртинчи синфда мусика дарсларини узига хослиги?

Таянч тушунчалар.

Вольта - бир нота ёзувида мусика асарларининг маълум кисмини кайта такрорлашда, турлича тутатиш учун куйиладиган белги.

Реприза- бир мусикий жумлани, узгармасдан икки марта гакрорланиши.

Созанда - Мусикачи бир чолгу асбобда ижро килувчи-чолгучи.

Торли- асбоблар турли хилдаги торлар- тортилтан чолгу асбоблар.

**Мавзу: Бешинчи синфда мусика укитишнинг мазмуни ва методикаси**

РЕЖА:

1. Бешинчи синф укувчиларининг психолбгик-физиологик
2. Бешинчи синфда мусика укитишнинг мазмуни ва методикаси
3. Бешинчи синфда мусика укитишнинг мазмуни ва методикаси.

Адабиётлар:

1. Мансуров А, ва Каримова Д."Умумий таълим мактабларининг 5-синф мусика дарси учун методик тавсияномаси" Т. 1997 й.

2. Омонуллаев Д Нурматов Х. Мамиров К "Умумий урта таълим укув дастури " Т. 1999.

Бешинчи синфда урта таълим этапи бошланади. 5-синф укувчилари психологик-физиологик жихатдан анча узгарган буладилар. Вокаль-хор куникма ва малакаларига эга булади. Соф унисонда куйлашга, икки овозли машкларни куйлашга, ансамблда куйлашга эга булади. Кушик хакида, тингланган асар хакида мустакил фикр юритиш кобилиятига хам эга буладилар. Овоз диапазони ($До_1$ $Ми_2$) маълум микдорда ривожланган булади, улар хаётий тажрибага бой буладилар. Фанларга кизикувчан ва уларининг севган машгулотларига астойдил мехр билан карайдилар.

Болаларда диккат-эътибор анча тургунлашган булади. Хажм жихатдан каттарок мусикани тинглашга ва куйлашга кодир булади. Мусика дарсида кургазмалилик асосий уринни эгаллайди. Укитувчи узи кушикни ифодали килиб куйлаб ва бериши укучиларни мусикий укув кобилиятларини устириши керак:

1.Соф унисонга эришиши.

2.Мусикий жумлани бошидан охиригача тула идрок этиши,

3.Нотага караб куйлаш кобилиятига эга булиши керак

Мусика саводидан асар тахлили, ноталарни жойланиши улчовлар ансамбль, хор, оркестр хакидаги билимларга эга булиши максадга мувоффикдир. Мусика дарсларида иложи борича, укитувчи кургазмали куроллардан, техника воситаларидан купрок фойдаланиши керак Укувчилар мусика фанини бошка фанлар билан боглик эканлигини онгли равишда англаши керак. Бешинчи синф укувчиларини кизикиши, кобилиятига караб тугаракларга жалб этиш лозим. Бешинчи синфда бир овозда кушик куйлаш устида иш олиб бориш давридаёк укувчиларни икки овозда куйлашга аста-секин тайёрлаб бориш лозим. Укув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб ни-хоятда оддий машклардан, кушик наркоратларидан куйлаш учун кулай булган ладлардан бошлаш максадга мувофикдир. Энг оддий ва мураккаб машкларни хам асосан сольфеджио килишйули билан урганиш ва куйлаш лозим, чунки бу жараёнда ноталарни номлари ва баландлиги холатини хам англаб борилади. Икки овозликда куйлашни бошлашдан-ллдин синф тахтасида ёки плакатларда курсатиб ноталар номини ва товушнинг баландлик холатини аниклаб, овоз чикариб бир неча марта такрорлаб сунг, куйлаш зарур. Дастлабки катта терция, соф кварта, соф квинта, катта секста сингари охангдош интерваллар машклар учун асос була болади. Чунки бу интерваллар куйлаш учун кулай ёкимли ва укувчилар хотирасида сакланиши осон. Интерваллар факат икки овозда куйланмасдан, балки тинглаш учун ижро этиб, уларда юкори ва пастки товушни аниклашни топшириш лозим. Бундай саволлар укувчиларни гармоник укувчини кучайтиради, интервалларни охингли равишда узлаштириш туйгуси пайдо булади. Икки овозли кушикларни куйлаш учун, кичик кононлардан бошлаб каттарок хажмдаги журсиз (акапелла) асарларига утиш, укувчиларни бир-бирини диккат билан эшитиб куйлаш кобилиятларини устиради. Икки овозли кушикларни танлаганда, икки овозли элементи бор, кичик хажмдаги асарлар максадга мувофикдир. Хар кайси овознинг оханги аник равшан мустакил булиши керак. Пастги овозда куйи ширали, хушоханг, яхши эсда коладиган булиши айникса мухимдир. Офоз партияларинииг диапазони, секста, септима, октавалар хажидан ошмайдиган кушиклар айтишга айникса кулайдир.

Кушиклар уртача темпда ёзилган булиши куйлаш учун фойдали ва осондир. Икки офозли кушикларнинг охanглар иметация жихатидан шакли енгил ва осон булши керак. Узбекистон халк кушикларни укитувчи икки овозли килиб, кайта ишлаб ургатиши укувчиларни талаффузи интонация ва хотирасини иккинчи овоз харакатлашиши хам, болаларни эшитиш

кобилиятини устиради. Кейинчалик эса овозларни параллель бир томонга йуналиши, овозларни карама-карши йуналиши ва хар хил мураккаброк холатида хам куйлаш мумкин булади. Мусика дарсида икки овозда куйлаш учун болалар овозини дискант ва альтга булиш шарт эмас, балки тахминий булиши хам мумкин. Чунки иккинчи, учунчи овозни куйлаганда болаларни мусика укуви усади. Шунинг учун овозларни галма-гал териб алмаштириб куйлатиш лозим. Бунинг учун албатта дастлаб, соф унисонга эришилади. Сунгра, икки овозли асарларга утилади. Бешинчи синф болаларини овозини янгрок, овоз аппаратлари шаклланган, куникма ва малакага эга булганлиги сабабли икки овозли кушикларни ургатиш максадга мувофикдир. Бешинчи синфда мусика дарсларини йил мавзуси «Композиторлик мусика жанри».

I-чорак: «Узбек халк чолгулари оркестри. Хор санаъти».

II-чорак: «Симфоник оркестр. Мусикада вокал-симфоник жанрлари.»

III-чорак: «Сахнавий мусика асарлари. Балет ва ракс санъати, мусикали драма ва комедия.»

IV- чорак: «Опера санъати, узбек мусикасида опера жанри».

Бешинчи синфда дарснинг асосий максади, укувчиларни бошлангич синфларда олган билимларини ва тайёргарлик даражасини аниклаб, мусика машгулотларига, тугарак ишларига (кизиктиришдан иборат. Мазкур максад юзасидан кириш сухбати утказилади ва купчилик ёддан биладиган кушик куйланади. куйлашдан олдин ашула айтиш холатини, утириш коидаси таништирилади ва тартибга солиниб, вокаль машкида овозлар созланади. Сунгра кушик ижро этилади хамда ижро ютук ва камчиликлари бахоланади. Кушик, мазмуни сухбатда аникланиб, хар характери, темпи, шакли белгилалади ва талабларга кура кайта куйланади, токи укувчиларда дарснинг профессионал даражаси сезилсин. Бунда айникса овоз эркинлиги ва равонлиги, соз ва ансамблга эътибор кучаяди. Кушик ижроси характер жихатдан таккосланади ва бадиий мазмун жихатдан тахлил этилади. Натижада укувчиларни кушик куйлашга, мусика тинглашга, асарларни саводли тахлил килишга, тугаракларга катнашишга, чиройли овоз хосил килиб куйлаш маъсулияти ошади. Кейинчалик эса икки овозли кушик куйлашга кизикиши ортиб боради. Икки овозли куйлаш малакаси сингдирилади. Бу тугарак пайтларида уз натижасини курсатади. Мусикий асарни тинглаш ва куйлаш учун албатта мусикий билим ва куникмаларга эга булиш керакли ва хаётда мусика тарбиясининг ахамияти хакида баён этилади.

Текшириш саволлари:

1.Бешинчи синфда мусика укитишнинг иш мазмуни ва методикаси нимадан иборат?

2.Бешинчи синф укувчиларининг физиологик-психологик хусусиятлари.

3.Бешинчи синфда икки овозда куйлашнинг ахамияти ва кандай?

4.Бешинчи синф укувчиларининг укиш давомида узлаштирган ва малакалари нималардан иборат?

Таянч тушунчалари.

Катта ашула - Фаргона водийси кисман, Тошкентда ижро..

Интерваль-аник баландликка эга булган, икки товуш баландлиги буйича оралиги;

Опера- мусикали драмматик асар, нуткининг маълум бир кисми деярли хаммаси куйланади.

Халк чолгу асбоблари-оркестри, халк чолгу-асбобларидан оркестрлар.

**Мавзу: Олтинчи синфда мусика укитишни мазмуни ва методикаси.**

РЕЖА:

1. Олтинчи синф укувчиларини психологик-физиологик хусусусиятлари.
2. Олтинчи синфда мусика укитишни мазмуни.
3. Олтинчи синфда дарс мавзуси ва унинг укувчиларнинг билим ва малакасига мослиги.

Адабиётлар:


1. Нурматов Х. ва Ибрагимов. О. "Олтинчи синфда мусика учун кулланма". Т 1996
2. Кензер Е. ва Ёрматов. Ш. " Олтинчи синф учун «Мусика» мослиги". Т 1978
3. Кодиров Р. Бошлангич мактабда куп овозда куйлаш. Т 1997.


Олтинчи синфда мусика дарсларининг максад ва вазифалари укувчиларнинг психологик-физиологик хусусиятлари ва мусикий укуви, олдинги синфларда олган билим ва малакаларини даражасига асосланиб белгиланади. Бу синфда амалга оширилиши булган максадлар, мусика тарбиясининг бош мезони-укувчилармхинг маънавий бойлигининг таркибий кисми болтан мусикавий маданиятни шакллантиришга каратилади. Мазкур максадларни куйидагича амалга ошириш белгиланади:

1.Дарснинг барча фаолиятлари воситасида доимий равишда укувчиларнинг мусикавий икидорини ривожлантириб бориш.

2. Вокаль-хор малакаларини ривожлантириб, якка жамоа булиб куйлаш, икки овозли куйлашга ургатиш.

3.Мусика идрокини ривожлантириш ва асарларни тузилиши, шакли, лади, муаллифлари, темпи, хакида фикр юритишга ургатиш эстетик завкланиш воситасида хотираси, нутки, дунёкарашини устириш.

4. Мусика саводидан, оддий мусика терминларини ва атамаларини мохиятини мусика амалиётида билиш ва хар бир мусика асарида куйлаб бориш. Овоз диапазонига ($ДО_1$-$Ре_2$ )караб икки овозлик килиб ургатилади. Олтинчи синф укувчиларида успиринлик даври бошланади. Бунинг натижасида организмда актив узгаришлар руй беради. Физиологик-психологик жихатдан укувчилар овозини узгариши, буйнинг усиши,

фанларга мустакил фикр юрита олиши ва кобилиятлари ривожлана бошлайди. Натижада бош мия етарли даражада озука ололмай, холатлари руй беради. Яъни дарс давомида укувчиларни эътибори таркалади. Уларни жалб этиш кийинлашади. Бу уларга жиддий, мехрибонона муносабатда булиш, дустона сухбатлашишни талаб этилади. Шунинг учун укитувчи хар бир укувчини яхши урганиши лозим. Чунки, укувчилар катталарни муносабатига жиддий эътибор берадилар улар купрок катталар билан муомалада булишларини истайдилар. Болаларнинг интизомида айрим узгаришлар пайдо булади, боланинг истаги ва кобилияти орасида тафовутлар содир булиб туради. Буларнинг хаммаси укитувчидан юкори малака ва тарбиячиликни талаб этади. Бундай холатда укитувчи укувчиларни куйи синфларда олган билим ва малакаларга ва хаётий далилларга суяниб иш тутиши яхши натижа беради. Бунинг учун дарс мазмунини хаёт билан "юклаб олиб бориш зарур. Кушик ургатиш ва мусика тинглаш жараёнида асарлардан парчалар куйлаб овозларини созлаши юлаларда кизикиш уйготади. Бунда ижро услубларини батафсил тушунтириш лозим. Асарларни тахлил этишда болаларни актив гнаштириш максадга мувофикдир. Хар бир халкнинг уз миллий мусика санъати мавжудлиги, мусика хар бир тарихий даврнинг бадиий акси эканлиги хакида болаларга аник тушунча хосил килиши лозим. Шу асосда узбек мусикасининг киска тарихи чолгу асбоблари ва узбек халк мусика жанрлари, макомлари мумтоз замонавий кушикларини таккослаб курсатиш мумкин. Масалан: «Шашмаком» тожик ва узбек халкларининг бhouseholds биродарлик рамзи эканлиги, уларнинг куп чолгу асблари эканлиги ва бошка халклар фойдаланиши мумкинлиги хакида, халк мусикаси асосида яратилган композиторлик асарлар замонавий мусика билан таништириб таккослаш лозим. Мусика саводидан улчовлар, ладлар тон ва ярим тон, альтерация белгилари, динамик белгилари, интерваллар репризалар билан таништириб мусикий асарларни тахлил килиш яхши натижа беради. Олтинчи синфда укувчиларни овоз диапазони I- овозлар учун (ДогМи$_2$). II -овозлар учун (Си$_{кич}$- Ре$_2$) кУ даврда укувчиларга кушикларни икки овозлик килиб ургатиш максадга мувофикдир. Чунки бу пайтда, мутация даври бошланади. Мутация давридан олдин угил ва киз болалар овози уртасидаги фарк унча, сезилмайди. Мутация пайтида кушик "ургатиш катта маъсулиятни талаб этади. Кушикларни овоз имкониятларига мос тушиши дарс даврида овозларини асраб авайлаш ишларига ахамият бериш зарур.

Дарснинг асосий кисмини ашула айтишга сарф этиб, овозларни чарчатмаслик лозим. Укувчиларни икки овозга ажратиб кушикларни икки овозлик килиб, уларнинг овозларига мослаш тарбиясининг мухим воситасидир. Хор булиб куйлаш, мусика, мусика саводи, мусика тинглаш фаолиятлари, асарларни тахлил килишда асосида мантикан богланади. Янги дастур асосида йил мавзуси чорак мавзуси ва дарс мавзуси бир-бири билан богланади.

Олтинчи синфда йил мавзуси: «Мумтоз мусика»
I-чорак: Мумтоз мусика хакида маълумот.
II-чорак: Замонавий мусика ва унинг асосий хусусиятлари.
III-чорак: Шарк халклари мумтоз мусикаси. lV-чорак: «Европа мумтоз мусикаси билан танишув»
Текшириш саволлари.
1. Олтинчи синфда мусика укитишни иш мазмуни нимадан иборат?
2. Янги дастур асосида мусика дарсларида олиб боришнинг узига хос кулайликлари ва муаммолари нималардан иборат.
3. Олтинчи синфда мусика укитишнинг иш мазмуни, кандай принциплар ва методларга асосланди?
4. Олтинчи синфда вокаль-хор ишларини ва мусика тинглашнинг иш мазмуни кандай?
5. Мусика укитиш буйича таълимнинг янги укув дастури ва стандартлари мусика дарсларида кандай ахамиятга эга?

Таянч тушунчалари:
Мумтоз мусика-етук, намунавий деган маънони англатади.
Шашмаком-узбек ва тожик халклари мусика меросининг етук мукаммал асари.
Замонавий мусика-хозирги вактда уз мохиятини ва кадрини йукотмаган мусика намуналарига айтилади.

**Мавзу: Еттинчи синфда мусика укитиш методикаси ва унинг мазмуни.**

Р Е Ж А :
1. Еттинчи синфда мусика укитишнинг мазмуни ва методикаси.
2. Еттинчи синф укувчиларининг психологик-физиолгик хусусиятлари.
3.Еттинчи синфда мусика укитишнинг якунловчи даврида укувчиларнинг олган билим ва мала.каларига дунёкарашига куйилган талаблар.

Адабиётлар:
1. Иброхимов О. Нурматов Х «Умумий таълим мактабларини 7-синф мусика дарси учун методик тавсиянома».Т.1994 й
2. Фитрат Л."Узбек классик мусикаси ва унинг тарихи".Т. 1993
3. Иброхимов О. "Узбек халки мусика ижоди".Т. 1994 й
4. Файзиев О.ва бошкалар. "Укувчиларда мусикий нафосат тарбиясини шакллантириш йуллари".Т.1992 й.

Еттинчи синфда мусика укитиш жараёни якунланади. Унда куйи синфларда олинган билим ва малакалар чукурлашади, такомиллашиб умумлашади. Айникса, мусикани бадиий жихатдан мустакил тинглаб, уни

мукаммал идрок этиб, янги кушикларни мустакил ургатиш, хаётимиздаги мусика фаолиятига актив катнашишга ургатиб бориш иши нихоясига етади. 7-синф укувчилари физиологик-психологик характерга кура диккат эътиборлари тургун, дунёкараши ривожланган булади. Овоз шаклланиши нотекис булади. Улар мустакил фикр юритиш, хикоя тузиш, мусикага доир альбом, рефератлар, синф бурчаклари ва кургазмали куроллар тайёрлаш кобилиятига эга буладилар, укувчиларнинг бу ижодий хусусиятларидан фойдаланиб, санъатига, мусика саводига доир кургазмали куроллар тайёрлаш вазифасини топшириши мумкин. Шунингдек, машхур бастакорларга доир альбомлар тайёрлашни хам топшириши мумкин. Вокал-хор ишлари: кушик ургатиш жараёнида. уларни овозларини асраб тарбиялаш иши мураккаблашади. Чунки бу ёшда мутация даври кучаяди. Айникса, угил болаларда овоз бойламлари йугонлашиб, овоз регистри бир октавага пасаяди. Натижада укув, овоз уртасидаги координация бузилиб, баъзан болалар итонациясини аник куйлай олмайдилар. Бундай пайтда укитувчи куйлаш учун кулай йулларини тушунтириши керак. Овозни толиктирмасдан эркин, равон куйлашга ургатиши керак. Мутация даврида болалар овозида кун сайин узгариш руй беради. Буни хисобга олиб овоз партиясини купайтириш лозим. Ёки овозларни транспантировка килиб пастки товушларга тушириш лозим.

Овоз диапазони биринчи овозларда (До$_1$ -,Ми$_2$ ), 2-овозларни (Си$_{кич}$ - Ре$_2$J гача булади. Тажрибалар мутация даврида овозларни тугри таксимлаш, овозларни текис чикиши ва кийинчиликларга дуч келмасликка олиб келади. Танланган кушиклар кахрамонона, лирик, эстрада, узбек халк кушикларидан булса, укувчиларда урганишга кизикиш уйготиши лозим. Баъзи бир к[ушикларни солист ёрдамида хам ургатиш мумкин. Ашула айтганда динамик белгилари, темпи, ижросига эришиш зарур. Етинчи синфларда мусика саводини олдинги билимларга нотага караб куйлаш, интерваллар, улчовлар, динамик, параллел катор ва минор ладлари каби мавзуларда. Алохида тухтаб утиб, мусикали мисоллар келтиришимиз мумкин. Мусикали мисолларни куйлайдиган кушиклардан тингланган асарлар асосида ва узбек халк кушиклари мисолида келтириш максадга мувофикдир. Бундан ташкари улар мусикий шаклини хам билишлари керак Мусика тинглаш бир мунча мураккаблашади. Чунки дарснинг асосий кисми тинглаш жараёнида утади. Халк кушиклари, макомлар, мумтоз халк мусикасининг маънавий услуби каби билимларга эга булишлари ва фикр юрита олишлари керак. Мусикани бадиий жихатдан мустакил тинглаб, уни мукаммал идрок этиб, мусикани тузилиши, мусика адабиёти, саводи билан, янги кушиклар билан таништириш, уларни хаётимиздаги ахамияти хакидаги билимларни ургатиш нихоясига етади. Чунки 7-синф укувчиларини дунёкараши ривожланган булади, аммо овоз аппаратларини шаклланиши нотекис булади. Уларга мустакил фикр юритиш, хикоя тузиш, мусикага доир рефератлар, синф бурчаклар, . тадбирлар утказиш ва кургазмали куроллар тайёрлаш кобилиятига эга буладилар.Укитувчи укувчиларнинг бу ижодий хусусиятларидан фойдаланиб мусика санъатига

доир вазифалар топшириши лозим. Лекин вокал-хор ишларида, кушик ургатиш, овоз созлаш уларни овозларини эхтиёт килиш, методик тугри йулланма бериш керак. Баъзи пайтларда, болалар билан сухбатлашиш, ота-оналарни таклиф этиб, докторга фарзандининг соглиги хакидаги мурожаат килишни таклиф килиш лозим. Чунки, 7-синфда болаларда мутация даври бошланади. Мутация давригача угил ва киз болаларда овоз аппаратининг тузилиши ухшаш булиб, улар бир-биридан унча фарк килмайди. Мутация даврида эса уларнинг овозлари узгариб, угил болаларда овоз регистри жихатдан бир октава пасайиб, йугонлашади. Киз болаларда эса регистр уз урнида колиб, овоз кучи, тембрнинг майинлиги деярли сакланиб колади. Шу боисдан, угил болаларда мутация актив ва сезиларли даражада, киз болаларда эса осойишта ва текис утади. Натижада баъзи угил болалар, ашула айтганда созга тушолмай, кийналадилар. Баъзилари эса кучаниб куйлайдилар.

Бу даврда угил болалар овози шартли равишда эркакча овозга, киз болалар овози эса балогатли хотин-кизлар овозига аста- секин ута бошлайди. Угил болалар томогида овоз бойламлари йугонлашади, кизаради, шишлар пайдо булиши мумкин. Натижада диапазон кискариб, юкори пардаларда куйлаш огирлашади. Тез чарчаш холатлари пайдо булади. Мутация даврида угил ва киз болаларга ашула ургатиш масъулият талаб этади. Кушикларни болаларнинг овоз имкониятларига мослаштириб дарс давомида, уларнинг овозларни асраб-авайлаб ургатиш лозим. Овоз партияларини аник ажратиб, икки овозда ашула айттириш, овоз тарбиясииинг мухим: воситасидир. Болаларнинг интизомида хам узгаришлар пайдо булади. Эмоционал уйгонишлар организмдаги гармоник узгаришлар дарсга нисбатан кизикишни пасайишига сабаб булади. Бу даврда укитувчи мохирлик билан мусикий асарлар мазмунини хаётимиз билан боглаб утиши, унинг воситасида ахлокий-гузаллик тарбиясини бериш дарс мазмунини бошка фанлар билан боглаб олиб бориши лозим.

Вокал-хор ишлари ва мусика тинглаш ишларини амалга куйи синфларда олинган билим ва малакаларига ва хаётий тажрибаларга суяниб иш тутиш яхши натижа беради. Кушик уртатиш методлари 7-синфда хам умумий методларидан фарк килмайди. Мусика танлашда эса мазмун жихатдан анча мураккаб булган асарлар утилади. Укувчилар, узбек халк кушиклари, макомлари, мумтоз ашулалари, ялла ва лапарлари, халк мусикасининг мазмуни махаллий услублари билан танишиб, тузилиш мазмунини, тарихини урганадилар. Мумтоз ашулалар куйлаб, макомлар куйлаб, узбек халк мусикасини дурдона асарларидан завк оладилар. Еттинчи синфда йил мавзуси: "Халк мусикасининг махаллий услублари. Макомлар хакида умумий тушунча".

I-чорак. "Кашкадарё, Сурхандарё, Самарканд-Бухоро вохаларининг мусикий услублари билан танишув".

II-чорак. Фаргона-Тошкент хамда Хоразм вохаларида мусикий улублари билан танишув".

III-чорак. "Маком. Шашмаком".
IV-чорак."Хоразм макомлари. Фаргона Тошкент маком йуллари".

Урганиладиган асарлар бадиий ва гоявий яхлит таассурот колдириш учун уларни маълум мавзу асосида урганиш максадга мувофикдир. Бундай мавзулар бир ёки бир неча дарс асосида конуниятларини ижрочилик турлари ва унинг ифода воситаси булган маълум мазмун билан богланиши мумкин. Масалан: "Лад нима", "Махаллий мусика услублари", "Маком", «Катта ашула жанри", "Шашмаком" шулар жумласидандир. Укитувчи танлаган мусика асарларини муайян тартибга солган холда, укувчиларни мутация даврида овозига зиён етказмаслиги учун уларни овоз диапазони, иштиёк ва завки, мусика ва ашула сохасидаги тайёргарлиги эътиборга олиниши лозим, укувчиларга мусикий тарбия беришнинг негизи хорда ашула айтишдир. Ашула айтганда овозни парвариш килиш ва махсус вокал-хор машклари, яъни уч товушли паст боскич ёки юкори боскичдаги товушлар орасида квинта ёки октава микёсидаги кисмларида журсиз кушиклар, кушиклардан парчалар айтиб овозни созлаб бир маромга солиш катта ахамиятга эга. Мусика тинглаганда ва хор булиб кушик айтганда, мусика сохасидан олинган барча назарий маълумотларни машк килиш жараёнида мустахкамлайди. Кушик ургатиш жараёнида укитувчи асарни ифодали ижро этиб асар хакида киска кизикарли образлар кириш сузи, асарнинг жанри мазмуни ифода воситалари хакида сухбатлар утказиши мухим роль уйнайди. Етти йиллик укиш даврида, мусика сохасида иш олиб натижасида, укувчилар мусика саводхонлигига эга булиб, мусикани онгли тахлил кила оладиган, йирик мусика асарларини радио-телевидения оркали, мусика, дарсларида, концертларда мехр билан тинглайдиган бадиий хаваскорлик тугаракларида иширок этадиган ва мусикани чин дилдан севадиган инсонлар булиб етишадилар.

Текшириш саволлари.

1. Еттинчи синфда мусика дарсларининг йил, чорак, дарс мавзуларининг номлари нима ва ударнинг ах;амияти?
2. Еттингчи синф укувчиларининг псйхологик-физиологик томонидан организмларида кандай узгаришлар руй беради ва унга мусика укитувчисининг роли?
3. Еттинчи синф укувчилари мусика укитишни якунловчи даврида кандай дунёкарашга, билим ва малакага эга булишлари керак.
4. Еттинчи синф угил ва киз болаларда мутация даври кандай утади ва унинг узига хос хусусиятлари.

Таянч тушунчалар.

<u>Динамика-</u> товушларининг каттик-секин ижро килиниши. <u>Мусика шакли-</u> мусика асарининг тузилиши. Маком-мусика чолгу асбобларида парда ва товушлар урнини билдирган.

Шашмаком- Узбек ва тожик халклари мусука меросининг етук мукаммал асари.

## Мавзу: Синфдан ва мактабдан ташкари мусика тарбияси тизими.

РЕЖА:
1. Синфдан ташкари мусика тарбиясининг максади ва ва.зифаси.
2. Синфдан ташкари мусика тарбиясининг шакли ва максади.
3. Синфдан ташкари мусика тарбиясининг иш режаси.
4. Мактабдан ташкари мусика тарбиясининг шакли ва вазифалари.

Адабиётлар :

1. Кулдошев.Л "Мактабда.хор .тутараги Т 1975 й
2. О. Файзиев ва бошкалар " Узбекистон мактабларида нафосат тарбиясини ташкил этиш буйича методик кулланма.
3. Норхужаев Н. " Кушиклар туплами". Т. 1996 й.


Синфдан ташкари-мусикий тарбиянинг асосий максади, иложи борича купрок оммавйй ва тугарак жалб этиб, уларни дунёкарашини хар томонлама ривожлантириб бадиий дидини устириш, табиатга, Она ватанга булган-мехр мухаббатини оширишдир.Мазкур максадни амалга мактабларда мусика дарсларидан ташкари, оммавий ва тугарк ишлари олиб борилади. Синфдан ташкари мусика тарбиясини иккита шакли мавжуд:

1. Мусика тарбиясининг оммавий шакли.
2. Мусика тарбиясининг тугарак шакли.

Синфдан ташкари мусика тарбиясининг оммавий шаклида болаларни мусикий укувини текширувдан утказмай, ялпи тарзда жалб этишни такозо этади. Буларга, кушик байрамлари, "мусика хафталиги", " Узбекистан ватаним маним", " Илхом чашмалари" курик танловларидан, ижодий учрашувлар, театр ва концертларга саёхат, "Алифбе" байрамларига, шоир ва бастакорлар билан учрашувлар киради. Аммо, буларнинг хар бирига болаларни ёши, кизикишига караб, олдиндан тайёрлаб борилиши керак Бу тадбирларни хар бирини юксак бадиий дид билан ташкил этиб, амалга ошириш, чинакам бадиий-мусикий байрам рухини касб этиш лозим.

Мусика укитувчисининг оммавий ишлар режаси, мактаб маъмурияти томонидан тасдикланган булиши лозим. Оммавий, мусукий ишлар режаси, мусика укитувчиси ва мактаб тарбиявий ва маънавий ишлар мудири, мактаб етакчиси билан хамкорликда, укувчиларнинг ёшига, кизикишига, байрамлар, учрашувлар, тадбирларини хисобга олган холда тузилади. Бунда укувчиларнинг мусикий укуви, кобилияти хисобга олинади. Оммавий мусика машгулотларининг хар бири, аник, ишлаб чикилган режа, асосида амалга оширилмоги лозим. Бунда хар бир машгулот турига караб, унинг асосий максади, хусусияти, репертуар мазмуни, мактаб имкониятлари, таклиф этилган мехмонлар хисобга олиниб, укувчиларни жалб этилади. Тугарак ишларини

эса, иш режасини усика укитувчисининг узи, уз хохиши ва имкониятларига караб, мустакил тарзда тузади. Укитувчи тугарак ишларига укувчиларни мусикий кобилияти, хохиши-истаги, ккизикиши, овозига караб танлаб олади ва турли хил тугараклар тузади, хафтасига 2-3 бор гурухларга булиб ишлайди. Тугарак ишларининг _асоси дарсидир. Тутарак ишларига кобилиятли, кизикувчан, дарсларида актив катнашадиган укувчилар танлаб олинади. Дарсда хар бир боланинг лаёкати, кизикиши хисобга олиниб, у ёки бу мусика тугарагига жалб этилади. Тугарак фаолияти активлаштирадиган нарса бу мактаб сахнасидир. Укувчилар тадбирларда, кушиклар, ракслар ижро этиб, мактаб жамоаси олдида эътибор козониб, нохия, шахар, Республика курик танловларида катнашадилар. Бу уларни уз мехнатидан завкланиши хис-туйгуларни она-Ватанга мухаббат, мусика санъатига хурмат дустлари орасида мехр-мухаббат туйгусини ошириб боради. Синфдан ташкари тарбиявий ишларда укитувчи уз имкониятларига караб, турли тугараклар тузиш мумкин:

1. Хор.
2. ВИА.
3. Ашула ва ракс ансамбллари.
4. Вокал ансамбллари.
5. Чолгучилар ансамбли (дуторчилар, рубобчилар, доирачилар).
6. Ракс ансамбли.
7. Оркестр (духовой, халк чолгу асбоблари оркестри).
8. Яккахон кушикчилар.

Мактабдан ташкари мусикавий тарбия шаклига болалар мусика мактаблари, болалар ижодиёт марказлари, укувчилар саройлари, болалар театрлари, музейлар киради.

Мазкур муассасаларга катнашадиган болалар хам укитувчи назоратида булиб, мактаб мусика хаётига уларнинг актив катнашувларини таъмин этиш лозим. Мактаб хаётида мусика укитувчисининг урни бекиёсдир. Мусика дарсларидан ташкари, замон талабига мос равишда тадбирлар тайёрлаб, укувчиларда санъатга булган кизикишни ривожлантириши лозим.

Текшириш саволлари.

1. Синфдан ташкари мусика тарбиясининг максади нима?
2. Синфдан ташкари мусика тарбиясини кандай шакллари бор?
3. Синфдан ташкари мусика тарбиявий ишлар режаси кандай тузилади?
4. Мактабдан ташкарида мусика тарбияси ишларига нималар киради?
5. Маънавий-маърифий ишларни олиб боришда нима ахамият бериш керак?

Таянч тушунчалари

Сахна – театр ва концертлар кириш учун томоша залининг кутарилган жойи.

Оркестр-юнонча суз булиб, турли чолгу асбобларида чалувчи созандалардан тузилган жамоага дейилади.

**Мавзу: 1920-90 йилларда мусика маданият таълимининг кискача тарихи.**

РЕЖА:

1. Узбекистон мусика маданиятининг шаклланиши.
2. Узбекистонда 1920-50 йилларда мусика тарбияси тизимини шакллантирилиши.
3. Буюк мутафаккирларнинг мусика тарбиясига оид олиб борилган ишлари.
4. Узбекистонда мусика таълим тарбиясининг шаклланиши.
5. Хозирги кунда, мусика таълим тарбиясининг ривожла-нишида борилаётдан илмий тадкикот ишлар.

Адабиётлар:


1. Йулдошева С."Узбекистонда мусика тарбияси ва таълимини ривожланиши." Т. 1985 й.
2. Апраксина О. "Методик музикального воспитанов в школе" И.1983.

Кароматов Ф. «Хамза и узбекского музыка» Т. 1959. г. -


Узбек халки куп асрлик тараккиёт тарихига эга булган анъаналар сохибидир. Узбек мусика санъатининг илдизлари кадим замонга бориб такалади. Кадим маданиятнинг купдан-куп обидалари буюк узбек мутафаккирлари, шоирлари, ёзувчилари, улуг дахолари Ал-Фаробий, Абу-Али ибн Сино, Навоий, Жомий, Низомийлар лирикасида, кейинчалик эса узбек шоирлари ва маърифатпарварлари Мукимий, Фуркат, Хамса асарларида мусика тарбияси ва таълим бериш борасида талайгина кизикарли фикрлар билдирилган.

Мусика таълимининг ривожланишига нихоятда катта ахамият берган, Урта Осиёлик машхур мусикачилар орасидаги олим Мухаммад Фаробий ёш авлодни тарбиялаш ва укитиш масалалаларига, этика ва эстетика масаларига куплаб илмий ва амалий гоялар билдирган. У шунингдек, мусика назариясининг асосчиларидандир. Таникли тожик олими, мусикачиси, файласуфи Комийнинг «Рисолаи дар илми мусика» номли китобида , композиция, лад, ритм нисбатлари хакида ёзган.

Узбек шоири, мутаффакири А.Навоий мусика санъати нихоятда катта билимга эга булган эди. Унинг мусикавий-эстетик карашлари «Саббаи-Сайёр», «Махбуб-ул кулуб», «Хамса» ва бошка асарларида акс этган.

Узбек халкининг мусика маданияти халк ва профессионал махсули булган мусика асарлари, огиздан-огизга утиш асосида асрлар давомида тупланган анъана замирида ривожланган. Бизгача хофизлар, мусикачилар, бахшилар оркали етиб келган. Унга халк ижодининг энг яхши намуналари

хамда профессионал ижрочилар томонидан чалинган мусика асарлари кирган. Сунгги йилларда олиб борилган тадкикотларнинг натижалари XVIII асрда узига хос нота ёзуви булганидан, лекин факат, мусика фольклари балки улбек халкининг профессионал мусикаси хам 1920 йилларга кадар асосан огиздан-огизга утиши йули билан таркалган.

Шунга карамасдан, мусика, узбек халки хаётида мухим ва катта урин эгаллаган. Халк оммасининг маданиятини яратишдаги иштироки турлича характерда эди. Аввало савод чикариш кенг кулоч ёйди, чунки, ахоли ёппасига саводсиз булган. Халкнинг саводсизлигини тугатиш хамда, халк маорифининг, янги яратиш, жамиятни маънавий кайта куриш асосий вазифа хисобланди. Узбекистонда укитувчи кадрлар тайёрлаш иши халк маорифи тизимида асос килиб олинган эди. Тарбиявий ва таълим ишлари, диний муассасаларни ажратиш ишлари йулга куйилди. Шунингдек 7 йиллик мажбурий бепул укитиш жорий килинди. Ишчи ва укувчи ёшлар орасида хаваскор «духовой» жестрлар кенг таркалди. Бу оркестрлар биринчи маротаба 1918 йилда узбек умум - таълим мактаблари кошида ташкил этила бошлади. Кейинчалик эса, мусика жамиятлари ва хусусий тарздаги дарслари Туркистоннинг бошка шахарларида дам пайдо була бошлади. Кукондаги мактабларда узбек мусикасининг машхур таргиботчиси Х.Х Ниёзий Тошкентда, Абдулла Авлоний Самаркандда Абдукодир Шакурийлар булишган.

Хамза узи очган мактабларда барча фанлардан узи дарс берган ва шу билан бирга «Енгил адабиёт», «Укиш китоби» каби дарсликлар яратди.

А.Авлоний фаолияти алохида диккатга сазовордир.1908 йилда Тошкентнинг Миробод, Дегрез махаллаларида болаларни она тилида укитиш учун мулжалланган мактаб очган, кейинрок 1919 йилни сентябрида Туркистон республикасида Халк. маорифиги Комиссарлиги тузилган булиб, у бир канча булимларни уз ичига олган. Булар ичида санъат булими алохида эътиборга сазовор эди. Уз навбатида унинг ички булимига мусика (Музо), театр (Тео), тасвирий санъат (изо) булимларига ажралган.

Мусика булими Туркистон Республикасида мусика тарбияси таълимини шакллантириш ёш авлодни мусика маданияти дурдоналари билан таништириш масалалари куйилган эди.

1921-22 йилларда маориф институтлари кошида, фабрика ва завод тугараклари хамда мактаблар кошида хаваскорлик тугараклари ташкил этила бошлаган эди. Шунинг учун ёшлар хааваскор «духовой» (пуфлаб чалинадиган мис чолгу асбоблари) оркестрлар кенг таркалган. Чунки, уруш йиллари духовой мусика махсус рамзий маъно касб этган эди. Бу даврда жуда фаол катнашиб, Фаргонадаги мактабларнинг бирида у шулардан дарс берди. Буш вактларида ота-оналар билан ишлаб, завод чикариш ва мусика хакида тушунтириш ишларини олиб борди. Ахолининг кенг катлами орасида мусика таълимига кизикиш кучая бошлади. Урта Осиёда дастлабки,

мусика укув юрти 1917 йили Туркистон халк консерваторияси очилди. 1919 йили Самаркандда консерватория ташкил этилди. Кейинрок халк консерваториялари, махсус укув юртлари мусика техникумларига айлантирилди. 1936 йили Тошкетда Халк. консерваториялари кайта этилди. Махсус укув юртлари билан бир каторда мусика мактаблари, мусика укитувчилари тайёрлайдиган инструкторлар дарслари очилди. Туркистон мактаблари учун дастлабки, укув дастурлари ва режалари яратилди. Етти ййллик урта ва уч йиллик бошлангич мактаблари учун дастурлар яратилди.

Мусика дарслари мажбурий дарс тарикасида киритилган булса хам, баъзи холларда «буш» соат булиб, ундан мактаб маъмурияти уз билганича фойдаланди. Куп жойларда махсус дарсликлар, методик курсатмалар йуклиги сабабли, мусика дарс соатлари анча камайтирилди. Мусика тарбиясининг ташкил этишнинг самарали йулларини излаш лозим эди. Бунинг учун 40 йилларнинг охирида мусика дастури мактабларига мослаб кайта ишлаш ва укитувчи кадрлар тайёрлаш ишлари бош вазифа куйилди. Мусика маорифининг янада ривожланиши хамда профессионал мусика таълимининг шаклланиши учун замин яратилди. Узбекистонда 1941 йилнинг 7-11 январ кунлари республикамизда тарбиявий ишларга багишланган биринчи педагогик конференция утказилди. Унда мактабларда етарли мактабларда мусика укитувчилари йуклиги болалар хори камлиги хакида укитувчиларни малакасини оширишга жиддий эътибор бериш кераклиги хакида таъкидлаб утилди.

Шундан кейин, мусика таълими сохасида жадал ишлар олиб борилди. Мусика мактаблари юзага келди. Техника ва маъориф институтлари, техника билим юртлари ташкил этилди. Болалар мусика мактаблари, укувчилар саройлари, хаваскорлик тугараклари, укитувчилар малакасини ошириш ва кайта укитиш институтлари, илмий-текшириш инсгитутлари очилди. Мусика таълими тизимида жиддий кайта куриш ишлари амалга оширилди.

1960-61 укув йиллари Низомий номидаги Тошкент Давлат Педогогика институтида «Мусика назарияси ва чолгу асбоблари чалиш» кафедраси ташкил этилди. Шу йилнинг узида мусика укитувчилари гайёрлайдиган махсус «мусика факультети » очилди.

Шунингдек вилоят педагогика институтлар хузурида мусика Педагогика кафедралари тармоклари купая бошланди. 60-70 йилларда ва 80-йиллар бошида халк маорифи тизимида мусика юртлар. Сони; янада ортибк«Болалар мусика хафталиги», «Мархабо талантлар», «До, ре, ми, фа, соль», телекурсатувлари, Узбекистон Телевидениеси ва радиоси оркали болалар мусикий курсатувлари мусика таълими ва тарбиясини таргибот килишда мунтазам ишлар олиб борилди.

Халк маорифи - министрлиги укувчи ва тингловчилар ларга эстетик бериш сохасида катта ишларни амалга оширди. Янги дастурга утиш муносабати билан тупламлар, тафсияномалар, умумий таълим мактабларида «мусика» фанидан 1-7 синфлар учун дасрликлар чоп этилди.

Жумладан «Мусика алифбоси», «Мусика дарслиги» ва бошкалар Республика умумий таълим мактабларини малакали кадрлар билан таъминлаш асосиймасала булиб колди. Янги дастур буйича дарсларни олиб бориш учун умумий таълим мактабларида малакали укитувчилар ракбарлик килдилар. 1985-86 укув йилларда мусика хоналари ташкил этилсин улар техник воситалари билан махсус мусика машгулотига эга булганлар практикант-булиб тайёргарлик курдилар. Уларга ускуналари билан чолгу-асбоблари билан таъминлансин деган карор кабул килинди. 1986-87 йилларада мусика укитиш методикаси буйича Республика семинари утказилсин. Шунингдек янги дастур нашр этилсин. Ушбу маълумотлар мусика маданияти марказига узок вилоятларда шахарларда мусика таълимотини таргиб килиш воситаларига айланди.

Уларнинг ижоди туфайли узбек болалар мусикаси ривожланди, мусика оркали укувчиларнинг маънавий дунёси шаклланди. Республикамизда хар йили «Узбекистон-ватаним меним», «Илхом чашмалари», «кушик байрам» ларини утказиш анъанагаа айланиб колди.

Узбекистонда мусика укитишметодикасини ривожлантиришда янги дастурлар дарсликлар), кулланмалар яратишда илмий-тадкикот ишларини олиб боришда Д.Омонуллаев. Х.Нурматов, О.Ибрагимов, О.Файзиев, Ш.Ёрматов. А.Мансуров, К.Мамиров. Н.Норхужаев каби олимлар композиторлар ва тажрибали укитувчилар уз хиссаларини кушдилар. Хозирги кунда мусика маданияти ёш авлодни тарбиялашда мухим урин эгаллайди.

Текшириш учун саволлар.

1. Узбекистонда мусика маданиятининг шаклланишига кайси мутафакирлар уз хиссаларини кушдилар.
2. Узбекистондаги мактабларда мусика фани качондан бошлаб дарс сифатида киритилди?
3. Мусика фани буйича илк дастур, мусика китоби, Конфедирация курсатмалари качон кулланилди.
4. Хозирги кунда мусика укитиш методикасини ривожланиши кай тарзда амалга оширилмокда?

Таянч тушунчалари:

Мусика фольклори- халк мусикаси.

Мусика эстетикаси-мусика санъатининг мохияти вокеликка муносабати ижтимоий роли.

Ашула – кенг таркалган мусика жанри ва шакли, унда шеърий ва мусика дарслар бир-бирига уйгунлашган холда фойдаланди.

## Мавзу: Хорижий мамлакатларда мусика тарбияси тизими.

РЕЖА:

1.Хорижий мамлакатларда мусика укитишнинг узига хос хусусиятлари.
2. Японияда мусика укитишнинг узига хос булган урни.

3. АКШ да мусика укитишнинг максад ва шакли.

Адабиётлар:

1.Апраксина О. Методика музыкального воспитания. М. 1983
2. Омонуллаев Д. Мактабда мусика тарбияси методикасидан лекциялар курси. Т. 1990

Хар бир мамлакатнинг мусика тарбияси гоявий-сиёсий жихатдан халкнинг социал тузумига- хизмат килади. Шунинг учун мусика тарбияси мустакиллик мамлакатларда эътикод учун хорижий мамлакатларида эса буржуа демократияси учун хизмат килади.Хар бир халкнинг маорифда мусика тарбияси методикаси педагогиканинг дидактик конуниятларига ва шу халкнинг миллий мусика маданияти тили ва маданий анъаларига асосланади.Шу билан бирга мусика тарбиясининг структураси системаси (тизими) ва илмий- методик ютуклар бошка миллатнинг маърифий маданиятига хам ижобий таъсир килади. Хорижий мамлакатларда ягона укув режа ва дастурга амал килинмайди. Давлат мактаблари билан бирга шахсий коллежлар ва олий таълим даргохлари мавжуд булиб турлича даражада эстетик тарбияни амалга оширишда укувчига кенг ижодий эркинлик берилган. Укитувчи узининг шароити имкониятлари ва укувчиларнинг билим даражасига караб дастурга узлаштиришлар киритиши мумкин ва тарбия жараёнида укувчиларда санъат оркали хаётни ва унга шахсий муносабат билдириш ижодий муносабатда булиш малакаларини ривожлантиради. Мусикаларда юксак ривожланган техник воситаларидан кенг танилади. Укувчилар электрон органларда чалиб куйлайдилар, турли фаолиятлардан (айтишув харакатлар, бир-бирига журнавозлик килишларни) бажарадилар. Бунда асосан укувчиларда ижодий кобилиятинии руёбга чикаришдан иборат. Жумладан АКШ да ягона давлат дастури йук. Мусика таълими "эстетика" сифатида куйилади. Унда мусика тасвирий санъат ва мехнат мазмунан бир –бири билан богланган. Давлатмакгаблари билан бирга диний хамда диний хамда шахсий дунёвий мактаблар хам иавжуд. Шунинг учун хар бир мактабда, давлат мактабларида шахсий ва диний мактабларда укув

Харакатлари хам бир хил эмас урта хисобга I-VII синфларда хафтасига 4-2 соатдан дарс утилади. Дарсдан ташкари хар бир укувчи мусика тугараклари (хор, оркестр, ракс, вио} аъзо бир мактабда симфоник оркестр мавжуд.Японияда хам ягона укув режа ва дастурга амал килинмайди. Японияда мусика тарбиясининг узига хос системаси вужудга келган. Уларда болалар богчасидан олий таълимгача эстетик тарбия амалга оширилади. Эстетик тарбия интенграция килинган фан булиб унга мусика, тасвирий санъат ва мехнат узвий бирлашган. У бир неча боскичда амалга оширилади

а) 1-5 ёшгача болалар богчасида

б) 6-14 ёшгача туликсиз урта мактаб
в) 15-18 ёш урта мактаби
г) 18-23 ёш олий таълим мактаби

Болалар богчасида «Суздуки» тизими машхурдир». Унинг тизимида она тилини укитилиши мусика тинглаб идрок этиши билан амалга оширилади. Болалар чолгу асбобларда куй чалишлар хам роль уйнайди. Машгулотлар жараёнида болаларнинг онаси хам иштирок этади. Машгулот мазмуни ва максадидан огох булади ва оилада уз овози билам шугулланади. Судзукининг тадбирларида оналар муси:ка маълумотига эга булиши шарт эмас.Оилада грамзаписи, телевидения, концертларда тингланган асарларни мухокама этадилар. Бунда богча ва оиланинг хамкорлиги хам роль уйнайди. Натижада 5 - 6 ёшли болалар Бзтховен Сонаталарини чалишга эришадилар. Юкори синфларга кучган сари "эстетик тарбия хам бир предмет сингари мураккаблашиб боради. Синфларда рассомчилик, хайкалтарошлик, халк амалий санъати ва мусика санъати танкидчилари етишади.Укитувчи кадрлар тайёрлаш иши яхши йулга куйилган. Республика олий педагогика ва санъат олийгохларида тайёрланади. Укиувчилар шунингдек она Ватанида олган билимларга каракмай, ривожланган Европа мамлакатларга укишга бориб уз билим ва малакалларини оширадилар.

Текшириш саволлари:

Хорижий мамлакатларда мусика укитишнинг шакли ва максади нимадан иборат ?
Хорижий мамлакатларда мусика фани кандай, кандай фан булиб хисобланади ?
Япония мактабларида мусика укитиш кандай ?
АКШ да кандай мактаблар ва дастурлар мавжуд ?

Таянч тушунчалар:

1. Симфоник оркестр- турли чолгу асбоблардан мураккаб турдаги оркестр.
2. Оркестр 3 турга булинади. Торли, пуфлаб чалинадиган мис ёки ёгоч, уриб чалинадиган.
3. Асар, ижод – Композитор яратган мусика асари.

**Мавзу: Узбекистоннинг умумтаълим мактабларида мусика таълими ва тарбиясининг ривожланиши.**

РЕЖА:

1. Умумий таълим мактабларида мусика Укитувчиларининг янги дастур буйича иш фаолияти.
2. Мусика укитиш буйича илмий методик ишлар, дастурлар, дарсликлар таъминоти ва ташкилий жихатлари.
3. Педагогик университетларда мусика укитишни ташкил этиш, укув материаллари билан танишиш хамда етук мутахассисларни тайёрлаш.

Адабиётлар:
Омонуллаев Д. Нурматов Х. Мамиров К. ва бошкалар. Умумий хафта таълимнинг давлат таълим стандарт ва укув дастури Т. 1999 йил.
1. Кодиров Р. Бошлангич мактабда куп овозли куйлаш Т. 1997 йил.
2. Шарипова Г. Мусика тарбиялаш методикаси фанидан дастур. Т. 1997 й.
4. Каримов И.Кадрлар тайёрлаш буйича миллий дастуриТ.1997 й.

Мустакил Республикамизда амалга оширилаётгаи жамиятимизни иктисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маданий жихатдан жахоннинг энг ривожланган мамлакатлари каторидан урин олишида узининг ижобий натижаларини бермокда.

Узбекистоннинг "Таълим тугрисида"ги конунга кура 9 йиллик умумий урта таълим жорий этилди. Таълимни минтикавий хусусиятларини хисобга олган холда мусика-буйича концепцияси ишлаб чикилди.
1992 йил *25* ноябрда "Маърифат" рузномасида мусика таълим-тарбиясининг концепцияси лойихасида мусика таълимнинг миллий ва илмий асослари, мазмуни, тузулиши. Табакаланиши, мусика укитувчисига булган замонавий талаблар ва унинг илмий услубий таъминоти баён этйлди. Бугунги узлигимизни англаш уз такдиримиз ва фарзандларимиз истикболини яратиш имкониятига эга булган, Мустакил Узбекистонда миллий маданиятимизни узига хослигини тиклаш мактабларида ёшларни бадиий тарбиялаш ва камол хамда хозирги кунимизни туларок идрок этиш учун энг тарихимизни яхши билмокдик хисобланади. Чунки,хар бир тарихий богланиш оркали амалга оширилади. Барча фанлар катори мусикий таълимда хам давлат таълим стандартларини жорий этилиши миллий мусикий мерослардан тулаконли фойдаланиш имконини беради. Булар оммавий халк. куй кушикларида хонанда ва созандаларнинг ижодий фаолиятлари, маком, шашмаком, достонлар ва бугунги замонавий мусикий фаолиятида уз аксини топди. Мусика санъатининг бу каби имкониятлари янги авлодни тарбиялашда уларнинг баркамол олиб етишишларида узга хос такрорланмас манба булиб хизмат булади. Мусика таълимидан, давлат таълим стандартлари асосида таълим мазмуни укувчиларнинг мусикий билим ва тажрибалари билан бирга уларда кузатувчанлик, хотирани таккаслаш образли тасаввур килиш, ижодкорлик, мустакиллик ташаббускорлик бадиий ва мусикий дид каби хислатларини ривожлантиришни таъминлайди. Демак, ёш авлодни етук килиб тарбиялашда мусикий маданият дарсларини ахамияти эга.Мусикий маданият дарслари укувчиларни ахлоккий-эстетик тарбиясига ижобий таъсир курсатади. Улардаги гузаликка булган хис-туйгуларини устиради мусика санъатига мехр-мухаббат кизикиш уйготади, она Ватанни севишга, бир-бирини, катталарни хурмат килиш_мехнатни табиатни севишга кадрлашга ургатади хаётда уз урнини топа олишга мадад беради. Бунда укувчилар бир санътини бутун нафосати билан урганишлари, мусиканит идрок этиш якка ва жамоа булиб кушик куйлаш ва раксга тушиш ижодкорлик

малакаларини шакллантириш мусика тарбиясининг максади хисобланади, Шунингдек, укувчилар иктидорини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароит яратиб бериш ва уларнинг бадиий ихтиёжларини кондириш мусика таълим тарбиясининг вазифасини ташкил этади. Хозирги мусикий таълим шуни курсатадики миллий мусика меросимизни мусика дарсларини ва синфдан ташкари мусика тарбия ахамияти катта. Мусика дарсларини хаётга жорий этиш максадида умумий урта таълим мактаблари стандарти асосида янги дастур асосий мохияти аввало дарснингмавзулари хар бир чорак белгиланган бош мавзулардан олиб чикади. Дарсни кизикарли булиши учун мусика кулланилади барча мусика фаолиятлари (хор булиб саводи мусика тинглаш) дарс мавзусининг ажралмас кисми ва мантиккан узвий богланиб утилади.

Дарс - таълим тарбияни амалга оширишни энг кулай ва самарали шаклидир. Жамиятимизнинг турли жабхаларида сиёсий-иктисодий, ижтимоий маърифий узгаришлар барча фанлар катори мусика дарсларининг мазмуни ва методикасига хам янги замонавий талаблар куйилади:

1. Дарсда таълимий-дидактик, тарбиявий ривожлантирувчи максадларни билиш ва уларни амалга ошириш.
2. Дарсда таълимнинг фаол усул услублардан фойдаланиш.
3. Дарс жараёнида халк педогоикаси анъаналарини, жахон педагогикаси психологияси, санъатимиз буюк аждодларимиз угитлари, ривоятларимиз, хикмат тула хадисларимиз унумли фойдаланиб олиб бориш максадга мувофикдир.

Маълумки кейинги йилларда тажрибали методистлар, олимлар ва амалиётчи укувчиларнинг укув жараёнини тахлил килиш сохасида утказилган тадкикотлар дарс самарадорлигини ошириш педагогик ва дидактик шарт-шароитларига боглик эканлиги курсатмокда.

Энг мухим шарт-шароитлар куйидагилардан иборат:

Дарсликлар кулланмалар дастур тавсияномалар, дидактик кургазмали куроллар ва техник воситалардан фойдаланиш. Синфда ижобий психологик мухит булиш. Укитувчи ва укувчилар орасида узаро яхши муносабатда булиш бу педагогик шарт-шароитларга амал килиб дарснинг максади мавзуси, тугри ташкил килинса дарс, сифатли самарали олиши мумкин. Олий мажлиснинг 1997 йил 28 августдаги IX сессиясида кабул киилнган " Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" мухим тарихий амалий хужжат булиб таълим тизимини тубдан ислох килиш, уни дунёнинг илгор демакратик давлат даражасига етказиш ва ёш кадрларни юксак маънавий ахлокий юкори билимларга эга килиб тарбиялашни максад килиб куйди. Шунингдек ёш булажак педагог-кадрларимизни тайёрлашда мусика укитувчиси учун зарур булган сифатларни шакллантиришимиз лозим.Тахлил жараёнида, энг мухими тингловчилар узининг дарс утказувчи укитувчи сифатида тасаввур килиб, уз – узини уддасидан канчалик чика олишни тугри бахолайди. Тингловчилар томонилан утказилган дарсларни ва тарбиявий ишларни тахлили одатда уз-узини бахолашда, узини саботини режа конспектларини тахлил килишдан уз

ишини колай олишдан бошланади.. Методист-укитувчи амалиётчи тингловчилар га методик ёрдам курсатиш ва маслахатлар бериб ютукларини арниклаб тугри йул курсатиши лозим. Бунда энг асосий максад ва тингловчилар ёшларимизни кобилият ва ютукларини имкониятларини аникклаб тутри йул шакллантириш ва юзага чикаришдир. Бу борада юртбошимиз И.А.Каримовнинг барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, хаётимизнинг бошка сохалариги ахвол - амалга оширилаётган ислохатларимизнинг самарадорлиги аввало халк маънавиятининг тикланиши бои тарихий меросимизнинг кенг урганилиши анъаналаримизнинг сакланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий богликдир - деган сузлари билан маънавият чуккисига интилишига чорламокда.

Текшириш саволлар:
1. Умумий таълим мактабларида янги дастур асосида мусика укитишнинг мак.сад ва вазифалари нимадан иборат?
2. Мусика укитиш буйича кандай илмий-методик ишлар, дастурлар дарсликлар, кулланмалар яратилди ва уларнинг муаллифлари кайси олимлар?
3. Ёш кадрларни тарбиялашда мусика укитишнинг максади ва вазифалари нималардан иборат?

Таянч тушунчалар
"Халк чолгу асбоблари оркестри" - халк чолгу асбоблари жамоаси,турли хил халк асбобларида (доира, дутор, рубоб, чанг) жур булиш ижро этиши.
"Оммавий кушик" - бастакор ва композиторлар томонидан ёзилган тенг омма ижросига мулжаллаб яратилган кушик.
КИРИШ

**Марказий Осиё халклари кадимги аждодлариининг мусикали хаёти ва ижодлари.**

РЕЖА:

1. Кадимги аждодларимизнинг мусикали хаётлари ва ижодлари.
2. Кадимги афсоналар ва мавсумий кушикларнинг пайдо булиши.
3. Кадимги аждодларимизнинг «Авесто»,Грек – бактрия, араб халифалиги давридаги санъатлари.
4. Марказий Осиёлик буюк алломалар мусика хакида.
5. Умумий хулосалар.

Адабиётлар:

1.Узбекистон 1994 йил.Тошкент А.Аскаров.
2. «Истиклол йули»1995.тошкент.

Узбек халкининг мусика маданияти куп асрлик тарихга эга, купгина созанда ва хонандалар авлодининг фаолиятида карор топган халк хамда огзаки

анъаналарииdаги профессенионал мусика саънати бу хакда гувохлик беради. Моддий маданият ёдгорликларининг тасдиклашича, бугунги Узбекистон худудида Марказий Осиё халкларининг аждодлари яратган кадимги цивилизация мавжуд булган. Археология маълумотлари, тасвирий саънат асарлари – миниатюралар, шаркшуносларининг янги тадкикотлари ва нихоят урта асрдаги Марказий Осиё олимларининг мусикаий рисолалари таржимаси узбек халки мусика маданияти таракиётининг тарихий жараёни тасаввур килишимизга ёрдам беради.

Узбек халки аждодларининг мусика сарчашмалари Марказий Осиё худудида яшаган кардош халклар биринчи навбатда тожик халки ижоди билан мустахкам богланган. Бу мусика асарлари X-XI асргача иккала халк учун бир бутунликни ифода этади. Кейинчалик у узбек ва тожик мусика маданиятларининг шаклланиши учун бир умумий асос булиб хизмат килди.

Марказий Осиё халклари хаётида тарихий чегараланиш боскичи тахминан ьизнинг эрамизгача булган биринчи минг йилликдан бошланади. Булар утрок дехконлар-сугдийлар, бактрияликлар, хоразмийлар ва хамда кучманчи саклар массгет кабилар эди. Улар хакидаги маълумотлар "Овасто" да хам учрайди.Халк поэтик ва мусика саънатининг бошланиши уша даврларга бориб такалади. Халк поэтик ижоди ва мусикадастлаб синкретик холатда булгани тугрисида Овесто китоби ва бошка ёзма ёдгорликлари, шунингдек: Марказий осий халкларинингтурмуши, уларнинг урф-одатлари, туй-томошаларининг архак элементлари гувохлик беради. Буни Археология, этнография ва бошка фанлар берган маълумотлар хам тасдиклайди. Синфсиз жамият шаротида Марказий Осиё мусика асбобларининг асосий-яъни уриб чалинадиган, пуфлаб чалинадиган ва торли созлар турлари вужудга келган эди.

Уругчилик жамиятининг емирилиши ва синфий жамиятга утиш, Бактрия, Сугди ёна ва Хоразмда давлатларининг пайда булиши, ахмонийларининг харбий маъмурий жихатдан бирлашувлари, Искандар давлати, Грек-Бакрия подшолигшининг вужудга келиши эрамиздан олдинги VII асрдан то эрамизнинг IV асригача булган жуда катта тарихий даврнинг уз ичига олади. Бу давр эпик характерли мифологик кахрамонлар устун булган кадимги огзаки мусикали поэтик ижодининг юзага келиши билан машхурдир.

Кахрамонлар афсонлариб эпик кушиклар Марказий Осиё халкларининг уз мустакилликлари учун олиб борган мардонавор курашларининг буёкдор тасвирлари билан тула. Уз халкининг озодлиги йулида жонини курбон килган чупон Широкнинг мислсиз жасорати, ватанга, булган мухаббат тугрисида хикоя килувчи сак афсоналаридан парчалари бизнинг кунларимизгача сакланиб келган. Масалан Рустам ва унинг жанглари, малика тахминага булган мухаббати, танимаган отаси кулида катл килинган угли Сухробнинг улими тугрисида хикоя килувчи кушиклар мустакил маросим томошаларга айланиб кетган.

Кейичалик бу кушиклар форс халкининг ажойиб достони "Шохнома" да уз аксини топди. Рустам, Сиёвиш ва бошка баходирлар тугрисида афсоналар цикли яратилди.
Худолар сигиниш билан боглик булган турли маросимлар хам кушик айтилган. Бу хакда Овастода баён килинган. Овасто гимнларнинг узи речитатив тарзида ижро этилган. Гимнлар хор булиб айтиш мумкин булган банд ва такрорланувчи накоратли айрим насрий ярим вазнли ривоятлардан иборат булган. Худолар сигиниш билан боглик маросимларда мукаддас олв атрофида кушик айтилган, ракс тушинилган.
Халкнинг байрам маросимлари, масалан: бахорда кун ва туннинг бараварлашуви – Навруз кенг таркалган эди. Урта аср олимлари мусиканинг мехнат маросимларидаги ролини, инсоннинг мусикани олам тузилиши билан боглашга булган интилишларини хам курсатиб утганлар.. Эрамиз олдинги IV асрдан эрамизнинг бошларигача Марказий Осиёнинг куп кисми Искандар давлатининг, кейинрок эса Грек-Бактрия давлати таркибида булган. Шу боисдан у даврнинг маданиятига хам, мусикасига хам грек маданияти катта таъсир курсатган. Бунга Термиздан топилган Айритом фризи мисол була олади.
Кадимги Марказий осиёдаги антик маданиянинг купгина хусусиятларини аникган бизнинг шаркшуносларимиз уни билишнинг узига хослигини, мусика асбобларида махаллий хусусиятлар мавжудлигини най, уд, доира каби асбоблар уша пайтларда хам бор эканлигини курсатиб берганлар. Махаллий анъаналарининг юнон, хинд ва бошка халклари анъаналари билан чатишиб кетиши уша давр маданиятининг узига хос томонларидан биридир. **КИЧИК ХАЙКАЛТАРОШЛИК.**

Марказий Осиё антик маданиятининг ёркин ёдгорлиги хисобланади. Афросиёбдан топилган купгина хайкалчалардан аксарият най, уд, дойра, чалаётган созандалр тасвирланган. Куплаб топилган хайкалчалар мусиканинг сугдлар ва уларнинг пойтахти булган Самаркандда катта ахамиятга эга эканлигидан гувохлик беради.

Эрамизнинг IV- асрдан бошлаб Марказий Осиёда кулдорлик аста-секин феодал тузуми билан алмашди. Марказий Осиёда Яшаган турклар уз давлатининг хоконликлар деб атай бошладилар. Ана шу даврдан бошлаб турклар билан форсий халкларининг аралашибяшаш жараёни бошланди. бу дарвда айникса IV-VII асрлар оралигида саънат ва мусика гуркираб ривожланган даврлар булади.

Бутун Шаркка машхур булган ва кейинчалик шарк адабиёти тасвирланган Барбаднинг номи махур булган. Марв шахрида истикомадт килган Барбаб VII аср бошларида Эрон сосонийлари сулоласи булган Хисрав Парвиз сарйида хизмат килди. Тарихчаларининг берган маълумотларига караганда барбаб мадхия ва тарихий кушиклар, харбий галабалар хакида кушиклар ижод этган. Улуг озарбайжон шоири Низомий Узининг "Хисрав ва Ширин " достонида Барбад хакида, унинг санъати шинавандаларга фавкулодда кучли таъсир килиш хакида ёзиб кетган.

Тасвирий саънатнинг жуда куп обидалри мазкур даврнинг куроллари ва мусика иштирокида урф-одатлар тугрисида маълумотлар беради. Кадимги Панжикентда топилган ёркин накшлар ана шулар жумласидандир. Унда икки томонли ногора ва доира журлигида раксли сахна, сопол идишда дафн маросимида аёл кишининг маросим раксини ижро этиб турган пайти гавдалантирилгин ёркин тасвир учрайди. Кумуш лаганга ов манзараси, ашула ва ракс иштирокида зиёфат накшланган.

Утрок форслар туркларнинг мусика хаётининг айрим томонларни мерос килиб олганлар. Кейинчалик "Китоби куркут" циклига кирган купгина турк афсоналари Марказий Осиё санъати маданиёти ва эпик достонларнинг шаклланишига рол уйнаган.

Шундай килиб, халк ижоди ва махаллий профессионал анъана келажакда огзаки анъанадаги йирик мусика асарларига асос булди.

Айрим кенг таркалган маком куй тузилмаларининг туркча, "Авжитурк" деб аталиши хам бежиз мумкин.Эхтимол, вафот этган кишининг жасади тепасида туриб махсус айтувлар томонидан марсия айтиб йиглаш ожати кадимги турк кабилаларидан колганлар. Эхтимол узбек бахшилари кадимги аждодларнинг ички товуш ифода услубларидан хамон фойдаланиб, давом эттриб келаётгандир. Зеро, буни узбек фолъклорининг ранг-баранглиги , унинг куй, лад ва айникса ритмик тузилишидан куриш мумкин.

Шундай килиб, VII-VIII асрларгша келиб махаллий мусика анъаналари аник булиб колди, халк профиссионал мусканинг огзаки анъаналари шакли вужудга келди.

Араблар хукмронлиги даври VIII-IX асрлар тарихда ислом динини мажбуран кабул килдириш ва махаллий халкларнинг тухтовсиз кузголнлари билан жой олди. Бу кузголронлар ахолининг мехнаткаш табакалари манфаатларни ифодаловчи Муканна рахбарлигида "Ок кийим" лилар номи билан машхур булган жуда катта халк харакати | 785 йил| га туртки булди. Махаллий зиёлилар хам араб боскинчиларига булган муносабатларини яширин холда баён кила бошладилар. Бу Шуубийлар харакатини келтириб чикардилар. Улар узларининг араб тилда яратган асарларида араблар босиб олган халкларнинг маданияти арабларнинг маданиятидан устун эканлигини таъкидладилар.

Ислом дини дастлаб мусикани йукотиш, ман этишга уринди. Бирок, мусулмон рухонийлари халк оммасини зарур томонга бошакаришда мусиканинг кудратли курол сифатида кандай ахмиятли эканлигини тушунар эдилар. Шунинг учун хам мусикага дин доирасида йул бердилар.

Марказий Осиёнинг араб халифалигига кушиб олиниши маълум даражада ижобий ахамиятга хам эга эди. Чунки Марказий Осиёлик алломалар араб дунёсида тупланиб колган кадимги Грек маданиятини узлаштира бошладилар.

Шунингдек, араблар хам уз навбатида мусика санъати сохасида махаллий ахолидан купгина нарсаларни урганиб олдилар. А.Исфахонийнинг араб тилида

ёзилган " Кушиклар китоби" га кура жуда куп Марказий Осиё халклари куйларидан араблар фойдаланган.

IX- асрга келиб Марказий Осиёда хокимият Сомонийлар кулига утди. Феодал хонликлар мустахкамланди, шахарлар ривожланди. Марказий Осиё 100 йил давомида бу даврда чет боскинчилари хужмларига учрамади. Бу эса мамлакат хужалиги ва маданиятининг гуркираб ривожланишига имкон берди.

Бу даврда ажойиб олимлар, шоирлар, мусикачилар: машхур математик ва астроном Ахмад Фаргоний, Ал-жабрнинг отаси Мухаммад ибн Мусо Хоразмий, урта аср шаркининг машхур файласуфи, мусика сохасидаги ишлари замондошлари хамда ундан кейинги мусикачилар авлоди учун асос булган Фаробий, урта асрлардаги барча фанларга муносиб хисса кушган буюк алломалар Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, буюк хадисшунослар Исмоил Бухорий ва ат-Термизийлар яшаб ижод килдилар.

Сомонийлар даврида шахарлар орасида Бухоро гуллаб яшнади, чунки у пойтахт эди. У мамлакат маданиятининг хам маркази эди. Подшохлар саройи мухити уз даврининг манавий ва маданий йуналишларини белгилар эди.

Сарой шоирлари ва мусикачилари ижодида асосий жанр-хукмрон шахсларни мактайдиган ва шарафлайдиган касида эди. Унинг мукаддима кисми "насиб"да мусика жур булади. Чолгу куйлари баъзан хос кечаларда алохида хам ижро килинарди.

Мадхиялардан ташкари, илгор ижтимоий кайфиятларни ифодалайдиган шеърлар ва мусика асарлари хам яратилар эди.

X асрнинг биринчи ярмида яшаб утган Рудакий уз даврининг машхур шоири ва мусикачиларидан бири эди.

Бу даврга келиб факат халк огзаки ижодида расм булган кадимги эпик афсона ва ривоятларга кизикиш кучайди. Ушалар асосида икки раси узаро кофияланадиган, ун бир бугинли мутакариб вазнида ёзилган кахрамонлик достонлари вужудга келди. Бу достонлар орасида Фирдавсийнинг Марказий Осиё халклари афсоналари асосида яратган «Шохнома» си машхур эди.

Уша даврларда арфа ва уд типидаги торли ва пуфлаб чалинадиган най типидаги асбоблар кенг таркалганди. Уша даврнинг машхур асбоблари уд, чанг, най, руд, барбад ва доира кенг тус олган эди. Уша дарнинг машхур олими Фаробий уз даври мусикаси хакида шундай дейди: «Жангларга мулжалланган чолгу асбоблари мавжуд, уларнинг овози баланд ва кескин, зиёрат ва ракслар учун, туй ва кувнок йигилишлар учун, мухаббат кушиклари учун хам махсус чолгу асбоблари бор. Айримларининг товуши кескин ва хазин булади, бир суз билан айтганда, улар шунчалик куп, шунчалик хилма-хилки, хаммасини санаб утиш кийин».Шундай килиб, бу давр чолгу асбобларида ижрочилик кенг куламда ривожланди.

**Узбек халк мусика санъатининг келиб чикиши тарихи хакида айрим мулохазалар.**

РЕЖА:

1. Миллий маданият ва санъат тарихини урганиш хар бир миллат маънавий юксалишининг ва миллий мафкурасининг асоси.
2. Кадимги халклар тарихи, маданияти ва санъатнинг муштараклик ва узига хослик жихатлари.
3. Узбек миллатининг хамда унинг миллий маданияти вам усика санъатининг шаклланиш йуллари.
4. Умумий хулосалар.

Адабиётлар:


1. «Узбекистон XXI аср бусагасида» 1998.Каримов.И.А.
2. «Туркий халклар мафкураси» Тошкент. «Чулпон»1995 йил.
3. «Фозиллар фазилати».Тошкент.1969 йил.Ходи Зариф.


Уз давлатчилигимиз, байрогимиз, гербимиз, мадхиямиз, Конституциямизга эга булишдек асрий орзумиз руёбга чикди. БМТ пештокидаги жахон халклари ва давлатлари байроги сафида бизнинг хам ой-юлдузлари гузал байргогимиз хилпирашида олам-олам рамзий маънолар бор. Мамлакатимиз ва миллатимиз тарихида шундай бир буюк янгиланиш бориши керак. Шунинг учун хам мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов миллий истиклол мафкураси яратиш муаммосини жамиятимиз кун тартибига куйди.

Хуш, мафкура узи нима дегани? Баъзи сиёсат арбоблари жамият мафкурасини «Тасаввурлар, тушунчалар, гоялар, мажмуаси билан биргаликдаги таргиботга хос булган маълум бир маслак, таълимот, дунёкарашдир» - деб талкин киладилар. Бошка тоифа сиёсатшунослар» дунё ва хаёт фалсафасига даьвогарлик килувчи гоялар тизими-мафкурадир»,деб тушунадилар. Француз сиёсатчилари мафкурани тизим холига келтирган гоялардир, дебтарифлайдилар, баьзи хорижий лугатларда эса «мафкура таьлимот /доктрина/ назария ташкил килувчи гоялар ва фикрлар мажмуасидир» дейилади. Бу фикрга кушилган холда унинг куйидаги кирраларини хам алохида таькидлаймииз.

Мафкура уз сохибининг ижтимоий баркарорлигини гоявий жихатдан таъминлаш вазифасини хам бажарди. Унинг яна бир вазифасини шундан иборатки, у уз ижодкори булган ижтимоий гурух ёки миллатнинг нураши ёки инкирозга юз тутишига тускинлик килиб, унинг яшовчанлигини таъминлаб туради. Шу жихатдан, у уз сохибини саклаш таргиботи хамдир. Мафкурасиз хар кандай давлат ёки жамият таназзулга юз тутиши турган гап. Асосий ижтимоий кадриятлар тугрисидаги тасаввурларни факат мафкура воситасидагина хосил килиш мумкин. Энди истиклолга эришган халкнинг, буюк давлат кураётган миллатнинг мафкураси бош асоси узлигин теранг англаш ва ватанга буюк мухаббатдир. Бу дегани эса узининг мансуб булган халкнинг кечмиш тарихини, маданиятини, санъатинин дилга жо килиб, киндик конининг томган тупрокнинг утмишини билиб, дилга ифтихор туйиш, шу

замин, шу халк, шу ватан билан уз кисматингни бир бутун, деб хис килиш лозим.

Уз халкимнинг мусика тарихини урганиш учун аввал унинг маданият тарихини урганишинг, маданият тарихини урганиш учун эса унинг халк булиб шаклланиш ва давлатчилик тарихини урганишинг, халкинг тарихини умуминсоният тарихини урганишинг зарур булади.

Инсоният тарихи дин туйгуси кадар кухнадир. Жамиятларнинг ибтидоий даврларида оталарнинг /уругларнинг/ хурмат-эхтиром килиниши ёки аждодларга сигинишнинг пайдо булиш тарих ва ватан шууриниң, инсоний ва миллий туйгуларнинг дастлабки белгилари эди. Кадимги халк афсоналари, достонлари, хикоялари жамиятларнинг тарихга булган эхтиёжларидан келиб чикар ва улар онгини шакллантирар эди. Булар жамиятнинг кечмишига доир яшаш, фикрлаш ва ишонишнинг акслари сифатида бугун хам уз ахамиятини йукотгани йук. Чунки улар мухим манба хисобланади. Биз уз тарихимизни урганиш учун аввало ислом тарихини, умумтурк тарихини, чукур урганишимиз, тадкик килишимиз керак. Агар биз дунё халкларининг афсоналаридан холи рост тарихини солиштирадиган булсак, ислом тарихи хам умумтурк тарихи хам юнон тарихидан, маданиятимиз эса юнон маданиятидан устун булса, устунки, кам эмаслигини курамиз. Чунончи, юнон ва оврупо тилларидан «Историа» калимаси манбади хикоя маъносида келгани холда, ислом ва турк дунёсидаги «Тарих» сузи замонлар утиши билан кайд этилган хадисаларни ифодалайди. Башарият хафизасида мавжуд булган тарих шуурда яшар экан. Миллатлар шахсиятини устиришга, маданият ва мафкураларини кувватлантиришга хизмат килади. Уз халки тарихини билмаган миллатлар хотира ва идрокларнии йукотиб куйган довдирларга ухшайди.Бу алфозда яшаётган миллатларни юксалишига ёхуд узлигини мухофаза этишларига кафолат йук. Тарих миллатлар келажагини яратишда улкан кумакчидир. Хатто бугун хам миллатларнинг маданий савияларини, тарихни канчалик билишларига ёки билмасликларига караб бахолаш мумкин.

Узбек халкининг тарихи бугун туркий халклар тарихининг бир булаги экан, даставвал умумтурк тарихига кискача бир назар солиб утайлик.Туркийлар иски замонлардан якин-якинларгача 2500 йиллик тарихлари давомида моддий манавий унсурлар орасида энг куп мувозанат саклай олган миллатдир. Дархакикат, тарихда меъёр ва ихтиёткорлик вазминлик ва адолатпарварлик билан иш юритган турк миллати мувозанат асосида миллий, диний, инсоний туйгуларга содик колган. Уч китъа ва кенг улкаларда курилган тарихий туркий хокимиятлар мувозанат асосида ривожланган.Исломдан аввал Туркистон, ислом даврида эса,Туркистон,Якин Шарк ва Туркия марказ булгани холда Чин, Хиндистон,Афгонистон,Хуросон,Шаркий ва Урта Оврупа, Болкон, Эрон, Озарбойжон, Кавказ, Онадули, Рум, Ирок, Сурия, Миср, ва Шимолий Африка бощдан оёк туркларнинг истило,кучиш ва хокимият мойдонлари булган. Туркийлар бу улкаларда бир канча давлатлар ва империялар курганлар. Кадимий Хун ва Кук–Турк хаконликлари, оврпопа хунлари ок хунлар, Хазор,

Уйгур, ва Булгор Улгуз Корлук хаконликлари, Мусилмон итил Булгорлари ва Горахонийлар Газна хоразм Миср, Сурия, Манлук ва Хиндистон султонликлари Туркистон, Урта Шарк ва Олтин Урта хонликлари, Темурийлар ва Бобурийлар империялари туркийлар тарихининг олтин сахифаларидир.

Биз энди узбек халки маданияти ва санъати тарихини тадкик этар эканмиз, илгари «буюкурусчилик шовинизм» талкинларини улоктириб ташлаб, тарихий рост талкинларга утишимиз, бутун тарихимиз ва маданиятнинг тадрижий йулларини янгидан кашф этиб чикишимиз керак. Бунинг учун Шуро даври тарихимиз талкинларини асосли рад этишимиз зарурдир.

Узок вактлар урус эроншунослари Бойкулгача яшаган кадимги кабилалар шаркий эрон тилларида гаплашган илмий исботланмаган даъволарни килиб келдилар. Кейинги йиллардаги тарихий, археологик ва антропологик тадкикотлар у асоссиз даъволарни сузсиз рад этди. Хакикатдан хам Ёкутистондан Боснаягача булган катта минтакада яшаётган уттиздан ортик туркийзабон халклар осмондан тушиб колмаган, ахир. Агар хакикатдан хам Бойкулгача яшаган кадимги кабилалар факат шаркий эрон тилларида гаплашганда эди, уларнинг бугунги авлодлари накадар купчиликни ташкил килган булур эди.

Вахоланки, 1986 йилги статистикага кура эрон тилларида гаплашадиган халкларнинг умумжахон микдори 75 миллион 836 минг булгани холда, туркий тилларда гаплашадиган халкларнинг умумий микдори 105 миллион 688 минг кишини ташкил этади. Уларнинг 30 миллион ортиклиги кадимда хам туркийларнинг аждодлари бу миктакаларда ташкил этганлигини тасдиклайди.

Туркийзабон ва форсийзабон халклар кадимда хам аралаш яшаб келаётгани очик хакикат. Шунинг учун тарихий, табиий шароитлар туфайли бир кисм туркий кавмлар форсийлашиб, бир кисм форсий кавмлар туркийлашиб тургани хам бор гап.

Шу уринда шуни алохида таъкидлаш керакки, урта асрлар ва хусусан хозиргача булган кейинги минг йилликда Марказий Осиё форзийзабон халклари билан босим хозирги узбек халкининг аждодлари купрок аралашгандир. Бунга боис туркийзабон узбекларнинг Марказий Осиё форзийзабон халклари орасида бирмунча нуфузи ва микдори катталиги ва Марказий Осиё халклари орасида давлатчилиги узок тарихи давомининг катта даврларида шу халк вакиллари купрок етакчилик килганидадир. Яна шуни таъкидлаш керакки, айрим эронзабон гурухлар туркийлашганда айнан узбек туркийзабонини кабул килганлиги боис, узбек тили Марказий Осиёдаги бошка туркийзабонларга караганда анча эртарок, бундан минг йиллар буроун ёзма адабий тил даражасига эришганлиги, Марказий Осиё ижтимоий давлатчилиги вазиятидан келиб чикиб, бу тил нуфузи форсий забон билан гох тенглашиб, гох устун булиб, гох куйи булиб турганлигидир. Яссавий «Хикмат» лари , Хоразмий достонлари, рабгузий киссалари, узбек тилининг X-XI асрлардаёк гузал ёзма адабий тили булгунча кадар Марказий Осиё минтакасида катта нуфузда кенг тасарруфидаги тил сифатида шаклланиб улгурган эди дейиш мумкин.

Биз кадимдан ана шундай катта тарихга, катта маданиятга, катта адабиёт ва тил маданиятига эришган халк эканмиз, энди худди ушандай катта санъат ва мусика тарихига хам эга эканлигимизни текшириб курайлик.

Халкимизнинг мусика маданияти унинг узи кадар кадимий ва катта тарихига эга, бутун-бутун созандалар ва хонандалар авлодларининг фаолиятларида мукаммаллашган ва карор топган халк хамда огзаки анъанадаги катта мутахассислашган мусика санъати бу хакида гувохлик беради. Марказий Осиёнинг кок марказида жойлашган Узбекистонимиз худуди кадимдан инсониятнинг катта маданияти яратилган цивилизациясининг маркази булган.

Янги-янги археологик маълумотлар, аждодларимизнинг катта ва бетакрор поэтик ижодининг махсули булган бадиий асарлар ва миниатуралар, урта сарларда аждодларимиз ёзиб колдирган бекиёз илмий мерослар-рисолалар, тарактатлари узбек халки мусика маданиятининг шаклланиш жараёнлари хакида тулик тасаввур бериши мумкин. Кадимги аждодларимиз мусика сарчашмалари улар билан бир худудда аралаш ёки ёнма-ён яращган бошка халклар мусика маданияти билан боглик холда ривожланган.

Бу айникса узбек ва тожик халки мусикасининг жуда куп муштараклик жихатларида куринади.

Айникса Хуросон ва Мовароуннахрда яшаган туркий ва форсий кавмларнинг мусикаси X-XI асрларгача бир бутунликни ташкил килган, кейинчалик бу ерда яратилган улкан мусика мероси узбек ва тожик халклари мусикасига асос булган.

Марказий Осиё халклари хаётида тарихий чегараланиш жараёни бизнинг эрамизгача булган биринчи минг йилликда бошланган бу халклар–утрок сугдийлар, бактрияликлар, хоразмликлар ва кучманчи саклар ва массагетлар эди. Улар хакидаги маълумотлар Зардуштнинг юбуюк китоби «Овесто» да хам сакланиб колган. Бизнинг аждодларимизнинг мусика санъати шаклланиши хам ана уша даврларга тугри келади. Уругчилик жамиятининг емирилиши ва синфий жамиятга утиш, Бактрия, Сугдиёна ва Хоразмда давлатларнинг пайдо булиши, ахмонийларнинг харбий-маъмурий жихатдан бирлашувлари, Искандар Зулкарнайн давлати, Грек-Бактрия подшолгининг вужудга келиши эрамиздан олдинги VII асрдан то эрамизнинг IV асригача булган жуда катта тарихий даврни уз ичига олади. Бу давр эпик характерли мифологик кахрамонлар устун булган кадимги мусикали поэтик ижоднинг юзага келиши билан машхурдир. Марказий Осиёда яратилган " Овесто" нинг гувохлик беришича, худоларга сигиниш билан боглик булган турли маросимларда хам кушик айтилган. " Овесто"нинг гимнлари-яшталарнинг узи хам речитатив тарзда ижро этилган. Гимнлар хор айтилиши мумкин банд ва такрорланувчи накоратли ярим насрий, ярим вазнли ривоятлардан иборат булган. Худоларга сигиниш билан боглик маросимларда мукаддас олв атрофида кушик айтилган, ракс тушилган. "Овесто" да кайд килинган бу маросимлар аждодларимизнинг ибтидоий-антик мусикаси шакллари эди, кейинчалик аждодларимизнинг яшаган майдонларни А.Македонский босиб олди, ундан кейин Марказий Осиё Грек-Бактрия подшолиги вужудга келган. Эрамизнинг бошларидан IV

асрларгача бу худудлардан кушон империяси гуллаб яшнади.Шуни таъкидлаш керакки, Кушонлар зарб килган купдан-куп тангалардаги битиклар кадимги турк тилида битилганлиги курсатаяпди бу империя кадимги турк империяларидан бири эканлигини тулик исботланса ажаб эмас. Мана шу даврларда, Марказий Осиё худудида махаллий мусика шакллари билан Юнон мусика шакллари хам аралащди. Буни Термизнинг Айритомдан топилган чолгучилар туширилган сапол приз хам исботлайди. Бу ерда чолгучи кулидаги мусика асбоби грек халкига таалуклидир. Кушон империяси ва ундан кейинги исломгача булган даврда Марказий Осий Турк хоконликлари ва Ахмонийлар таъсири кучли булди.Бу даврларда туркийзабон ва форсийзабон халкларнинг узаро арралашишлари янада кучайди. Буларнинг мусика маданияти хам бир узонда окди ва ривожланди.

Марказий Осиё машхур булган ва кейинчалик Шарк адабиётида хам афсонавий мусикачи сифатидан тасвирланган Барбау Марвазий VI асрнинг охирларида Марв шахрида дунёга келгди. У уз даврнинг йирик созандачиси ва хонандачиси эди. У VII асрнинг бошларида Эро сосоний шохларлан булган Хисрав Парвиз саройида яшади. Тарихчилар берган хабарларга кура Барбад жуда куп мадхиялар, тарихий кушиклар, харбий кушиклар ижод килган. Буюк Низомий узининг "Хисрав ва Ширин" достонида Барбад мусикаси уз замонасида хаммани хайратлантиргани гапиради.

Дунё халклари ичида туркий халклар энг куп достон бор халклар жумласига киради. Бу халккларнинг энг кадимги достони "Кадимги ота китоби" достонга антик даврларнинг буюк ёдгорлигидир. Кейинчалик бу халкларнинг жумладан узбек халкининг жуда куп буюк достонлари яратилди Бу достонлар мусика журлигида ижро килинар эдиким, бу хам илк мусикамиз шаклланишимиз бир кирраси эди.

VIII-XIV асрларда бугунги миллий мусикамизнинг юксалишига асос булган мусиканинг буюк кутарилишлар даври булди. Бу даврларда факатгина Марказий Осиё эмас бутун дунё мусика маданиятида катта из колдирган улкан мусикашунослар Абу Наср Мухаммад Узлук-Тархон Фаробий улкан мусикашунос ва буюк бастакор Саиуддин Ал-Урмавий, ва Хожа Абулкодир Марвазийлар дунёга келищди ва ижод килдилар. Буларнинг ёзиб колдирган рисолаларни тадкик килар эканмиз. Халкимизнинг илк мусика санъатининг шаклланиш йуллари бизга тобора ойдинрок намоён була боради. 873 йилда форобда тугилиб 950 йилда Дамашкда вафот этган шу бобомиз мусика назарияси ва амалиятидан бир неча кулланма китоблар ёзиб колдирган. Ана шу улуг китоблар хам бизнинг мусикамиз шаклланиши таракиёт жараёнлари тугрисида кимматли манбалар хисобланади.

Форобий бобомиз уз асарларини уз даврининг илмий тили булган араб тилида битган булса хам узбекларнинг этник гурухи булган Узлук ва Тархон уругларидан эканлигини ва шу уруглар номини узига нисба килиб, яъни тахаллусига кушиб айтиши билан хам кадрлидир. Форобийнинг «Китоб ал-мусика ал-Кабир» яъни « Улуг мусика китоб» ва унинг асосий мехнати синган «Китоб фи-ихсо ал-улум ва аттариф» яъни «Фанларнинг синфлаштириш

китоби» да мусиканинг узига хос хусусиятларини кенг ва чукур ёритилади.Бу нодир асарлар кейинги авлод олимларига мусиканинг ва унинг шаклланиш тарихининг янги-янги кирраларини очишига мухим калит вазифасини мукаммал намуналар буларок ун саккиз маком борлигини ёзиб кетади. Форобийдан кейинрок бу макомлар янада мукаммаллашиб ва яхлит йирик туркумларга айланиб то XVIII асргача ун икки маком тарзида яшаб келди.

Урта асрларнинг яна бир мусика бастакори Сафиуддин Ал-Урмавий эди. у киши хам туркийлардан булиб 1215 йилда тугилиб 1294 йилда Богдодда оламдан утган. Бу киши Шаркда биринчи булиб мусика ёзувини кашф этган санъаткордир. Ундан «Мусика ва усул доиралари» трактати хамда «Мухайяри Хусайний» макомининг у кашф этган шарк нота ёзувидаги нусхаси мерос колган.

Айникса Амир Темур ва унинг угиллари саройида яшаган буюк мусика назариятчиси ва бастакор Хожа Абулкодир ижоди бизга узбек мусика санъатининг келиб чикиш тарихи ва ривож йуллари хакида мухим маълумотлар беради. Хожа Абулкодирнинг тугилган йили хакида аник маълумотлар йук, 1434-35 йилларда Хиротда вабодан вафот этганлиги аник.

Хожа Абулкодирдан «Жамъул алхон» ва «шарху-л адвор» номли кимматли рисолалар колган. Буларни «Кукйлар мажмуи» ва «Доиралар шархи» деб угириш мумкин. Бастакор Абулкодир узи яшаган даврдаги куйидаги макомларнинг борлигини ва уларнинг ижро йуллари ва усулларини хам бахоли кудрат курсатиб кетади. Бу маколлар –Рост, Исфахон, Ирок, Зарафканд, Бузрук, Хижоз,Буслик, Ушшок, Хусайний, Зангула, На во, Раховийлардир.Бундан ташкари Абулкодир бу китобларида бизнинг аждодларимиз булган кадимги турк мусикаси хакида катта туркий макомлар хусусида хам кимматли маълумотлар беради. Биз бу сузларимизнинг ишончли булиши учун турк мусикашуноши Рауф Яктобекнинг XIV асрда яратилган Абулкодирнинг уша китобидан келтирилган иктибосини берамиз. «Нагмаларнинг таъсири борасида мундан бурун Ушшок, Наво-ву Бурслик туркларнинг мижозига мувофик деб айтиб эрдик, нечаким аларнинг таъсири шижоатни кучайтиргани учун турклар ушбу уч доирада куйлардурлар. Чолгудан чикарганларини «куглар» дерлар ва бугиздан куйлаганларни «йирдула» хам дерлар. Хитой ахли кошида куглар йил кунларининг сони билан баробар уч юз олтмиштадирким, кунда бир кугни хокон мажлисда арз этибдурлар.

Аларнинг кошида асли улугроги туккиз кугдир. Аларнинг исмлари будур: Улуг куг, Аслончоп, Кутатку, Бурс, Куладу, Бурс таргай, Жантой, Хантой, Шандок,

Бу кугларнинг аксари мухаммас даврида буладир ва баъзан рамал даврида хам буладир. Аларни туркий-у мугилий абаёт хам дерлар. Аммо Ирок турклари муътадилга куп мойилдирлар ва бу андок куйламок йулидурким, Навода ё Ушшокда ё сегохда Ирок узра куйлайдур ва они форсий-у туркий абаёт хам дерлар…»

Хожа Абулкодирдан келтирилган бу иктибосдан куриниб турибдики, уша ХIУ асрдаёк турк маком йуллари икки йунилишда ривожланиб борган. Бу Гарбий турк ижро йуналиши ва Шаркий турк ижро йуналиши. Яна бундан шу нарса маълумки, уша XIV асрда соф туркийча туккизта маком борлиги маълум булади. Шаркий турк хоконлари доимий равишда Хитой хоконликлари билан алокада, халклари эса аралаш яшаб келганликлари сабабли уларнинг мусикаси ва маком йулларида хам Хитой халклари оханглари муштараклигини курамиз, буни хозирги Шаркий Туркистон яъни уйгурларнинг мусикасида хам кузатиш мумкин.

Гарбий турклар мусикаси эса форс ва араб мусикаси билан узаро муносабатда ривожланаётганлигини юкоридаги иктибосдан билиб олса булади. Хожа Абулкодир замонидан то XVII асргача Марказий Осиё халкларининг макомлари бир-бирини тулдириб, Улуг аждодларимиз, мумтоз хофизларимиз мана шундай улкан мусика меросимизни хам
асраб-авайлаб бизнинг давримизга етказиб келдилар. Шундай килиб, мусикамиз тарихи халкимиз тарихининг бир кисми булиб, узок ва улуг йул босиб келмокда. **Темурийлар даври мутафаккирлари ижодида мусика.**

РЕЖА:

1. Амир Тимур,Шохрух Мирзо ва Улугбек Мирзолар даврида мусика устозлари ижоди.
2. Султон Хусайин Мирзо ва Амир Алишер Навоий даври мусикаси ва ракс санъти.
3. Захриддин Мухаммад Бобур мусика ва ракс санъати тадкикотчиси.
4. Умумий хулосалар.

Адабиётлар:

1. Миллий мафкура мамлакат тараккиётининг пойдевори.Каримов.И.А.
2. «Мутрибона оханглар»Санъат,1991.
3. «Турк мусикаси» А.Фитрат, «Ёшлик» 1991йил.

Биз аждодларимизнинг 2500 йиллик ёзма тарихига назар соладиган булсак жахон халклари орасида туркийлар нисбатан синмаган, бутун, моддий манавий ва маданий мувозанатини яхши саклаган халклар сарасига киради. Шимолий муз уммонидан Хиндистоннинг марказигача Камчатгадан Овропанинг киндигигача, Можористондан Сахрои Кабргача булган худудлар ота-боболаримизнинг кучиш, истеъло килиш, хокимият урнатиш майдонлари булган. Бу кенгликларда эрадан олдинги даврлардан якин асрларгача Хунлар, Кук-Турклар хоконликлари, Оврапа Хунлари. ОкХунлар, Хазар, Булгор, Уйгур. Угуз ва Карлук хонликлари, Итил Булгорлари ва Корахонийлар, Туркистон ва Урта шрк хамда Олтин Урда хонликлари, Темур ва Бобур империялари ташкил топган.

Бу унлаб хоконликлар, хонликлар, султонликлар, Империяларнинг уз тарихи, адабиёти, меъморчилиги, маданияти, маърифати, мусикаси инсониятнинг келгуси тараккиётида мухим ахмият касб этганлиги, бугунги

тараккиётнинг боскичлари эканлиги жуда куп тадкикотчилар томонидан урганилган ва урганилади.

Биз шу улкан туркий тарихнинг олтин сахифаларидан бири булган Темурийлар даври мутаффаккирлари ижодида мусиканинг урни канака булганлиги, умуман уша давр мусикаси ва мусикачалари хусусида кискача бахоли кудрат фикр юритишга уриниб курамиз.

Темурийлар даври XIV асрнинг иккинчи ярмидан XV асрнинг биринчи ун йиллигигача булган даврни уз ичига олади. Бу Темурийларнинг Марказий Осиё ва Хуросон, умуман Урта Шаркда хукмронлик килган 160 - йиллик тарихини камраб олади.

Бу худудда XVI аср бошларида темурийлар инкирозга учрагандан кейин XVI асрнинг иккинчи ун йиллигидан "кейин" бошлаб Темурнинг яна бир авлоди Буюк Бобурийларнинг Хиндистонда уч ярим асрлик хукмронлик даври бошланди.

Темур ва темурийлар даври жахон давлатчилигида, фанида, маданиятида, адабиётида, меъморчилигида, тасвирий санаътида вамусикасида бетокрор из колдирди ва у бу кунгача жахон олимларининг тадкикот майдони булиб келмокда. Маълумки, Темур истеъдодли кишиларни кадрлаган. Империяси, худудидаги ноёб хунарматларни, олиму санъаткорларни пойтахга таклиф килган. Темур даврида Самаркандда буюк мухандислар, етук олимлар, бетакрор бастакорлар истикомат килган. Темур даври мутаффакирларининг бир кисми бевосита Темурнинг уз авлодларидан булса, катта бир кисми бу хонадонга якин аслзодаларнинг авлодлари булишган, бир кисми эса бехудуд давлатнинг турли жойларидан келтирилган. Темур даврида баъзи манбаларда курсатилган маълумотларга кура урмиялик Сайфиддин Абдулмумин энг ёши улуг буюк бастакор Темур саройида яшаган. У Кашкарнинг Урмия шахридан келтирилган. У узи кашф этган охангларни ёзиш усули билан «Хусайний» деган куйни ёзиб колдирган ва у бизнинг кунларгача етиб келганлиги адабий манбаларда кайд этилган. XIX асрда " Танбур чизиги" деган охангларни ёзиш усулини яратган Комил Хоразмий мана шу Сайфиддин ал-Урмавийнинг оханг ёзиш усулини такомиллаштирган ыва фойдаланган булса эхтимол. Сайфиддин ал-Урмавий хакида бошка маълумотлар тополмадик.

Темур саройининг иккинчи бир буюк мусикашуноси марогалик Хужа Абдулкодир Нойидир.

Абул Кодир Нойи темурийлар даврининг йирик мусикашуноси мутафаккирларидан булиб, мусика хакида " Жамъул алхон" ва "Шархул-адвор" нрмлик китоблар ёзиб колдирган. У жуда куп умирин туркий султонлар саройида утказган. Амир Темур саройига келгунча Элхоний султонларидан Султон Увайс саройида яшаган. 1393 йилда Амир Темур Богдодни забт этганла Ирок хокими Султон Ахмад жалоирнинг хонадони, богдодлик кули гул усталар ва хунармандлар билан бирга Хужа Абдул Кодир хам Самаркандга кучирилган. Мазкур асарларини бастакор Самаркандда ёзган булиши хам мумкин.

Хожа Абдул кодир бу асарларида бизнинг адимги туркий мусикамиз хусусида кимматли маълумотлар колдирган. Турк олимлари Купирилизода ва хусусида кимматли маъхлумотлар колдирган. Турк олимлар  Купирилизода ва рауф Яктобекларнинг Хожа Абдул Кодир асарларидан олагн иктибосларига кура турк мусикасининг  бизда колган энг бурунги излари бахши, узон, кубуз, сузларида ифодаланади. Бахши сузи хозир хам думбира чалиб достон айтувчиларга нисбатан  ишлатилади. Шунингдек, урта аср уйгурларида бахши сузи котиб маъносида ишлатилган.

XIII аср Элхонийларнинг ёзма манбаларида илохиётдан фол очувчи кохинлар хам бахшилар дейилган. Худди шундай узбек кунгирот уругларида хозир хам тагдирдан фол очувчи кушночлар биахши дейилади. Демак, кадимги туркда кохин-бахши-шоир-мусикашунос бир илхом туфайли юзага чикадиган истеъдод санадиб " бахши " сузи билан ифодаланган. Чунончи, узон сузи хам угуз туркчасида айнан бахши дегани экан.

Хужа Абдул Кодирнинг ёзишича, кадимги туркларда уч усул доираси булиб, " кук" лар деб аталган. Кадимги турк хоконлари саройида эса кадимги хитойлар куйлар билан чатишиб кетган туккиз кугнинг 360 та тармок куйлари ижро килинар экан. Туккиз куг куйидагича номланган: Улуг куг, Арслончоп, Бурс, Куладу, Кудадгу, Бурстаргай, Жантой, Хантой, , Шандок. кадимги туркийлар чолгудан чикариладиганоханглар куглар, овоз билан айтиладиганини эса " йир" ва  "дула" дейишади.

Бу кугларнинг аксари Мухаммас даврида буладир ва баъзан рамал даврида хам буладир. Аларни туркийу мугилий абаёт хам дерлар. Аммо Ирок турклари, муътадилга купрок мойилдурлар ва бу андок куйлаок йулидирким, Навода ё Ушшокда ё Сегохда Ирок узра куйлайди узра куйлайди. Ва ани форсийу туркий  абаёт хам дерлар. Бу абаёт рамал бахрида булгай "Хожа Абдулкодирийнинг бу гапларидан куриниб турибдики, XIII асрдаёк кадимдан ёнма-ён" аралаш яшаяпди бир-бирига сингиб кета бошлаган экан.

Тархий манбаларга караганда Хожа Абдул Кодир 1399 йилда Амир Темурнинг угли Мироншох саройида  Табиризда пайдо булади. Бу даврда Мироншох давлат ишларини уз холига ташлаб куяди. Факат маишатга берилиб кунглига келган ишларни кила бошлайди. Хон авлодидан булган хотини Хонзодабегимни хаб бесабаб бир неча марта жазолайди. Хонзодабегим Султониядан тугри кайнотаси Амир Темур олдига Самаркандга келиб буиун вокеаларни сузлаб беради. Бундан Амир Темур каттик даргазаб булади ва Озарбайжонда узи тартиб урнатиш учун кушин тортади. Энг  дахшатлиси, Мироншохнинг маишатга доимий хизматга жалб килинган созандалар ва бастакорлардан бир гурухи Мавлоно Кухистоний, Кутбиддин Нойи, Хабиб Удий, гуянда Абдулмуминлар бегунох дорга тортилиб кетади.

Амир Темур " Етти йиллик юришлари даврида, яъни 1402 йилда Якин Шарк юришларида Хожа Абдул Кодир Амир Темур хузурига хузурига тутиб келтирилади".

Хожа Жахонгирни курганда чиройли овоз билан "Куръон" тиловат килишга тушади. Амир Темур ушанда "Хожа курканидан узини " Куръон" га урди-дейди ва уни афв этади.

Шохрух Мирзо ва Улугбеклар даврида хам бир гурух мусика иутафаккирлдари хизмат курсатди. Буларнинг бошида зур мусика билимдони ва ижрочиси булган Улугбек Мирзони узи турарди. Булар Дарвиш Ахмадий, Султон Ахмад Хисомий, Абдулвафо, балхлик Мавлоно Сохиб, шахрисабзлик Абулбарак, хиротлик Хужа Юсуф Бурхонлар булишган. Бу етук санъаткорлар Шохрух ва Улугбек Мирзо саройида яшашиб, мавлоно Лутфий, Годоий, Атоий, Саккокий, Саид Ахмад, Хорахмийларнинг утли газалларига мусикалар басталашиб, катта махорат билан узлари ижро килишган ва иктидорли ёшларни тарбия килганлар.

Мовароуннахрда Улугбек султон улдирилгандан кейин бу ерда узок вакт нотинчликлар хукм сурди. Хуросон мулкида эса Хусайний Байкаро тахтни эгаллаб, бекарор осойишталик урнатди. Навоий бошчилигида Темурийлар хукмрон булган барча худудларда яшаётган илм-фан ва санъат ахли алломаларига хайрихохлик курсатди. Шу боис жуда куп адабиёт, фан, санъат номаёндалари Хиротга-Хусайн Байкаро ва Амир Алишер Навоий мухитига жамланди. Бу мухитдаги хамма соханинг улуг зотларини санаси руйхат чузилиб кетади. Шу боисдан биз факат уларнинг мусика сохасига улкан хизмат килганларнигина санаб утамиз ва улардан хам айайримларининг мусикий фаолиятини шархлашга харакат киламиз.

Хусайний Байкаро хукмронлиги даврида мусика устозлари Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Саид Мухаммад Пахлавон, Хожа Дехдор, Устод Кулмухаммад Удий, Шайхи Нойи, Хусайн Удий, Камолиддин Биноий каби унлаб мусика билимдонларини, шоир ва олимлар фаолият курсатишди. Абдурахмон Жомий бевосита Навоий илтимосига кура уз даврига мос ва тушунарли килиб мусика рисоласи битди. Шунингдек, узи куйлар хам басталади. Мавлононинг " Накши Мулло" куйи уша замонларда хам машхурбулган экан. Бу куй бизнинг кунларгача хам етиб келган. Навоийнинг дусти ва шогирди Мавлоно Саид Мухаммад Пахлавон хам машхур созанда ва бастакор булиб, манбаларга кура " Рост" макомининг панжгох ашула йулларини у киши ижод килган деган тушунчалар бор.

Хазрат Навоий узлари хам замонасининг номдор бастакорлари булган Мир Алишернинг бастакорлиги хусусида уз замонасининг буюк билимдони, беназир Бобур Мирзонинг сузларини айнан келтирамиз: "Алишербек яна мусикага яхши ноъмалар боглабдур. Яхши накшлар, яхши пешравлар бордур. Ахли фалсафа ахли хунарга Алишербекга мураббий ва мукаввий маълум эмаским, харгиз пайдо булгай. Устоз Кулмухаммад, Шайх ной Хусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбияти ап таквияти била мунча тараккий ва шухрат килдилар".

Маълумки, Бобур Мирзо Хазрат Навоийни " куп ва хуп" ёзган устоз шоир сифатида эътироф этиб баъзан бадиятида айрим нуксонлар хам борлигини бемалол айтиб утган. Лекин Навоийнинг бастакорлигига юкорида берилган

бенуксон бахо-Навоийнинг накадар улкан бастакор ва бенуксон мусикий устоз булганлигини курсатади.

Навоий узининг " Мезон улавзон" рисоласида уша давр узбек мусикаси хусусида кимматли маълумотлар ёзиб колдиради. Уша пайтлар турки-узбек улусида "аргуштак" исмлик куй борлигини айтиб кетади. Яна куйидаги мисраларни келтириб:

*Ай хуснингга зароти жахон ичра тажалли*

*Мазхар сенга ашё,*

*Сен лутф била кавму макон ичида мавла*

*Олам сенга мавла*

Бу шеърий вазн араб ва форсийда йуклигини айтиб, бир туркий-узбекча машхур булган куйга мос келтирмок учун уша келтирмок учун уша замон шоирлари 14-бугинлик газалга яна 6 бугин кушиб, буни шеърий мустазод жанри деб атаётгани ёзади. Навоий бунда мусика вазнига шеър вазни мослаштирилган дейди. Шунингдек, хазрат Навоий даврида хам " киз кучириш", келин тушириш туйлар охирида "ёр-ёр" айтилишиини, аммо вазнига тугри келмаслиги айтади ва куйидаги шеърий мисолни келтиради:

*Кайси чаманда эсиб келди сабо ёр-ёр*
*Ким домидан тушди ут жоним ёр-ёр*

Бундан ташкари Навоий «гоятдан ташкари дилпазир ва рух афзо яна бир «турки» борлигини келтирадики, буни профессор Фитрат макомларининг кupларида кулланадиган «турк авжи» кисми булса керак-деб айтади. Шунингдек,Навоий кунгрот узонларнинг узмоги, узбекларнинг будай-будайи вазнга рост келмайди дейди. Бу дегани бахшиларнинг бахшиёнаси,уша давр узбек-туркчасидаги улан-айтишувларнинг вазнга рост келмаслигини айтмокда.

Энди Бобур Мирзо улкан бастакор» яхши накшлари ва яхши пешравлари бор» деб тан олган Навоийдан бизгача етиб келган куйлар борми деган савол тугилади.

Бундан биз профессор Фитратнинг талкинларига таянамиз.
Абдурауф Фитратнинг келтирилган далилига кура, хозирги машхур, «Кори наво» куйи олдинги асрларда халк орасида «Кадри Навоий», баъзи жойларда эса «Кари Навоий» шаклида аталган. XIX аср охири бизнинг асримизнинг бошларидан бу куй « Кори наво»булиб кетган деган фикрлар билдиради. Биз хам устоз Фитратга кушилгимиз келади.

Темурийлар даври мусикий устозлардан бири Хусайн Бойкаро саройида яшаган, хазрат Навоийнинг дусти ва шогирди Саид Мухаммад Пахлавон булган. Бу одам Султон Хусайннинг биринчи полвони булиши билан бирга, энг етук созандаси ва бастакори хам булган. Бу киши Бойкоро саройининг катта куштгирлик ва мусикашунослик мактабини бошкарган. Шунингдек, Навоий даврининг машхур шоирларидан бири Камолиддин Биноий хам мусика

етук алломаларидан бири булган ва рисолалар ёзганлиги, куйлар басталанганлиги купгина манбалар оркали бизгача етиб келган.

Юкоридагилардан куринадики, Форобийлар замонидан бошлаб «илми ийкоъ» билан «илмий аруз»-яъни мусика ритмикаси билан шеър ритмикаси ёки булмаса, мусика усули билан шеър вазни эгизак фанлар сифатида урганилиб келинган. Хар бир баркомол зиёли бу иккала фан назариясини ва амалиётини тенг узлаштириш харакат килишган.

Темурийлар даврининг яна бир буюк мусикашуноси, хазрат Навоийнинг кичик замондоши сузсиз бу Бобурдир. Бобур Навоийданда купрок мусикага оид хабарлар етказувчи кимматли «Мухтасар»каби рисолаларни ёзиб колдирган. Навоийда тилга олинган узбекча мусика атмаларга аникликлар киритиб тавсифлаб кетган
Бобур узининг

*Чархнинг мен курмаган жавру жафоси колдиму,*
*Хаста кунглим чекмаган дардубалоси колдиму.*

газали уша даврнинг «Тархоний»деган бир куйи билан айтилиб туркий улусда жуда машхур эканлигини айтади хамда шу куйнинг «таксими бир даврда, аёлгуси бир даврда»дейди. Бу ерда Бобур Мирзо айтаётган мусика оид «таксим» ва «ёлгу» сузларининг маъноси нима экан? «Давр» мусикий ататма сифатида фанга IX асрда кириб келди. У дастлаб Ал-Киндий, Ал-Форобий, Ибн Сино каби буюк алломалар асарларида мустахкам мусикий ататма сифатида яшай бошлади. «Давр» улар асарларида мусиканинг улчам ритмик доиралари, ритмик шакллар сифатида, кейинрок эса «давр» ёки унинг куплиги «адвор» муисканинг умумий жами конун-коидалари тизими маъноларида ишлатила бошлади. Хазрат Навоий хам «адвор» ни мусика оид фан эканлигини шундай ифодалайди.

*Илми адвору фанни мусикий,*
*Мендин ул илм булди тахкикий.*

«Таксим»сузи хозирги Туркияда ва шунингдек, бир канча араб мамлакатларида хозир хам мусика ататмаси сифатида ишлатилади. Араб мусикашунослари «таксим»-чолгу импрвизация жанри булиб, туркий халклар муиска санъатидан арабларга утган деб тушинтиришидан. Демак, бизнинг боболаримиз ижод килган чолгу ижро-топкирлик-яъни импровизация жанри-«тасим» номибилан Туркия ва Якин Шарк мамлакатларида мусика атамаси сифатида хамон яшаяпти.

«Аёлгу» эса ижронинг айтим йулидир. Бояги «Тархоний» куйининг чолгу кисми- яъни бошланиши ва ораларидаги чолгу паузалар билан ашула-айтим кисми усули фарк борким, Бобур «таксим» билан «аёлгу»си бошка-бошка даврда деяпти. Навоий хам «аёлгу»хусусида шундай дейди:
*Аёлгуинг неча ёр-ёр улгуси,*
*Менинг йигларим зор-зор улгуси.*

Энди диккатга сазовари шуки, Бобурнинг уша «Тархоний»куйига солиб ижро килинган газали хозир хам «Рост» макомининг «Кашкарчаи савти камолон»шуъбаси булиб ижро килинади. Лекин бунда мусика усули билан суз айтиш усулида фарк йук. Демак, уша пайтдаги «Тархоний» куйи билан «Кашкарчаи савти калон» бошка-бошка куйлардир.

Шунингдек, Бобур Мирзо «оргуштак» мусикий атамаси хусусида хам бизга аник маълумотлар беради. У ёзади: «Султон Хусайн Мирзо замонида яна бир суруд чиктиким, туркийга ук мавсум булди, анга даги ушбу вазнни таксим килурлар, ул даги икки даврда бошланибдур:

*Келгил эй оромижон,неча тортай инртизор,*
*Килди хажринг нотавон килди шавкинг бекарор.*

Бу вазн турк орасида «кушикка мавсум. Оргуштак битарда бу вазн таксим килурлар». Демак Бобурнинг курсатишича аргуштак-ашула-ракс жанридир. У хозирги фольклорэтнографик-ашула-ракс дасталарининг ижро услубларининг узгинасидир.

Хазрат Навоий хам «аргуштак» кандай мусикий тушинча эканлигини куйидаги мисраларда аниклаштириб куйган:

*Хуш улки,базмда ойлар тепарда аргуштак,*
*Шох анда танбур чалиб, навоий деса кушик.*

Демак, «аргуштак» созлар ва хофизлар журлигида ижро килинадиган шух якка ва жамоа булиб ижро килинадиган раксдир.

Сузнинг мухтасар киладиган булсак, Темурийлар даврида, Темурийларнинг узидан ва улар бошкарган худудлардан буюк мутафаккирлар етишиб чикди. Улар фан, маданият, адабиёт,меъморчилик,мусика,тасвирий санъат сохасида килган ва колдирган бебахо мерослари билан инсон шанини яна юксакликларга кутардилар. Улар бугун хам, келажакда хам бутун илгор инсониятнинг ва меросхур авлодларнинг гурури булиб, мангуликка дахлдор булиб колаверадилар.

## УЗБЕК ХАЛК МУСИКАСИНИНГ КЕЙИНГИ ТАРАККИЁТ ЙУЛЛАРИ.

Мусика илмидан мукаммал билим бериш, кадим-кадим замонлардан яъни эрамиздан олдин кадимги шарк мамлакатларида бошланган. Хитой, Хиндистон ва Юнонистон каби мамлакатлардамилоддан олдин хам профессионал мусика мактаблари мавжуд булган. Урта асрларга келиб Орапонинг турли жойларида хам мусика билимгохлари вужудга кела бошлади. Бу билимгохлар католик черковларига хизмат киладиган хор ва машшокларнинг профессионал мактаблари эди.

Халк мусика санъатининг ривожланиши, халктеатр ва оркестрларининг купайиши муносабати билан дунёвий мусика таълими кенгайди, турли мусика мактаблари, мусика-чалгувчилар устахоналари ташкил топди. XVII-асрга келиб Гарбий Овропа мамлакатлари, жумладан, Италия Франция каби мамлакатларда олий мусика билимгохлари кансерваториялар очилди.

XVIII асрдан бошлаб эса Россияда хам мусика билимгохлари ташкил топа бошлади.1862 йилда Петербургда, 1866 йилда эса Масквада консерваториялар очилди. Бу олий мусика даргохларида рус ва жахон мусика маъданиятининг улуг арбоблари Чайковский, Римский-Корсоков, Шостокович ва бошкалар этишиб чикди.

XIX-XX асрларда Россия мустамлакаси булган халклар мусикаси хам рус мусикаси тасирида булади. Инкилобдан сунг Российда мусика таълимининг куйдаги давлат тузими борпо этилди. 7 йиллик бошлангич мусика мактаблари, урта малумотли мусикачи кадрлар тайёрлайдиган 4 йиллик мусика билим юрилар, олий илмгохлар кошида 11 йиллик масус мусика мактаблари, олий укув юртлари- консерваториялар ва улар хузурида аспирантуралар.

Бошлангич мусика мактабларининг массади болаларда мусикага хафас уйготиш, уларни бирор чалгу асбобида чалишга ургатиш, мусика назариясидан дастлабки билим биришдан иборат. Кобилятли укувчилар мусика билим юртларига кириб мусика малумотларини давом эттирадилар. Олий укув юртлари хузуридаги урта махсус мусика мактабларида мусикага ута кобилиятли болалар укийди.

Мусика билим юртини тугатган истеъдодли укувчилар конкурс оркали олий илмгохларга кабул килинади. Мусика олий укув юртлари мусика таълимининг барча ихтисослари буйича олий малумотли мутахассислар тайёрлайди.

Шунингдек, мамлакатимизда турли умумий таълим мусика мактаблари болалар филормониялари, хор студиялари, халк университетлари кулублари ва улар хузуридаги хилма-хил бадиий коллективлар халкимизни мусикий эстетик тарбиялашда хизмат килади.

Узбекистонда мусика таълими тарихий тараккиётига бир назар соладиган булсак, кадимги цивилизациянинг бешикларидан бири булган урта осиёнинг юраги булмиш Узбекистонда бошка барча фанлардек мусика санъати хам кадимдан ривожланган. Буни аждотлардан бизга мерос булиб колган улкан мусика меросимиз тасдиклайди. Халкимизнинг мусика санъати ёдгорликлари то бизнинг кунларгача мукаммал етиб келишида халкимизнинг мукаддас анъаналари кул келган. Бу анъана, бирор соханинг мутахассиси булган киши уша сохани мукаммал эгаллаши ва узи хам уни бойитиш, кийинчалик уни уз фарзадлари хамда шогитларига мукаммал ургатиши яъни уни ишончли кулларга топшириб кетиши анъанаси булган. Нота ёзувини билмаган ота - боболаримиз ана шундай йул билан уз мусика санъатларини келажак учун асраб-авайлаганлар. Узбек халкининг асрдан- асрга, авлоддан-авлродга утиб, ривожланиб келган улуг санъат мероси ашула-кушик ижрочилик йуллари, чолгу ижрочилик йуллари, халк огзаки кушик-достончилик йуллари, халк ривоятчилик ва эртакчилик йуллари кирган.

Бундан ташкари юксак куръон кроатхонлиги, етук азончилик ва бадиха маддохликлар хам санъатнинг ажралмас кисмлари хисобланади.

Кадимги Узбекистон шахарларида санъаткорлар ихтиёрий гурухларга уюшиб фаолият курсатишган. Баъзи катта шахарларда бундай гурухлар бир нечта булган. Бу гурухлар факат хонанда ва созандалардан иборат булмай,

балки уларнинг орасида кизикчилар ва кугирчокбозла хам булишган. Иборатли тамони шундаки, бу гурухлар санъатнинг турли жанрлари буйича узаро мусобака олиб боришган ва бир-бирларини рагбатлантириб, бойитиб боришган. Бу гурухларнинг бошида элу юртга танилган устоз санъаткорлар турган. Айникса бу гурухлар узаро уюштириб турадиган макомхонлик куриклари юксакмахорат мактаби вазифасини утган. Бунда маълум бир гурух куннинг маълум бир соатигача макомнинг маълум бир кисмини ижро этган, навбатдаги гурух эса улар тухтаган жойдан давом эттириб кетаверган,шундай,килиб, макомхонлик бир неча кунлаб давом этган.

Кадимги узбек санъаткорлари уз санъатини чойхоналарда, майдонларда дорбозлик уйинларида, халк сайилларида номойиш килган. Бундан ташкари шохлар ва амирлар саройларида хам энг сара мусикачилар хизмат килишган.

Улар замонасининг етук шоирлари томонидан яратилган сара шеърларга куйлар бастаганлар ва ижро килганлар Кадимда ижрочилик мохоратининг чуккисига чиккан узбек санъаткорлари уз санъат мактабларини яратишга харакат килишган,бунинг учун улар халк орасида энг истеъдодли угил болаларни танлаб олиб якка тартибда уз махоратларини ургатишган. Бундай шогирдлар бир иккитадан ошмаган, улар 10-15 йиллаб уз устозларидан ажралмай улар махоратининг ипидан игнасигача урганишган. Шундай килиб, бу устоз шогирдликнинг анъанавий занжири авлоддан-авлодга утиб, уланиб келоверган. Шунинг учун узбек мокомчилигининг Тошкент – Фаргона, Хоразм, Бухора йуллари хам, узбек достончилигининг Самаркад, Сурхондарё – Кашкадорё йуллари хам, кушикчилик ва чалгучиликнинг Фаргона-Тошкент, Хоразм, Бухора – Самаркад йуллари хам омон эсон бизнинг кунларгача етиб келган.

Мусика илми алломалари IX асрдан бошлаб бу фан сохаси хакидаги уз илмий карашларини ва мулохозаларини катта трактатлар ва рисолиларда ёзиб колдиришлар. Мусика илмий назарияси ва амалётининг илк бош китобларини яратган олимларнинг бошида бобоколонимиз Мухаммад Фаробий турадилар. Фаробийнинг «Китоб ал-мусика ал Кабр » яъни «Улуг мусика китоби», «Китоб фи – л мусика» яъна «Мусика хакида китоб» ва нихоят унинг асостий мехнати синган «Китоб фиксо-ал улум ва аттаъриф» яъни «Фанларни синфлаштириш китоби»да мусиканинг узига хос хусусиятлари кенг ва чукур ёритилади. Бу нодир асарлар кийинги авлод олимларининг мусиканинг янги – янги кирраларини тадкик килиши учун калит вазифасини утаган. Бундан ташкари, Амир Темур хузурида яшаган машхур мусикачи ва бастакор Абдулкодир Марогий хам мусика хакида катта трактат ёзиб колдирган. Урта Осиёнинг машхур шоирлари Абдурахмон Жомий ва алишер Навоийнинг хам мусика рисолалари мусиа илми дурдоналаридан хисобланади.

## Бошлангич мусика таълими принциплари, максад ва вазифалари тавсифи.

РЕЖА:

1. Мактабларда мусика укитилишининг максади.
2. Мусика дарсларининг асосий кисмлари.
3. Мусиканинг ифода воситалари.
4. умумий хулосалар.

Адабиётлар:


1. «Буюк келажак сари»Каримов И.А.Тошкент.
2. Бошлангич синфлар учун чикарилган мусика дарсликлари.
3. Узбекистон энциклопедияси.7 – том.1976 йил Тошкент.


Мусика умумий таълим мактабларида уквчиларга гумастик тарбия сифатида, хусусан эстетик тарбия беришнинг ажралмас кисми сифатида укитилади. Мусика бевосита хис-туйгуларга каратилганлиги туфайли болаларни асарда ифодаланган кечинмалар ва фикрлар доирасига фоал равишда жалб килади. Мана шунинг учун хам мусика бир вактда минглаб кишилар билан хис-туйгулар тилида инсонининг калб тилида сузлашиш имкониятига эга.

Мусика уз табиятига кура, кишилар хаёти уларнинг уз-узларига, турли вокеликка буладиган муносабатини ва бошка ички кечинмаларини хилма-хил товушлар буёклари оркали, бадиий образлар оркали тасвирлайди. Мусика инсон хиссиётига кучли таъсир эта олиш хусуссияти билан тарбиялашнинг мухим воситасидир.

Умумий таълим мактабларида, жумладан, бошщлангич синфларда мусика куйидаги вазифаларни амалга оширишни максад килиб олади:

1.Укувчиларда мусикага ихлос уйготиш, уларнинг мусикавий кобилияти ритм туйгусини, мусикавий укувини, диккати, тасаввурини ва хотирасини | бадиий дидини | устириш..

2.Уквчиларнинг маънавий киёфасини такомиллаштириш, товушлардаги, табиятдаги, кишилар муомуласидаги гузалликни кура олиш, хис этиш ва узлаштирд олишга ургатиш Она – Ватанга мухаббат, фукоралик маъсулиятини хис килиш, жамиятга фойда келтириш иштиёк, фарзандлик, укувчилик ва жамоатчилик олдидаги бурчни англаш, дустлик ва уртоклик ва байналмилчилик туйгуларни хис этиш, хаётда фаол уринда туриш каби олий хисларни, ахлокий тушунчаларни сингдириш. Дидсизлик, хунуклик,гоясизлик, тубанлик ва бошка салбий хислатларга нисбатан хаётга муросасиз булишни тарбялаш.

3. Укувчиларнинг бадиий ижодкорлар кобилиятини устириш. Гузалликни хаётга, укиш, мехнат ва хатти-харакатларга олиб кириш. Уз-узига атрофдаги барча нарсаларга гузалликга кирита олиш..

Бошлангич синфларда махсус олий ва урта мусика маълумотли мутахасислар билан бир катордаю бошланг8ич синф укитувчилари хам мусика дарсларин мутахасислар олб боришлиги кутарилган булсада, мусика укитувчилари етарли эмаслиги сабабли буни амалга ошириш имконияти

булмаяпди. Шунинг учун институтларнинг бошлангич таълим методикаси булимларида мусика таълимини жиддий йулга куйиш, мусика мутахасислари етарли булмаган мактабларнинг ишлаётган бошлаётган синф укитувчиларини малака ошириш курсларида кайта тайёрлаш зарур.Шунингдек мусикадан махсус билими булмаган бошлангич синф укитувчилари мусика мутахасислари билан хамкорликда бемаслахат иш олиб боришлари максадга мувофикдир.
Маълумки мусика дарслари куйидаги асосий кисмларни уз ичига олади.

1. Ашула ва хор ижро этиш.
2. Мусика саводига ургатиш
3. Мусика танглаш.

Бу учала кисм узаро чамбарчас богланган булиб, уларнинг муштараклиги дарснинг тулаконли сифатини белгилайди. Дарснинг бу кисмиларнингхар бирини кулланманинг кейинги бобида алохида методик тахлил килиниши лозимлиги учун бу ерда уларга кискача, умумий тарзда тухталамиз.

1.Ашула – хор ижрочилиги мусика дарсининг асоси сифатида бевосита укувчиларнинг фаол иштироки билан амалга ошириш билан хам узига хосдир. Куйлаш жараёни мураккаб психологик-физиологик холатларда кечади.Бунда укувчилар олий нерв фаолияти тезлашади. Миянинг остки ижобий завк-шавк марказлари ишга тушади. Болаларда юксак бир бадиий кутаринкилик кайфияти пайдо булади. Шунингдек, овоз хосил килиш аъзолари: бугиз товуш пайчалари, нафас, жаглар ва лабларнинг умумий куйлаш куникмаларни мукаммаллашиб боради.

Кушиклардан тарбиявий фойдаланиш хар бир синф укувчиларнинг ёши ва мусикавий кобилияти ва овоз имкониятини хисобга олган холда мавзуси ва тавсифи жихатидан турлича булган асарларни танлаш тавсия килинади. Урганиш учун мулжалланган кушиклар репертуаридан Она –ватанга, унинг табиати, жониворлари, халкимизнинг мехнати ва хаёти билан богланган турли байрамлар, фаслл кушиклар хтлма-хил жанрлардаарга, ахлок-одоб мавзуига кенг урин берилиши керак.

Танланган кушиклар хилма-хил жанрларда булиб, лирик кушиклар, хазил мутоиба тарзидаги кушиклар, болалар халк кушиклари, болалар уйинларини уйнаш учун мос келадиган кушиклар, маршлар ва вальслардан иборат булиши керак.

Шунингдек , ашула–хор ижрочилигида кардош жумхуриятлар композиторларининг рус ва чет эл классик композиторларининг асарлари, дунё халкларнинг кушикларидан намуналари хам ургатилади. Ургатиладиган кушикларнинг гоявий-ахлокий ва эстетик мазмуни укувчиларга яхширок сингдириш учун темага хос кириш, этик сухбатлар, савол-жавоблар, иводали укиш, расмлар тахлил килиш, дафтарга, темага хос расмлар чизиб келиш, эски газета ва журналлардан расмлар кесиб ёпиштирш каби усуллардан кенг фойдаланиш тавсия килинади.

Мусика асарлари ижро давомида бепоён вактнинг маълум бир булагига яшайди ва шу вактнинг давомийлиги туфайли инсоннинг ички дунёсини, хис

туйгуларнин ва фикрларини ривожлантиришда ифодалаб беради, инсоннинг хаёжонли холатининг энг нозик узгаришларини изхор этиди.

Том маънодаги сехрли мусика тилни тушунмок учун унинг воситаларидан, оддий коидалардан саводхон булиши керак.

Хуш, мусиканинг ифода воситаларидан нималардан иборат, овоз ёрдамида инсоннинг бутун ички дунёсини ифодалай оладиган мусика тили нима?

Мусиканинг асосий ифода воситаларидан бири – мелодиядир. Мелодия грекча суз булиб, кушикни куйлаш демакдир. Мелодия узбекча маком сузимизга тугри келади ва бундан кейин уни маком деб юритамиз. Маком шодлик ва мангуликни ифода этиш имкониятлари бенихоя катта. Улуг рус композитори В.Рахманинов, маком мусиканинг бош асоси, макомнинг узи мусикадир деб айтган эди. Маком овозлар воситасида образли фикрюритишдир..

Макомнинг узи ритмсиз ундан ташкари булиши мумкин эмас, ритм овозларнинг вакт, замонда ташкил топишидир. Мусика ритмлари алохида ташкил топувчанлиги ва ифодалиги билан фарк килиб туради. Ритм аниклиги бир меъёрда такрорланиб турадиган тактлар, бир зайлда куйлаш ва харакат килишни осонлаштирибгина колмай, биалки, халкка куч гайрат, ирода бахш этадиган восита хамдир. Мусикани чукур тушунмок учун унинг барча ифода востиларини, назариясини, нота-ёзув системасини изчил урганиб бориш керак.

1.Мусиканинг бадиий таъсир бойлиги кишишни онгини бенихоя хаяжонлантиради, мусика образларининг ривожланиши кузатиб боришга, рухий кечирилган вокеалар устида уйлашга мажбур этади.

Шунинг учун укувчиларни хакикий, реалистик мусика асарларини севиш ва уни махсус тинглашга тайёрлаш керак. Чинаккам мусикада унинг бутун ифода воситалри ишга солинади. Мусика тилнинг барча бойликларидан фойдаланилади.

Мудомики мусика узининг ижро ривожланиш жараёнида тараккий килар экан, у холда мусикани чукур хис кила билмок учун мусикани тинглашни урганиш керак. Мусикани тинглашдан чикарлган гоявий хулосалар китобларда хосил булган хулосалардек очик ва аник балма-сада, лекин куп мусика асарлари гоявий мазмунининг кучи готда буюкдир.

XX асрнинг буюк композитори Д. Шестокович мусика тарбиясининг жуда катта ахамияти хакида гапириб, йигит ва кизларга мурожаат килиб бундай деган эди: - " Буюк мусика санъатини севинг ва урганиг". Бу санъат сизга бутун бир юксак туйгулар, завк-хаваслар, гоялар олмини очиб беради.У сизни маънавий жихатидан бойрок, софрок ва баркамолрок килади, мусика туфайли сиз узингизда янги, илгари сизга сезилмаган кучлар топасиз. Сиз хаётни янги ранг ва буёкларда курасиз. Мусика сизни жамиятимизнинг мудоаси булган энг баркамол инсон идеалига якинлаштирилади.

**Бошлангич ашула ва хор мусика таълими.**

РЕЖА:

1. Ашула хор мусика таълими хакида умумий тушунчалар.
2. Куйлаш куникмалари ва куйлаш холати йуриклари.
3. Нафаснинг турлари ва унинг холати йуриклари.
4. Товуш хосил килиш.
5. Дикция.
6. Хор хакида умумий тушунчалар.
7. Ансамбль нима?
8. Бир ва икки овозли куйлаш.
9. Акапелла нима?

Адабиётлар:


1. «Бошлангич мактабда куп овозли куйлаш».Р.Г.Кодиров.1997 йил. Тошкент.


Умумтаълим мактабларида бошлангич мусика таълими асосини ашула хор ижрочилиги ташкил килади. Мусикали бадиий образлар оркали жонли ижодий мулокот билан ашула хор ижрочилигининг урни алохидадир. Укувчиларнинг ижодий фаоллигини оширишда бошка биронта дарс формаси ашула-хор ижрочилигининг олдига тушолмайди. Мана шу узининг бадиий образли тарбиявий кучи билан ашула-хор таълими мактабнинг умумтарбиявий ишида уз мавкеига молик уринда туриш керак.Ва бунда тарбиявий ахамиятиюксак булган репертуар асарлар танлашга алохида эътибор бериш керак. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, ашула –хор ижрочилигининг баркамоллиги укувчиларнинг умумий мусика маданиятига, бадиий дидига, мусика эшитиш куникмаларига ва мусикий саводхонлигига боглик булади.

Бошлангич таълимнинг бу масалалари бевосита мусика адабиётини, мусика саводини хам ашула-хор ижрочилиги махоратини изчил урганиш билан ечилиб борилади.

Ашула–хор ижрочилиги маданиятига укувчилар куйлаш малакалари оркали эришадилар.

Ашула-хор ижрочилиги таълим ижрочилик санъати булгани учун хамуккитувчи уз олдига, укитувчилар тугри куйлаш малакасини шакллантиришни, махсус максад килиб куйиши лозим ва шуларнинг барчаси муштараклигига умумий мусика маданиятига эга булган баркамол шахсларни тарбиялаб бориши зарур.

Ашула –хор мусика таълимининг куйидаги ажралмас таркибларини хар бир мусика муаллими пухта булиши ва амалда тадбик этиши жойиздир:

**Куйлаш куникмалари устида ишлаш.**

Биринчи шуни кайд этиб утиш зарурки, куйлаш куникмалари асосий укув ишларини асосини ташкил этмасада, ашула-хор малакаларининиг

ажралмас кисми сифатида уни назардан кочирмаслик керак, чунки куйлаш куникмаларисиз хор ижрочилигига мувафаккият казониб булмайди.

Укувчиларга куйлаш куникмалари хусусида куйиладиган тингловчилар синфидаги ашула дарси жараёнида хам, синфдан ташкуари хор тугаракларида хам бир хил булиши керак.

куйлаш холати. Дарс машгулотининг бошидаёк укитувчи укувчиларга куйлаш холати хакида тушунча бериб, гавда ва бошни тугри тутишни айтиши, вужуд мушакларининг таранглашиши ва бушаши, елканинг букилиши, тиззаларнинг букилиши ва бошка нотугри холатлар ижрога салбий таъсир килишни тушунтириб куйиш керак.

НАФАС. Куйлаш куникмаларининг асосий нукталаридан бири бу нафасни тугри идор килишдир. Ижро килинаётган мазмуни тугри ва аник очиб беришда ижрочилик нафаси катта ахамиятга эга.

Ашула мутахассисларида ижрочилик нафасини бир-биридан фарк киладиган уч тури хакида гап боради.

1. Юкори ковурга ости нафаси ёки елка нафаси
2. Кукрак нафаси.
3. Пастки ковурга нафаси ёки кукрак-купсок нафаси.

Кушикчилик амалиётида биринчи тип нафас тури мутлако яроксизлиги исботланган, болалрнинг бундай нафасга урганиб колишнинг олдини олиш керак. Ижрочиликда кукрак-курсок нафаси кадрланади ва ай никса ижрочи кейинги нафас турини мукаммал идора килишни эгалланган булса бу унинг ярим ютуги саналади.

Ижрочилик нафаси устида ишлаганда болаларда табиий куникмаларига эришиш ва сунъий нафас одатларидан саклаш керак. Тугри, нафас гижжакчи кулидаги камондек, бошка овоз аппаратлари билан хамкорликда товушларнинг тулоконлигини таъминлайди.

**Товуш хосил килиш мусика.**

Мусика муаллимлари шуни эътиборга тутишлари лозимки, болалар овозлари укувчилик даврида учта ривожланиш боскичини босиб утади. Овознинг изма-из келувчи бу рифожланиш боскичларининг тавсифи куйидагича:

1.Овоз ривожланишнинг биринчи боскичига 7-8 ёшдан 10-11 ёшгача булган 1-Ш синф укувчиларининг овози киради.Бу боскичларининг овози соф бола овози, тоза жарангдор ва енгил булади. Шу билан бирга бу боскичда болалар овози бир-биридан узига хос фарк килмайди ва тулоконли булмайди.

2.Овоз ривожланишининг иккинчи босчикчига 11-12 ёшдан 14 ёшгача булган IV-VI синф укувчиларининг овози киради. Бу боскичда болалар болалар овози ранг-баранглик касб этиб аралаш товушлар пайдо була бошлайди, овозда бир мунча тулоконлилик ва ширадорлик вужудга келиб, кукракдан чикариб айтиш белгилари учрайди.

3.Овоз ривожланишнинг учинчи боскичига 15 ёшдан 17 ёшгача булган VII-X синф укувчиларининг овози киради. Бу боскичда кизларнинг оаози тулик шаклланиб улгуради ва катталар овозига айланади. Бу даврда угил болалар

овози утиш /мутация/ жараёнини кечираётган булади. Бу даврда уларни хор ижрочилигидан озод килиш максадга мувофикдир.

Ашула-хор ижрочилиги укитувчиларининг асосий вазифаси кичик ёшдаги укувчилар билан шугулланганда, зурикмасданю табиий, енгил овоз хосил килишга эришишдир. Ижро охангининг софлигига эришиш учун унлиларни ёймасдан юмалокрок ва ёпикрок яъни А ни О ни якинрок Они У га якинрок, Е ни Э га якинрок жарангдор ижро килиш максадга мукврофикдир. Бунда бир унлини бошка унлига айлантириб юбормаслик, овозни хаддан ташкари " ёпиб" сунъийликка тушиб колмаслик керак. Овознинг жарангдорлиги, аниклиги ва сифати жаг-бурун ва нафас аъзолариниг уйгун фаол харакатига хам боглик.

Бундан ташкари овозни созлаш амалиётида катор машклар системаси хам борки, уларнинг тахминий куйидаги куйидаги тартибини куллаш максадга мувофикдир:

1. Айрим /ашулаларни/ товушларни турли унлилар буйича баландга ва пастга боскичма-боскич куйлаш.
2. Турт-беш куйнинг содда булакчаларини юкорига ва пастга томон куйлаш.
3. Товушкаторни кварта, квинта ва октава оралигига турли ва хар хил темпларда куйлаш.

Бу машкларни нота саводи билан кушиб олиб борилса янада фойдали булади. Укувчилар учун уни кизикарли килиб утказиш укитувчиларни махо ратига боглик.

ДИКЦИЯ. Ашула-хор ижрочилигинингижодий жараён сифатида мураккаблиги шундаки, бунда мусика билан поэзия бирлашади. Бу икки санъат тури бир-бирини тулдириб, бойитиб катта бадиий кучга эга булади. Хор жамоалари ижро киладиган асарни мазмуни унинг суз матнида муажассам булиб, у ижрочиларга хам, эшитувчиларга хам кулай ва тушунарлидир. Ижрочилар асар мазмунини оммага муаллифлар хохлаганда етказиб бериши учун мукаммал дикция малакасини эгаллаган булиши керак.:

1. Унлиларни хар кандай айтиш сурати секин тез айтишларда аник ва фаол талаффуз килиш. Бу айникса бошлангич синфлар билан машгулот утказаётганда мухимдир, чунки бошлангич синг укувчилари айрим харфлар ва сузлар талаффузида хали кийналишади.
2. Икки ёки ундан ортик ундош товушлар ёнма-ён келганда уларни аник ижро килиш. Ундош товушларни иложи борича киска ва аник ижро этиш улар орасида беихтиёр тушиб кетадиган унлилардан эхтиёт булиш лозим.
1.Сузлар ургу жумласига тушадиган мантикий ургу купинча мусика ургуси билан мос тушади, лекин баъзи холларда тушмай колиши хам мумкин, мана шундай холларда билинтирмай текис куйлаб утиб кетиш керак.

**Хор Куникмалари**. Юкорида айтиб утилган барча куникмалар билан бир каторда хор ижрачилигида хар бир укувчининг шахсий кобилиятини хисобга олиб, хор ансамблини яратиш вазифаси туради. Бунда хар хор ижрочисидан куйидагилар талаб килинади: уз партиясини тугри ва тоза айта олиш кобилияти, уртокларининг овозини эшитиш ва уз овозини умумий охангга

куша олиш кобилияти, ажралмаслик, оркада колмаслик ва баробар бошлаб, баробар тугатишликдир.

**Хорнинг тузум усткурмаси**. Хорнинг тузум усткурмаси унинг сифат хусусиятини белгилашда хал килувчи ахамиятдан эга булган бир канча омилларнинг муштарак бирлигидан таркиб топади.

**Бу омиллар куйидагилардир:**

1.Танланган мусика асарининг сифат хусусиятларини хисобга олиш, асарда композитор хор имкониятларини канчалик назарда тутган-тутмаганлигини билиш асар тесситураси регистири, интерваллари, овозлар жойлашиши ва гармониястинниг хор жамоасига мослигини билиш.

2.Хорнинг махорат даражаси, умумий мусикавий маданияти ижрочилар овозининг ишланганлигини, эшитиш кобилиятининг тарбияланганлигини, уз-узини назорат кила билиши, уз бирини ва жур булаётган асбоб овозини тинглай билиши.

3.Куйловчилар холати: уларнинг диккати, интизоми, кизикиши, чарчаши, машгулотларнинг вакт-меъёр омиллари.

4.Укитувчининг назорати ва бошкаруви, машгулотларнинг режимлилиги., мелодик ва гармоник эшитиш кобилиятларини узлуксиз машк килдириш омиллари.

Юкоридаги омилларининг хаммасини узида ижобий мужассамлаш -тирган жамоага тузум мукаммал хор жамоаси дейиш мумкин.

**Хорнинг таркибий тузуми устида ишлаш.**

Юкорида айтилганларин амалга ошириш учун синфда болалар Билан куйидагича машгулот методларини утказиб бориш максадга мувификдир.

1.Болаларда лад-маком хиссини ривожлантириш учун ладнинг айрим боскичларини, унинг таянч товушларни куйлаш, товушкатор ва учтовушликларни, гармоник интервалларни турли холатларда куйлаш, яъни баъзан огзини ёпиб, мецожиано, мецо-форто холатда урта регистрда куйлаш.

2. Эшитаётган охангни хотирада саклаб колиш ва уни соф холда кайта айта олиш малакасини устида ишлаш. Бунда укитувчи болалар йул куяётган хатоларни / охангни паст ёки баланд айтаёгганини / уз вактида тугрилаб бориши керак.

3.Урганилаётган мусика асарларини бот-бот такрорлашдан эринмасдан, такрор билимини онаси деган акидани амал килиш.

АНСАМБЛЬ. Барча оханг элементларнинг уюшивига ансамбль дейилади. Бунда хар бир уюшувчи булак мусика асарини бадиий баркарорлигида мухим роль уйнайди: мелодия –охангнинг ташкилий уюшувини, гармония мазмун чукурлашувини, ритм0-вактнинг ташкилий уюшувини, динамик белгилар асар рухий ифодасини, суръат асарининг юрак уришини, тембр эса мусика окиминиг узига хос ранг-руйини белгилайди.

Ансамбль – асар тарзи ва услубини, бадий оюразларини мукаммал очиб берувчи ижро жараёнидир. Шундай килиб умумий ансамбль тушунчасида куйидаги ансамбль кисмларини ажратиб курсатиш мумкин.

1.Иннотациялар ансамбли.

а) мелодик горизонтал иннатация ,
б) гармоник вертикал иннотация.
в) куповозли аралаш иннотация.
2.Метро ритм ансамбли.
3.Динамиклар ансабли.
4Темп ансабли.
5Тембр ансамбли.

Бир овозда куйлаш. Бу ерда укитувчининг вазифаси кадамма-кадам оддий кцуйлаш куникмаларини хосил кила бориб, укувчиларни катта хор маданиятига тайёрлаш.Бир овозли куйлашга таалукли курсатмалар. Куйлаш куникмалар устида ишлаш. Деган кисмда батафсил берилганлиги учун такрор методик йуриклар келтиришни лозим курмадик.

Икки овозли куйлаш. Бошлангич синф укувчилари билан ашула-хор ижрочилиги машгулотларининг кайси ьир даврида бир овозли куйлашдан икки овозли куйлашга утиш масаласини тажрибали укутувчининг узи хал килади. Чунки у узи шугулланаётган синфнинг имконитларидан келиб чикиб карор кабул килади.

Икки овозли куйлашнинг кийинчиликларни хисобга олиб, бошда бир мунча тайёргарлик машгулотлари олиб борилиши укерак, бунинг учун икки овозли ижро этилган асарларни эшитишни ва кузатишни ташкил килиш керак.

Болалар икки овозли онгли муносабатга булиши учун, уларга товушларнинг бир-бирига паралелилиги, интерваллар муносабатини, овозларнинг бир йуналишга ёки карама-карши йуналиш харкатларини тушунтириш керак.

Бизнинигча болаларга бир йулалишдаги, терция интервалида куйланадиган икки овозли хор асарларини ургатиш осон кечади.

Укутувчилар хор партиясини ургатишда турли йуллар тутадилар. Баъзилари хор партиясини айрим-айрим ургатиб, кейин бирга кушиш маъкул дейди, лекин хор амалиётида хор партияларни бир жойда урганиш, болалар хор малакаларини узлаштиришда
жуда катта фойда беради.

Журсиз куйлаш. (акаппела). Журсиз куйлаш хор ижрочилиги
маданиятининг энг юкори боскичи хисобланади. Бунда болалар овозининг сифат хусусиятлари соф холатда номаён булади. Унга мусика асбобларининг товушлари халакит бермайди. Хор партияларидаги оханглар хамкорлиги ижрочиларнинг узига аник эшитилиб туради. Журсиз куйлаш, айникса мусика муаллимиидан катта махорат талаб килади. Чунки у мусика асбоби иштирокисиз, уз ички эшитиш кобилияти билан хор йул куйган хар бир хатони уша дакикадаёк тузатиб бориши талаб килинади.

Бундан ташкари хор рахбари асарнинг умумий рухини белгилаши, партияларнинг хамоханглигига эришиш ижронинг табиийлигига ва темр тозалигига эришиши зарур булади. Журсиз куйлаш укувчилардан каттик диккат укитувчини кулини тушуниш ва бошкалар овозини эшитиш талаб килинади.

Шундан сунг журсиз куйлаш, бетиним мехнатни ва узок вактни талаб килади. Пировардида бу саъй-харакатлар зоя кетмайди. Укувчилар мусика санъатининг бу мухим кисмидан етук билимли буладир.

**Бошлангич мусика саводи таълими.**

РЕЖА:
1. Мусика саводи таълимининг максади ва хажми.
2. Мусикавий маълумотларни бериш булимлари.
3. Мусикавий тасаввур ва тушунчаларни эгаллаш жараёни боскичлари.
4. Умумий хулосалар.

Адабиётлар:

1. «Таълим тугрисидаги конун»Тошкент.1997 йил.
2. «кадрлар иайёрлаш миллий дастури».Тошкент.1997 йил.
3. «Мусиканинг оддий назарияси»А.Вахромеев.1980.Москва.

Бошлангич мусика саводи таълими укувчиларга мусика ва унинг мазмунига онгли муносабатни, мусиканинг барча ифода воситаларини хамда нота ёзувидан фойдаланиш куникмалариниургатади. Мусикага саводи таълими мактаб укувчиларига оддий мусика билим бериши керак. Бошлангич мусика таълими хажмига куйидагилар киради:

1.Мусика асарларида мазмун булиши хакида тушунча мусика аса рининг ифода ва ифода воситалари хакида тушунчалар ( темп, ритм, баландлик, динамикаси ва таркиби ва бошкалар).

2.Асосий ифода воситаларининг ёзилиши усулининг ва унинг ахамиятини билиш.

3.Мусика ижрочилик санъатидан кискача маълумотли булиш / ашулла, хор, чалгу асбоблари,оркестир ижрочилигидан / .

4.Энг машхур классик ва янги кампазиторлар хаёти ва халк ижоди намуналари билан танишиш.

Юкоридагиларнинг хаммаси бошлангич синф кувчиларнинг мусикасининг узлаштириш имкониятларини хисобга олиб, мактаб шароити мусикага ажратилган дарс соатларини назарга тутуб мактаб праграммасига киритилиши зарур. Мусика хаки бу маълумотлар икки булимда олиб борилади:

1.Мусиканинг тарихий тараккиётидан маълумотлар тартибида олиб борилиб, бунда халк ижоди, классик ва янги кампазиторлар асарлари урганилади. Асарлар билан танишиш жараёнида, улар укувчилар имконияти даражасида тахлил килиниб хам борилади хамда каппазиторларининг хаёти хам кискача урганилади. Бу эса муиска санъатини урганиш билан бирга умумий савиянинг юксалишига хам ёрдам беради.

2. Иккинчи булимга мусиканинг назарий томонлари ва нота саводхонлиги киради. Нота саводини урганилган ва урганилаётган асарлар

мазмунини ва ифода воситаларини назардан кочирмаган холда олиб бориш керак. Чунки биринчи булим мусика саводи булими билан нота саводи булимлар бир-биридан ажралмасдир. Мактаб программасидан булар умумий ном билан мусика саводи таълими дейилади.

Мусика назариясини билиш, мусикани ёркин тушунишга изчил англашга, енгил узлаштиришга ва яхши ижро килишга ёрдам беради. Ана шунинг учун хам илк соатлардаёк укувчиларни мусикага ижобий муносабат рухида тарбиялаб бориш керак. Мусика саводи услубияти умумий мусика таълими максад ва вазифаларига мос булиши керак.

Мактабнинг вазифаси бадиий диди юксак, мусика илмидан саводхон, мусикани севадиган ва тушунадиган, жамият мусика хаётида фаол катнашадиган кишиларни тарбиялашдир. Мусика саводининг асосида куйидагилар ётиши керак:

Энг аввало укувчилар билими, улар эшитган ва кузатган, укитувчи ёрдамида урганган мусика асарларининг назарий хулосалари асосида камол топиши керак.

Урганилаётган мусика материали, мусика саводи учун зарур, укувчиларнинг бадиий дидини устириш учун талабга жавоб берадиган даражада баркамол булиши керак.

Мусикавий тасаввур ва тушунчаларни эгаллаш жараёни куйидаги уч боскичда кечади:

1. Урганилаётган мусика асарига – кушик ёки чолгу асарига онгли муносабатда булиш, уни билиб кабул килиш.

2.Уша кузатилган ва кабул килинган мусикий асарлардан аник хулосаларга ва билимлар тухтамига келиш. 3.Урганган билимларни амалиётда куллаб бориш, яъни мусикани рухий ёркин идрок килиш, кушик урганаётганда ноталардан фойдаланиш, ноталарни веракдан укий олиш.

Бу мусикий таълимнинг уч этапи хар бир дарсда муштарак холатда кушиб олиб борилиши керак

Укитувчи укувчиларга кувнок ва гамгин, марш, лапар-ялла ва маросим мусика шаклларидан сабок бериши учун исталган халк кушикларидан фойдаланиши мумкин. Мисол учун «Чаманда гул» ашуласи шух, кувнок; «Алла» ашуласи чузик, гамгин; «Чидти гул» ашуласи уйин боп; «Биринчи май» ашуласи эса сафланиб, юриб айтиладиган, юриб айтиладиган марш ашуладир. Хуш бу кушикларнинг ифода тавсифини ва ижро тарзини кандай билдик? Шунинг учун билдикки, биз мусиканинг ифода воситалари ва ёзув белгиларидан хабардор эдик.

**Мусиканинг ифода воситалари кандай булади?**

Булар:

1. Интонация – яъни баландлик, интерваллилик ва лад таркиблари.
2. Мусика жумлаларининг кисмларга булиниши ва таркиби.
3. Улчовлилик – яъни ритм ва улчов.
4. Композитор томонидан курсатилган ва ижрочи амал киладиган асосий белгилар – яъни динамик харакат белгилар темп хамда товушлар уюшишидир.

Биз мусика нутки билан инсон нуткини солиштириб курганимизда ва тахлил килганимизда буларнинг бир-бирига якинлигини биламиз.Бу мусика саводидан яхширок сабок олишимизга кумаклашади.

1. Интонация нуткда фикрини паст, баланд пардаларда ифодалаш охангидир.

Лекин бунда пардалар урни аник эмас. Масалан, савол оханги нуткда баландрок, тасдик оханги ва нуткда пастрок товушда ифодаланади. Нутк интонациядаги фаркларни болалар билсаларда, лекин у хакидаги онгли, уйлаб фикр юритмайдилар.

2.Жумла булаклари нуткда катта рол уйнайди. Аслида жумла булаклари нуткда фикрнинг жойлашиш тартибидир. Ёзма нуткда жумла булаклари тиниш белгилари билан ажратилади. гап тугаганда нукта куйилади. Худди шунингдек мусикада хам фикрий жумла тугалликлари бор, айникса бу кушикларда яккол куринади. Ашула айтаётганда хар бир фикрий жумла охирида нафас олинади. Агар мусика жумласининг уртасида нафас олинса мусикий фикрга зарар етади.

Шундай килиб биз ерда нутк жумла булаклари билан мусика жумла булаклари билан мусика жумла булаклари уртасида анча ухшашлик борлигини курамиз.

3.Улчовлилик ритм ва метр тушунчаларидир. Маълумки поэтик нутк аник бир улчовда булади ва бундай вазнли нуткни болалар енгил кабул килади. Лекин уни болалар чукур англаб етмайдилар, чунки шеър тузилиши хакидаги тушунчалар мактаб укувчиларига юкори синфларда берилади. Мусикада ритмик-вазннинг ахамияти бенихоядир, мусикадаги аник улчовлар ранг-баранглиги, хатто шеъриятда хам учрамайди 4. Динамик харакат суръати нуткда катта рол уйнайди. Чунки «каттик гапир, аста гапир, тез гапир, аста гапир» каби иборалар хар бир укувчига таниш. Мана шулардан куриниб турибдики, суз-нутк ифодалар билан мусика ифода воситаларини бир-бирига солиштирганда мусика тушунчалари укувчилар учун аник булиб колади. Шунга карамай, мусикада катта ахамиятга эга булган, нота ёзувида аник ифодаланадиган товушнинг баландлиги ва чузими тушунчаларини суз-нутк тушунчалари аник ифодалай олмайди. Шунинг учун мусика дарсларида баландлик ва ритм-услубга асосий эътиборни аниклаш керак. Амалий магулотлар курсатаяптики, мусиканинг ритмик томонларини узлаштиришга караганда осонрок кечар экан. Мисол учун илк урганилаётган кушикни укувчилар ритмик тугри куйлайдилару интонацияларда анча хатоларга йул куядилар. Укувчилар товушларнинг паст-баландлик урнини аник идрок килишлари учун укитувчининг жиддий шугулланишга тугри келади.

5. Баландлик мусикада макомнинг харакат чизиги, турли регистрларни бир-биридан фаркловчи ёркин ифода воситасидир. Баландлик тушунчасида ифодаланадиган товушнинг юкори, урта ва паст регистрлари оркали мусика асарида образлар тарзи очилади. Масалан, одам мусикада уртача товушлар, яъни одамнинг узининг товушига тугри келадиган товушлар баландлигида ифодаланади. Эртаклар образи эса паст ва юкори оовушларда ифодаланади.

Эртакларда енгил харакат килувчи образлар: куёнлар, олмахонлар, улокчалар, сичконлар ва мити одамлар, юкори тоовушлар ифодаланди – девлар, филлар, йулбарслар, букалар каби фантастик ва персонаж ва йирик хайвонлар паст товушларда ифодаланади.

Бундан ташкари инсон кайфиятининг кутаринки холатлари баланд товушларда, тушкун холатлари эса паст товушларда ифодаланади. Бунга «ялла», «ёр-ёр» кушикларнинг жушкин, тез суръатда, баланд пардаларда, ёркин ижро килиниши, «йиги», «садр» айтимларининг чузик, мунгли, авжсиз- паст пардаларда кулланишини курсатиш мумкин.

Мусика сабогининг бошланишиданок, укувчиларга кандай товуш паст ва кандай товуш билан булиниши турли йул-йуриклар асосида ургатиб боришни такозо этади.

Укувчиларда баландлик тушунчаларини мустахкамлаш учун куйидагича усулни куллаш хам мумкин: укитувчи юкори пардаларда кушикни ижро этганда укувчилар кулларини юкорига кутаради, урта пардада ижро этганда олдинга чузади, паст пардада ижро этганда эса пастга туш249радилар. Бу уларнинг товушнинг баланд-пастлигини канчалик англаб етганлигини билиш учун синов булади.

Одам овози хакида тушунчалар бериб хам укувчиларнинг товушларнинг паст-баландлиги тугрисидаги туйгуларини ривожлантириб бориш мумкин. Бунда паст товушларда эса, енгил, баланд овозли аёллар куйлашини, юкори товушларда эса, енгил, баланд овозли аёллар куйлашини, купчилик эркак ва аёллар хамда болалар овози урта пардадларга тугри келишини тушунтириш керак. Амалда овозининг хамма турларини укитувчи ижро килиб курсатиб беролмайди, шунинг учун с пластинкалардан магнитофон кассеталардан фойдланиши керак. Баъзан укувчиларга уйга вазифа килиб оиласидаги катта кишиларнинг ововзига эътибор беришни топшириш, уларнинг кайси бири паст ва кайси бирлари юкори овозда гапиришини топшириш керак.

Укувчиларда товушнинг паст баландлиги хакида оддий куникмалар фойда булганлигига ишонч хосил килгандан кейин укитувчи уларни мураккаброк малакалар сари бошлаш керак. Энди урганилаётган кушикнинг куй харакат йуналишларини тахлил килиш, эшитган куй баландлигини хотирада саклаб колиш ва уни кайта аник ижро кила олиш кобилиятига эга булиш керак. Укувчичилар куй юкорига кутарилиб кетаяптими, ёки бир текисликда харакат килаяптими аник тасаввур килиш керак.Урганилаётган мусика асари куйи харакати образли тасвирларда курсатилса, айникса укувчиларда аник эслаб колинади. Бунда куй товушлар харакатини зинопоялар, кушчалар, олмалар, шарчалар, шаклида доскада аник курсатилиши мумкин. Булар хаммаси укувчиларнинг мусикий эшитиш кобилиятини ривожлантириб боради ва мусика алифбосини чинаккам бошлашга замин яратади.

6.Товушкаторни урганиш укувчиларнинг товушлар паст-баландлиги хакида тушунчасини ойдинлащтиради. Улар энди овозни боскичма-боскич кутариб бориб, хар хил баландликдаги товушларни куйлаш мумкин эканлигини билади.

Мусикада бундай боскичлар эса енттитадир: до, ре, ми, фа, соль, ля, си. Дастлаб бошлангич синфда товушкатор боскичларини расмлар билан курсатиб до-до оралигида юкори ва пастга куйлаш керак. Бунда укувчилар пастки до-ни куйлашда эркин булишларини, узларини зуриктирмасликларни айтиш, тушунтириш керак. Чунки бошлангич синф укувчилартда хали паст товушлар яхши жарангламайди. Шунинг учун товуш каторини болалар овози етадиган, яхши жаранглайдиган кисмидан бошлаб машк килинса флйдали булади. Мисол (соль-фа-ми-ре-до) паст томонга, (соль-ля-си-до) юкорига куйлаш кулайдир.

Товушкатор турли образли шаллар билан юкорига ва пастга куйлаш мустахкамлаш билан бирга уларнинг ашула ижрочилик махоратларини хам ривожлантиради.Укувчилар товушкатор ва унинг исталган кисмини осон куйлай оладиган булгандан кейин, аста-секин нота ёзувига утса хам булаверади. Лекин нота ёзуви сузлашуви узок жараён булганлиги учун, товушкатор ва унинг кисмиларини куйлаш машкларини давом эттира бериш керак.

Укувчилар товушкаторни бемалол куйлай оладиган пастдан бошлаб, товушкатор товушларнинг кандай ёзилишини хам машк кила бошлаш керак. Укувчиларга ноталар бешта чизигида ёзилишини, улар нотьа йулларини улар нота йуллари деб айтилиши тушунтириш керак. Нота / мусика харфлари/ нота чизикларнинг узга, орасига, пастига, юкорисига, ва кушимча чизикларга ёзилишини, уларнинг кайси пардадаги товуш эканлигини билиш учун эса нота йулларининг бошига калит белгисит куйилишиши курсатиш керак.

**Бошлангич мусика тинглаш таълими.**

РЕЖА:

1. Болаларни мусика тинглашга ургатиш жараёни.
2. Мусика тинглашнинг дарсдаги микдори ва жараёни.
3. Мусика тинглашда жанр ва тушунтириш услублари.
4. Умумий хулосалар.

Адабиётлар:

1. «Миллий мафкура – мамлакат келажагининг пойдевори».Каримов И.А.
2. «Мусика услубиёти».1991 йил.Жайхун.Ш.Рахматуллаев.Термиз.
3. «Методика муз.обучение»О.Апраксина.1978.Москва.

Сирли ва сехрли мусика эхромини уч эшиги бор. Биринчи эшикдан унинг яратувчи меъморлари-бастакорлари киради. Иккинчи эшикдан унинг донгини достон килувчи ижрочи санъаткор киради. Учинчи эшикддан эса эшитув киради. Бу ерда гап мусика кошонаси учинчи эшигидан кириб келаётган авлодга илк мусика тинглаш йуригини бериш хакида боради.

Мусика асарларининг тушуниб кабул килиш учун маълум бир мусика тинглаш тайёргарлиги булиш ва уни тинглашга одатланиш керак. Ахир хамма болалар хам мусика чин дилдан узи хохлаб ваунга берилиб эшитивермайди. Шунинг учун хам мактабда мусика тинглаш саотларининг вазифаси, болаларга

мусикани севишни сингдириш,мусика тассавурларини ривожлантириш, мусикий тавушлар оламига олиб киришдир.

Мусикани кизикиб урганишни ва уни севишни ургатиш мумкин? Мумкин деб жавоб беради мутахасислар.Чунки, болаларнинг жуда купчилигинимусикага кизикиш бор ва бу кизикиш хали тугри йуналиш олмаган, тарашланмаган кизикдир. Улардаги мана шу кизикиш янада уйготиш ва ривожлантириш керак.Мусикашуносларга ва мусика муаллимларига шу нарса равшанки агар болалар мусика билан атрофлича мулокатда яшасалар,уларнинг рухий холати мазмунлирок, аклий тафаккур дунёси тобора баркамолрок була боради.

Мусика тинглаш соатлари нега зарур, мусика тинглаш учун берилаётган радио эшиттиришлари ва теле курсатувлар етмайдими –деб сураш мумкин. Бунга радио ва телеконцертлар узига хос мусила тинглаш соатларининг урнини босолмайди деб дангал жавоб бериш керак. Чунки концерт эшиттириш курсатувлар омманинг мусикавий камолатида каттарок уйнаса хам унда аник режиимли машгулот олиб бориш имконияти йук.Бундан ташкари концертлардаги мусика хажм жихатидан болаларга огирлик килади ва улар жуда куп товушлар ва таасуротлар ичида чалгиб колишади.

Болаларда узларининг диккатини тортган мусика асарни кайта -кайта тинглаш имкони хам йук,бу ерда/бундан кейинги пайтларда махсус болалар учун берилаётган ашула ургатиш курсатуви мустасно. Баьзи мутахасислар концерт залларида бериладиган мусика концертлари болаларни одамларнинг куплиги, ижрочининг шахси, зал анжомлари чалгитади деб айтишади,болалар мусиканинг мазмунига етиб тинглай олмайди дейишади.

Бир хисобда шундай булса хам болалар учун хам бир хил хулоса деб булмайди.Баъзи болаларнинг мана шундай концертлардаги маълум бир мусика ёки маълум ижрочи бир умр эсдан чикмайдиган даражада мафтун этиб унинг келажак йулини бутунлай мусикага буриб юбориши хам мумлин.

Шундай килиб бошлангич мактабларда мусика тинглаш соатларининг максади эса болаларни режали ва боскичма боскич мусика оламига олиб киришдир.Бунинг учун биринчи галда болаларни мусикага жалб килиш,тинмай… мусика таргиботи олиб бориш ва уни урганишга киришишдир.

Мусика муаллимлари олдида,укувчилар диккатини узига каратиш,синф имкониятига мос мусика асарлари уни бор мусика ифодаси билан укувчиларга етказа олиш,кутаринки рухий иклим яратиш, мусикии-муаллимона сезгирлик назокатлилик каби кийин вазифа туради.Улар хар бир синфнинг индивидуал мусикий имкониятларини хам хисобга олишлари керак.Юкоридагиларни назарда тутиб,мусика тинглаш соатларига нисбатан кийинрок,бу укитувчидан билимни талаб килади дейиш мумкин.

Шундай килиб эндиги гап бошлангич синф укувчиларига мусика тинглаш соатларида кандай материални кандай микдорда ва кандай тартибда бериш хусусида булади.

Биринчи галда болалар тинглайдиган мусика асари улар узлаштира оладиган булиши керак ва бир дарсда бир нечта мусика асарини каторлаштириб ташламаслик лозим, мусика тинглаш учун танланган асарлар болаларни кизиктирадиган ва уларга ёкадиган булиши керак. Бу ерда факат болаларнинг дидига мос мусика асарлари тингланиши керакми, уларнинг кейинги мусикий тараккиёти учун бу бир хил салбий таъсир килмайдими, деган савол тугилиши мумкин.

Тажриба шуни курсатадики,биринчи галда болаларнинг мусикага булган ишончини козонмок учун, улар сузсиз кабул киладиган мусика асарларини танлаш шарт.

Биринчи галда болаларнинг дидини хисобга олиш керак деган, хар канака куча ашулаларию, бадиий яроксиз материаллар хам тинглаш учун булаверар экан деб уйламаслик керак. Улкан мусика адабиёти хазинасида илгор педагогик талабга жавоб берадиган болалар боп мусика асарлари бир дунёдир. Бу ерда бошлангич синф укувчиларининг психо-физиологик хусусиятларини хисобга олиш хакида хам гап бораяпти.Шунингдек, болаларнинг вужуд-таргибот камолати хам узок давом этадиган мусика асарларини тинглаш учун сабр-бардош кувватига эга эмас. Кузатишлар, икки-уч минутлик мусика тинглаш машгулотлари бош лангич синф дарслари учун етарли эканини курсатаяпти,чунки бола жонининг танага сигмайдиган навкирон шиддати. Тугри, «тартиб-интизом» принципи буйича 2-3 минутдан ортик хам мусика тинглатиш мумкин, лекин у кутган натижани бермайди. Болаларнинг ёруг рухий богчаларга соя тушуриб куйишдан эхтиёт булиши керак. Одатда болалар усули енгил ва шиддатли, шух мусика асарларини яхши куришади.Улар уйчан, чузик мусикаларни хам бемалол тинглашади,бунда меъёрни унутмаслик.

Бизнингча мусика тинглаш соатларида хаёт вокеаларини тасвирловчи мусика асарларини танлаш, даслабки машгулотлар маваффакиятининг гарови булади. Нега? Негаки бундай асарларда атроф-мухит,йил фасллари, табиат ходисалари, жониворлар, овози ва хатти-харакатлари тасвирланган булиб, укувчилар бунда мусика билан хаёт хакикатларининг чанбарчас алокасини тушина бошлайдилар, улар образли фикрлаш сари кадам куядилар.

Бунда хам машгулотлар айни бир тасвирловчи мусикалардан иборот булмаслиги, медага тегадиган булиб колмаслиги керак. Хуш, мусика тинглаш таълимини кайси мусика жанридан бошлаш керак:овоз мусика туриданми ёки чолгу мусика туриданми? Бу мунозарали саволдир.Бировлар овоз мусикасидан бошлаш керак, чунки мусика мазмуни шеър матнида аник ифодаланган булади дейишади. Бошка бировлар эса чолгу мусикасидан бошлаш керак, чолгу мусикаси бевосита эшитиш учун ёзилади, у узининг сирли жозибаси билан укувчиларни ички бир туйгу билан фикрлашга ургатади

дейишади. Бу хар иккала далилда хам жон бор булганлиги туфайли, танлашни мусика муаллимларининг узига колдиргани макул.

Энди бошлангич мусика тинглаш машгулотларини кайси мусикалардан бошлаш керак, узбек мусикалариданми, рус ёки хорижий гарб мусикалариданми,деган савол тугилиши мумкин. Бизнингча биринчи навбатда миллий мусика асарларидан бошлаган маъкул. Чунки бола тугилганданок миллий маданий анъаналар бешигига керади, она сути билан бирга она тили, она алласи ва милий хаётнинг барча оханглари унинг мургак вужудига ёгирилиб боради. Болаларнинг мусика тинглаш малакалари анча ривожланиб боргандан кейин рус ва хорижий гарб мусикасига хам мурожаат килса булаверади.

Мусика ижодкорлари ичида шундай сиймолар борки, улар жахон бадиий маданиятини тасаввур килиб булмайди. Булар сарасига Бетховен Моцарт, Григ, Шуман, Бизе, Шопен, Лист, Чайковский, Шестакович ва бошкалар киради.

Мана шу буюк композиторларнинг болалар рухий оламига мос тушган мусикий асарларидан болаларни бебахра колдирмаслик керак.Уларнинг асарларидан хар бир бошлангич синф мусикий имкониятларни ва укувчиларнинг бадиий узлаштириш даражасини хисобга олиб фойдаланиш лозим.

Хар бир таълимнинг йуриги оддийликдан мураккаб сари боришни такоза этади, инчунин мусика тинглаш дарсларида хам шу йурикка амал килинади. Шунинг учун мусика муаллимларидан катта махорат ва тажриба талаб килинади, чунки улар хар бир синфнинг бадиий мусикий хусусиятига караб тингланадиган мусика асарларнинг хажмини ва микдорини боскичма-боскич белгилаб борадилар.Албатта мусика тинглаш машгулотлари маълум бир гоявий тематик йуналишда булади, бугунги дарс олдинги дарсни бойитиши, келгуси дарсга эса пойдевор булиши лозим.

Мусика тинглаш соатлари хусусида мусика укитувчилари орасида тагин бир мунозарали масала бор.Бу тингланаётган мусика хакида укувчиларга тушинтириш бериш керакми йукми, деган масаладир. Бу хусусида хам икки хил карашлар мавжуд. Бир гурух мутахасислар бир канча тушунтириш ишлари зарур деса, иккинчи гурух мутахасислари эса мутлока зарур эмас дейишади. Бу ерда иккинчи гурухдагилар хар баркамол мусика асари узи учун узи жавоб беради,деган хакикатга амал килса,биринчи гурухдагилар эса тингловчилар мусика тайёргарлиги ва бадиий диди нуктаи назаридан ёндашадилар.

Бунда хар икки томоннинг ибратли томонларини кабул килиш керак. Мусика дунёсига эндигина кадам куяётган бошлангич синф укувчиларига тингланаётган мусика хакида ойдинлаштирувчи тушунтиришлар фойдадан холи эмас.Лекин Бунда укитувчи меъорни билмаса,укувчилар хар бир мусика асарида укитувчи тушунтириб берадиган кандайдир ходиса бор деган тушунчага бориб колиш хафви бор.

Хар бир мусика асари узи учун узи жавоб беради,деган хакикат-буюк хакикатдир.Биз севадиган жуда куп мусика асарларининг муаллифлари аллакачонлар,балки бир нечта асарлардан оламда йук, лекин уларнинг яратиб

кетган мусика асарлари то хамон узи учун жавоб бериб, яшаб келаётганлиги хакикат эмасми? Шунинг учун укувчиларни мусика билан купрок ёлгиз колдирган маъкул.Мусика уларнинг рухини тулдирсин,хаёл какнусларига нарвоз берсин.     Зеро мусика оханга айланган инсон рухидир.

**Биринчи синфда мусика таълими**

**РЕЖА:**

1. Кушик болалар мусикавий фаолиятининг асоси.
2. Биринчи синф болаларнинг мусикавий имкониятлари.
3. Биринчи синфда кобилиятсиз болалар Билан ишлаш.
4. Биринчи синфда кушик ургатишуслублари.
5. Умумий хулосалар.

Адабиётлар:

1.И.Акбаровнинг бошлангич синфлар учун чиккан дарсликлари ва услубий кулланмалари.1980 – 1995 йил.
2. «Мусика алифбоси»1998 йил.Тошкент.Н.Нурматов.Н.Норхужаев.

Кушик болалар мусикий фаолиятининг асоси хисобланади. Кушик урганиш жараёнида эса мусикий идрок килиш малакалари катта роль уйнайди. Шунинг учун даслабки машгулотларданёк болаларнинг мусикага булган кунгилли хайрихохлик туйгуларини уйгота билиш керак.Тугри танланиб,юксак бадиий махорат билан ижро килинадиган кушиклар репертуари,юкорида куйилган вазифаларни хал килиш гарови булади.Факат фаол куйлаш билан кушиб олиб бориладиган мусика саводи туфайли 1синф укувчиларнинг мусика булган кизикиши ва мусикавий кобиляти ривожланиб боради.     Укувчилар куйлаш жараёнида мусика тилини тушиниб борадилар, бу эса уларнинг мусикавий кобилиятларининг усишига катта ёрдам беради. Энди улар урганаётган кушикларнинг  жанр хусусиятларни хам била бошлайдилар. Уларда мусиканинг тембр, баландлик, ритмик узгаришларини хис килиш кобилиятлари таркиб топа бошлайди. Шундай килиб 1 синф укувчилари мусика тилини тушинибгина колмай, балки ундан узининг ижрочилик фаолиятида имконияти даражасида фойдаланадиган хам булиб колади.

Биринчи синф укувчиларининг вужуд аъзолари умумий балогат конунлари асосида ривожланиб боради.Уларнинг овоз ва эшитиш аъзолари хам уз ёшлиги даражасида тараккий топади.

Аммо овоз аъзолари хали ута нозик, томок ва овоз пайчалари хали тулик ривожланмаган булади.Овоз, овоз пайчалари киска, товуш жуда кучсиз,айникса пастки товушларга овоз етмайдиган булади.

Биринчи синф укувчиларининг овози кенглиги биринчи октаванинг до товушидан иккинчи октаванинг до товушигача булади. Улар паст тавушларда кийналадилар, шунинг учун кушик танлаганда болалар овозига мос пардалардан башланган кушикларни танлаш лозим.

Биринчи октаванинг ми-фа-соль-ля-си товушлари 1-синф укувчилари учун жаранг берадиган кулай тавушлар хисобланади. Биринчи октаванинг до товуши эса болалар овоз имкониятига апстлик килади ва бу товуш уларни кийнаб, зуриктириб куйиши мумкин.

Улар тушунчасида мусиканинг аник бир пойдевори вужудга кела бошлайди. Мусика дарсларида фаол ва узларини эркин,мустакил тута бошлайдилар.

Шу билан бирга мусика муаллимлари шуни эсдан чикармасиликлари керакки 1-синф укувчиларининг хаммасида хам мусика эшитиш кобилияти, мусикий хотираси куникмалари бир хил ривожланмаган булади. Бир туркум укувчилар берилган товушларни оник ва тоза охангда ифода килса, айрим укувчилар эса паст ёки балнд ёки нотоза талаффуз киладилар. Бу эса педагоглардан хар бир укувчи яккама-якка ишлашни хам талаб килади.

Ашула дарсларида 1синф укувчилари олдига куйидаги талабларни бажариш туради: бирнчи октаванинг ре товуши иккинчи октаванинг до товушишигача булган ораликдаги товушларни енгил ва майин, зурикмасдан таъсирли куйлаш, кушик бошланишида ва мусика жумлалари орасида тугри нафас олиш, кушик сузларини аник талаффуз килиш. Вир вактдан бошлаб бир вактда тугатиш каттик секин каби кушикнинг ифода воситаларини хамда суръатини тушуниш олдин урганган кушикларни якка холда ижро кила олиш. " Болаларнинг мусика эшитиш кобилиятини ривожлантириш ва овоз пардапари хажмини кенгайтириш учун режали равишда машгулотлари олиб бориш керак. "Ашула алифбоси"да гулларнинг расми билан берилган "Читти гул", олмалар расми билан берилган "Олма", мушукчалар расми билан берилган "А, бе, те" ва бошка машк ашулалар бу сохада катта фойда беради. Бундан ташкари юкоридаги машклар асосида, синф имкониятидлн келиб чикиб, укитувчи уз машклар туркумини ишлаб чикиши мумкин.

Укувчиларга ашула ургатиш жараёнида хамма вакт хам укитувчининг укувчилар билан биргаликда куйлайвериши яхши натижа бермайди. Бундай холатда укувчилар факат укитувчини эшитади, узларининг ижро сифатини назорат килолмайди ва бир-бирларининг узаро овозини эшитмайди. Бу эса уларнинг мусикий эшитиш диккатини, уз-узига назорат хиссини сусайтирилди ва овоз эшитув мувофиклашувининг тургун шаклланишига халакит бермайди. Шунинг учун дастлаб факат кушикнинг куйини мусика асбоби билан куй,

кейин укитувчи билан журсиз куйлаш ва нихоят факат укувчиларнинг узлари журсиз куйлаш и максадга мувофикдир.Яна кушик ургатишнинг шундай усули хам бор бунда дастлаб кушикни бутун синф урганади, кейин группа-группа булиб урганади ва нихоят якка тартибда куйланади. Укувчи уз-узини эшитиш и учун бу усул жуда фойдали Кушик ургатиш жараёнида тоза куйлай олмайдиган укувчиларни аник куйлайдиган укувчиларнингёнига утказиш керак. Укувчиларни синфда куйидаги тартибда утиргизса, кушик урганиш машгулотлари натижали булиши кузагилган. Укутувчи узига якин олдинги каторларга овоз эшитув мувофиклашуви буш укувчиларни утиргизади, улардан кейинги каторга куйлаш куникмалари хали сустрок; укувчилар жойлашади ва нихоят кейинги каторларга кушикни аник куйлай оладиган укувчилар утиради:

Укувчиларга хар бир ургатилаётган кушик яхлит тасаввур бериши учун уни бир неча марта соз журлигида тулик ижро килиб бериш, кушикнинг шакли ва мазмунини тулик тушунтириш керак. Куйнинг кийин жойларини кайта-кайта чалиб ва журсиз куйлаб курсатиш хамда ритмик мураккаб кисм ларни чапак чалиб ургатиш лозим.

Биринчи синфларнинг хар бир мусика дарсида янги урганилаётган кушикдан ташкари, олдинги дарсларда ургатилган кушиклар бот-бот такрорланиб туриши керак. Бу такрорлаш давомида куйнинг аниклиги ва таъсирчанлигига овозларнинг табиийлигига эриша бориш керак. Биринчи синф укувчиларига бутун укув йили давомида шакл ва мазмун х,атидан хилма-хил булган 20 та кушик ургатилса етиб ортади. Бу кушиклар кувнок, тантанали ва голибона, чузик ва лирик шаклда булиши мумкин. Уларни танлаш ва укувчиларга бадиий сифатда тухфа килиш укитувчининг махоратига боглик.

**Иккинчи синфда мусика таълими.**

РЕЖА:

1. Иккинчи синфнинг мусикий имкониятлари.
2. Иккинчи синфда «занжирли»куйлаш усули.
3. Умумий хулосалар.

Адабиётлар:

1. Бошлангич синфлар учун чикарилган дарсликлар.1980 – 1999.
2. «Бошлангич мактабда куп овозли куйлаш».1997.Тошкент.Р.Кодиров.

Мусика муаллимларининг вазифаси болаларда хаёт гузалликларини севиш инсоният яратган бадиий дурдоналардан танишиш ва хайратланиш хисини уйготишдир. Болалар маънавий дунёсини шакллантирадиган манбалар турли-тумандир. Ана шундай мухим манбалардан бири эса кушик санъатидир. Болалар кушик ижро килар экан, мусикани чукур идрок кила бошлайди уз туйгуларини фаолрок ифода килади, ураб турган .атроф-мухит садоларини эшитади ва унга уз муносабатини билдиради.

Иккинчи синф укувчилари биринчи синфга караганда бир кадар ривожланиш боскичида булади. Уларнинг нутк маданияти етарли даражада

тараккий топган, урганаётган кушик мазмуни хакида уз фикр-мулохазасини билдира оладиган, узининг ва уртозларининг куйлаш хусусиятларини бахолайдиган булади. Укиш жараёнида улар мустакил ва фаол буладилар. Уларнинг мусикий таассуротлари хам максад сари йуналган булади. Иккинчи синф укувчилари мустакил мусика тарзини, мусика харакат белгиларининг узгаришини, кушик суъатини алмашишини, куйнинг паст, баланд йуналишини аниклай оладилар. Улар мусикадаги товушлар баландлик ва чузимини фарклай биладилар. Иккинчи синф укувчиларида овоз-эшитув мувофиклашуви тургун холатга келиб колган булади. Иккинчи синф укувчиларининг умумий мусикий дунёкараши анча шаклланган, адабиётдан, тасвирий санъатдан ва хаёт вокеа-ходисаларидан таъсирланган тасаввур дунёси ранг-баранг булади.. Иккинчи синф билан мусика машкулоти олиб борадиган муаллимлар, нафакат уларнинг рухий томонига, балки жисмоний узига хослигига хам эътибор беришлари керак. Иккинчи синф укувчиларида хам хали овоз мушаклари тулик шаклланиб улгурмаган булади. Улар купинча овоз лайчаларини зуриктириб товуш хосил киладилар ва бакириб овоз тембрини бузадилар. Уларни тана мушакларини таранглаштирмасдан енгил ёркин ва табиий куйлашга ургатиб бориш керак.

Хамма мусика муаллимларига маълумки, товуш хосил килиш ва чиройли куйлашда нафаснинг ахамияти жуда катта. Шунинг учун нафас устида тинимсиз машклар олиб боришга тугри келади.

Иккинчи синф укувчиларида упка хаво сигими анчагина катта, нафаси бир мунча чукур булади. Шунинг учун улар билан узунрок мусикий жумлаларни хам урганса булади, бу эса уз навбатида нафаснинг Яна ри ривожланиши ва тургунлашишига ёрдам беради.

Мусика дарсларида иккинчи синф укувчилари олдида куйидаги вазифаларни бажариш туради: биринчи октаванинг до товушидан иккинчи октаванинг ре товушигача булган ораликдаги пардаларда ёзилган куйларни ифодли айтиш тугри нафас олиш, якка ва омма билан мустакил куйлай олиш мусика ифода воситаларининг барчасини узлаштириб бориш.

Иккинчи синф "Мусика саводи" дарслигига бошлангич таълим дастури буйича шакл ва мазмун жихатидан ранг-баранг кушиклар киритилган. Бу кушикларнинг хар бирининг мусикий тарзини, укувчилар хис-туйгу куригидан утказиши ва мусикавий хотирасига кучириши керак. Бундан ташки мусика муаллимлари бастакорларнинг янги яратаётган, чиройли охангли болалар кушикларидан хам фойдаланиши максадга мувофикдир.

Бунинг учун радио ва телекурсатувдаги махсус болаларга ашула ургатиш эшиттиришини ва курсатувини ёзиб олиш ёки янги кушиклардан тузилган тупламларидан фойдаланиш керак.

Иккинчи синфда 1 синфда. бошланган мусика куникмаларини ривожлантириб бораверишь керак.айникса кушикларни урганиш олдидан угказиладиган тайёргарлик куйлаш машкларига жуда катта ахамият бериш керак. Чунки бу товуш баландлигини. аник эшитиш кобилиятини аник куйлашни овоз хажмининг кенгайишини ривожлантиради.Мусикий эшитиш кобилияти тараккийсида ва оханг

тозалигига эришишда мусика жумлаларини узлуксиз занжир усулида куйлаш катта натижалар беради.. Бу усул шундайки бир укувчи биринчи жумлани куйлаб тухтаган жойдан навбатдаги укувчи бошлаб кетаверади ва шундай килиб занжир шаклида кетма-кетлик хосил булади. Яна бир яхши томони шундаки, бу усул билан бутун синфдаги хар боланинг мусикавий кобилиятини ва куйлаш куник малакаларини х.ар дарсда синовдан утказйб туриш мумкин. Бу ерда ким тугри айтаётгани ва ким нотугри айтаётгани хам ойдин булиб колади. Яна бир ибратли томони, бу усулда бутун синф фаоллашади, диккат бир жойга тупланади, чунки хар бир укувчи уз уртогини сергаклик билан кузатиб, навбатдаги жумлага кечикиб колмасликка харакат килади. Занжирли куйлаш тугри нафас олиш куникмаларини хам мустахкамлайди:

Иккинчи синф укувчиларини журсиз куйлаш усулига хам ургата бориш керак. Бунда факат кушикнинг бузиб айтилаётган жойларида асбобни жур килиб тугрилаб юбориш керак. Мусика муаллимларининг олдида хар бир кушикнинг бадиий образларини оча билиш ва.уни хар бир укувчига етказиш вазифаси туради. Укитувчи кушикни ургатиш олдидан кискагина кириш сухбати утказишни унутмаслик керак. Бу синфда кушикка нисбатан ижобий рухий иклим яратади..Урганилаётган кушик матнидан келиб чикиб унинг мазмунини янада очадиган халк маколлари ва хикматларидан фойдаланиш х.ам уринли. Урганилаётган кушик ватан.хакида булса, "Булбул чаманни севар, и неон Ватан-ни", она хакида булса "Она билан бола-гул билан лола", дустлик х.акида булса "Дуст-дустнинг ойнаси" каби маколлар келтирилса. урганилажак кушикка укувчиларнинг рухий жозибаси янада ошади. Кутаринки кайфият урганилаётган асарни тез узлаштириш имконини беради.

Учинчи синфда мусика таълими

РЕЖА:

1. Учинчи синф укувчиларнинг мусикий имкониятлари.
2. Учинчи синфда нота саводи йуриклари.
3. Учинчи синфда икки овозли куйлаш.
4. Умумий хулосалар.

Адабиётлар:

1. Дарсликлар.1991 – 1999 йиллар.
2. «Мактабда куп овозли куйлаш» 1997 йил.Тошкент.Р.Г.Кодиров.

Бизни ураб турган дунё охангларга тула. тирик табиат минг хил тилда содда ва бетакрор кушикларини куйлайди: кушлар сайрайди, камишлар шамолда шилдирайди, шаршаралар шаркирайди, момокалдирок гумбирлайди, инсонлар турфа охангда бир-бирига нутк хитоб киладилар, куладилар ва йиглайдилар. Борликнинг ранг ва оханглардан минг жилвали килиб тукилган бу манзаралари болаларда катта таассурот колдиради. Уларнинг тасаввур дунёси бойиб боради.

Ана шу табиатда кечадиган ва жамиятда юз берадиган вокеа-ходисадар мусика ижодкорларининг хис-туйгуларини жунбушга келтиради ва улар уз хис-туйгуларини умуминсоний даражада яхлит ифодалаб асар яратадилар: Юксак бадиий савияда яратилган бундай асарлар эса инсониятнинг маънавий м-улки булиб колади ва авлодлар тарбиясида катта ахамият касб этади.

Биринчи ва иккинчи синфда олган сабоклардан болаларнинг мусикий маънавияти анча шаклланади. Учинчи синфда эса болалар олдига янада мураккаблирок вазифалар куйилади. Улар мусиканинг турли таркибий ифода воситаларини ургана борадилар.

Одатдагидек учинчи синфда хам дастлабки дарсдаёк мусикий иклим вужудга келтириш лозим. Бунинг учун укувчилар диккатини йуналтирувчи кириш сухбатига тортиш керак. Ёзги таътилда ким нима килганлигини, кайси пионер лагерларида булганлигини, кандай театр ва концертларга кирганлигини, эшитган ёки урганган кушикларини сураш керак. Баъзи укувчилар узи урганган кушикни жон-жон деб айтиб беради. Бу эса бошка укувчилар калбида хам мусикага нисбатан жозиб бир кайфият уйготади.

Кейин укитувчи, иккинчи синфда утилган айрим кушикларнинг бошланиш кисмини ижро этиб, бу кандай кушикнинг куйи, бу кандай суръатда ижро этилаяпти, каби мусикий машклар утказиши керак. Ана шулардан сунг мусика муаллими 3 синф мусика дастури буйича бу йилги укув йилида килинадиган вазифалар хусусида укувчиларга чиройли хикоя килиб бериши, укувчилар билан савол-жавоблар килиши, умумий рухий йуналишни белгилаб олиши керак.

Утиладиган мусика дарслари хаётдан узилиб колмаслиги керак. Дарсликка киритилган ранг-баранг кушиклар хусусида буладиган сухбатлар бугунги кундалик хаётимизга богланиши лозим. Болаларининг мусикага кизикишини оширищда дарснинг сифати катта ахамият касб этади. Агар укитувчи уз овозига эга булса, бирон бир мусика асбобини койилмаком килиб чалинса, ашула-хор жамоасини бошкариш укуви булса, дарсга мунтазам тайёрланса. Ундан укитувчининг дарси самарали, синфи илгор булади.

Учинчи синфнинг мусика дарсида хам килинадиган ишларни вакт буйича аник белгилаб куйиш керак, дарс боскичма-боскич куйидагича кечиши керак: овозни киздириш машклари, этишиш машклари, нота саводи, кушик урганиш, сухбат ва мусика тинглаш.

Учинчи синфда хам ноталар ва паузалар устида машклар олиб бориш керак. Паузалар чузимини ноталар чузимига солиштириш, ноталар билан. Паузалар такрорланиб, алмашиб келадиган машкларни кайта-кайта куйлатилиб тушунча хосил килдириб бориш керак. Бундан ташкари нуктали ноталар х.акида х.ам тушунча бериш. шундай ноталар учрайдиган кушиклар билан танишиб бориш зарур.

Учинчи синфда укувчилар лад, мажор ва минор хусусида бир к,адар билимга эга булишлари керак. Бунда укитувчи хар бир кушик.товушларининг таркибий богланишга лад дейилишини. Лад бу хар бир мусика асарининг архитектураси, бош режаси эканлигини ёки колипи эканлигини тушунтириш керак. Бу ерда асосан ладлар икки турга булинишини, булар мажор ва минор лад дейилишини

уртага бориши керак. Мажор ладила ёркин ва завкли туйгулар, минор ладида эса маъюс ва гамгин туйгулар ифодаланиши, турли куй ва кушиклардан мисол келтирилиб тушунтирилиши зарур.

Учинчи синф дарслигига киритилган кушикларда киска чузимли товушлар хам куп. Шунинг учун саккизлик, ун олтиталик ноталар хусусида хам тушунча бериш саккизлик нота бутун нотанинг саккиздан бир булаги эканлигини, ун олтиталик нота эса бутун нотанинг ун олтидан бир булаги эканлигини тушунтириш керак.

Учинчи синфда уч товушликлар, дирижёрлик хакида хам соддагина булса хам тушунча бериб, икки чсракли улчов буйича дирижёрлик килдириб.ургатиш зарур.

Болаларга х.ар бир к.уйлаётган кушикларининг бошида калитдан кейин куйладиган белгилар альтерацияларга ахамият беришни ва белгиларикинг вазифасини ургата бориш лозим. Мана шундай килиб учинчи синф укувчиларининг мусикий соводи х.ам мустахкамланиб боради. Улар энди ашула-хор машгулотларида мураккаброк асарларни куйлашга хам курби етадиган даражага келиб коладилар. Энди бир овозли куйлашдан аста-секин икки овозли куйлаш усулига хам утса булади.

Учинчи синфда икки овозли куйлашга утиш учун дастлаб куйидаги тартибда мусика машгулотлари олиб бориш керак. Болалар гармоник терция, кварта, каинта интервалларини мусика асбобида чалиб, хамох.анг чикаётган товушнинг хар бирини алохида эшитишга харакат килишни, диккатни бир жойга туплашни ургатиш зарур. Кейин эшитиш кобилияти яхши болалардан иккитасини доскага чикариб пастки товушни бирига, юкори товушни иккинчисига куйлатиш керак. Бунда аввал мусика асбоби журлигида, сунг эса журсиз куйлатиш зарур. Улар бу вазифани бир мунча машклардан кейин яхши уддалайдилар.

Синфдаги болалар хам ичидан узларини бу жараёнга созлаб турадилар. Шундай килиб бутун синфни иккига булиб, пастки товушни бир томонга. юкори товушни иккинчи томонга куйлатиш керак. Изчил ва мунтазам машкпардан кейин болаларда анча малака хосил булиб колади. Ана шундан кейин энг оддий икки овозли кушикларни ургата бошлаш лозим.

Икки овозли кушикни ургатиш хам дастлаб кушик матнини яхшилаб укиб, тушунтириш, кейин мусика асбоби журлигида ижро килиб, куйлаб курсатиш ва нихрят хар бир овоз партиясини алох.ида-алох.ида чалиб ва айтиб курсатиш зарур. Шундан кейин ургатишни бошлаш керак. Аввал биринчи овозлардан бошланган маъкул, чунки биринчи овозларда кушик куйининг асоси булади.

Шундай килиб, укувчилар колган йили давомида хор ижрочилигининг бу усулини хам узлаштириб борадилар.

**Мактабдан ташкари мусика тартиботи ва таълими.**

Мусика санъатининг баркамол намуналари билан укувчиларни таништириб бориш уларнинг гоявий-ахлокий тарбиясида катта ах.амиятга эга. Бунинг учун факат мактабда берилаётган дарс соатларининг узи етмайди. Бу эса мактабдан ташкари мусика таргиботини ва таълимни такозо килади. Бундан таълим ва тарбиянинг бизда кучли омиллари мавжуд. Булар радио ва телекурсатувлардир.

Бу сохада марказий эшиттириш ва курсатувларда хамда жумхурият радио эшитгириш ва телекурсатувларида анча амалий ишлар хам килинган ва килинмокда. Бу эшиттиришлар ва курсатувларга таникли ёзувчилар, композиторлар, дрижёрлар, режисеёрлар, балетмейстрлар ва хор оркестрлар таклиф килиниши, уларга чукур мазмун бахш этмокда. Мазкур ижрочилар: овоз ва чолгу ижросининг усталарининг чикишлари хам укувчилар дилида хавас ва завк уйготади.

Радио ва телекурсатувларда берилаётган: "Болалар мусикали радио журнали", "Кувнок кушиклар", "Мусика дукони", "мусика жавони", "Биргаликда куйлаймиз" каби эшиттириш ва курсатувлар навкирон шинавандаларнинг севимли сиртк.и дарслари булиб келмокда.

Айникса мактабдан ташкари мусикий таълим, тарбия ишларига мактаб укувчиларининг узили аралаштириш мухим ахамият касб этади.

Улар радио ва телекурсатувларга чикишда катта маъсулият хис киладилар, тайёргарлик жараёнида болалар рухий, маънавий дунёсида улкан мусикий тушунча ва билимлар жамгарилади.

Яхши тайёрланган болалар хор ва ашула, ракс ва –чолгу дасталарининг хаво мавжларига чикиши, уларни миллион-миллион уз синфдошлари билан мусика тилида мулокот килиши имконини бермокда. Бир суз билан айтганда радио ва телекурсатув миллионлар синфхонасидир.

Хаёт тухтовсиз экан, тугилиш тухтовсиз экан. тарбия жараёни хам тухтовсиздир. Шунинг учун радио ва телекурсатув бу сохада эришган бугунги даражасида туриб колмаслиги керак. Мусика таълими ва таргиботининг янги шакл ва мазмун омилларини излаши, олга силжиши лозим. Шу урин да бир таклифни айтиб утиш жоиздир.

Мана 30 йилдан бери "Кувнок стартлар" телекурсатуви мунтазам бериб борилади. Унинг хар бир эфирга чикиши болалар учун байрам. Бу курсатув 30 йил давомида канчадан-канча болаларни катта сперт оламига йуллади. Мамлакат болаларининг жисмоний маданияти тарбиясида бекиёс рол уйнади. Мана шу ибратдан бошка сохалар х.ам хулоса чик.ариб олса булмайдими? Булади, бунинг учун жиндак эътибор ва ташаббус керак. Биз жумхурият ва вилоят телестудиялари мунтазам равишда мактаблараро "Кувнок ноталар" телеконкурслари етказиб боришини таклиф киламиз.

Жумхурият президенти ва хукумат рахбарлари болаларимиз маданий тарбиясига катга ахамият беришяпти. Бунинг далили якинда кабул килинган жумхурият мактаб укувчиларининг бир ойда бир марта, бепул театрлар, концерт заллари, филармонияларга кириши хакидаги кароридир. Бу карор халк таълими ходимлари олдига хам, маданият муассасалари ходимлари олдига катта вазифа хакида. Бунда хар бир шахар хар бир туман халк таълими. уз худулилагн MVCIIK:I кучларилап имкони даражасида самарали фойдаланиши керак булади. Мактаб укувчиларини режимли равишда театрларга, концертларга хал филармонияларига боришларини уюштириш, буни укув дастуринг асосий биир кисми деб билиш керак булади.

Мактабларда хар ойда бир кун "маданият куни" деб эълон килиниб уша кун бошка дарслар утказилмаслиги керак. Болалар мактабга байрамона кийиниб келиши. Укитувчилари билан театрларга боришга тайёрланишлари зарур.

Театр учрашувлари укувчилар учун тантанали булиши, санъаткорларни чикишларидан сунг табриклаш учун укувчиларда гуллар булса яна яхши булади.

Маданият муассасалари, укувчи томошабинларнинг узига хослигини хисобга олиб, томоша ва ижронинг шуларга мос шаклларини топиши зарур. Бунинг учун куйидаги вазифаларни уддалашга харакат килмок, керак.

1. Мусикий-бадиий тарбия йурикларидан келиб чикиб фойдали маданий тадбирлар тематикасини ишлаб чикиш.

2. Тематик-концерт дастурларини тузиш. Бунда укувчилар ёши хусусиятларини хамда хар бир ёш гурухларнинг мусикий саводхонлик хусусиятларини хисобга олиш зарур.

3. Ижро олдидан бериладиган тулик сухбат ва тушунтириш усулларини ишлаб чикиш.

Укувчиларга мулжалланган тематик концерт дастурда, унинг таркибан хар-хил булишига эътибор бериш керак. Бир хиллик укувчиларни толиктириб куяди. Тематик концерт ранг-баранг, енгил куй-кушикдар дам мураккаб, куй-кушиклар хам аралаш булиши керак:

Шундай булганда укувчилар ижро килинаётган куй ва кушикларни хам. ижрочилар махоратини хам бир-бирига таккослаб боради. Уларнинг мусикани бадиий тахлил килиш идроки фаоллашади.

Укувчилар билан "Композитор-ижрочи-томошабин", Композитор-дрижёр-ижрочи-томошабин" каби учрашувли сухбатлар ва концертлар утказиш айникса фойдалидир.

Бундай концертлардаги жонли мулокот уларнинг калбига учмас чуг солади. Бундай учрашувларни нафакат театрлар балки кашшофлар саройларида, мактабларда утказса хам булади.

Бошланрич синф укувчилари билан буладиган театр учрашувларини айникса марокли утказиш керак. Бунинг учун жиддий тайёргарлик зарур. Ижро килинадиган асарлар уларнинг бола калбига етиб борадиган, тушунарли ва шу билан бирга уларнинг дидини бир кадар кутарадиган булиши керак.

Болалар билан "Эртаклар мусикада", "Йил фасллари мусикада" каби сухбатли концертлар утказиш уларнинг тасаввур дунёсини янада бойитади, улар бадият олами муштарак эканлигини элас-элас англай бошлайдилар.